1980

1–6

Совет халқи Ленин кўрсатган йўлдан бориб, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатни социалистик негизда индустриялаштирди, қишлоқ хўжалигини коллективлаштирди, маданий революцияни амалга оширди, бутун дунёга миллий масалани одилона ҳал этиш намунасини кўрсатди. Жуда қисқа муддатларда Ватанимиз қудратли социалистик давлатга айланди.

КПСС Марказий Комитетининг „Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида" деб чиқарган қароридан.



ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ

ГБ УзССР
Н 81330

Совет халқи ўнинчи беш йилликни якунлайдиган, жамиятимиз учун коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш йўлида муҳим босқич бўладиган 1980 йилни мисли кўрилмаган маънавий кўтаринкилик, ажойиб меҳнат зарбдорлиги билан бошлади. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети Ноябрь (1979 йил) пленумида сўзлаган ёрқин нутқида таъкидлаганидек, мамлакат тўққизинчи беш йилликнинг шу давридагига нисбатан тўрт йил ичида 323 миллиард сўмлик кўп миллий даромад, 600 миллиард сўмлик кўп саноат маҳсулоти олди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 40 миллиард сўмликдан зиёд ортди. Бу эса, Ленин даҳоси, Коммунистик партия ва халқ иродаси билан Ватанимизда барпо этилган ва асосий принциплари янги Конституциямизда чуқур илмий ифодалаб берилган ривожланган социалистик жамият тинмай гуллаб яшнаётганини яна бир марта тасдиқлайди.

«Етук, ривожланган социализмнинг барпо этилиши,— дейди ўртоқ Л. И. Брежнев,— мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ривожланишининг кўпгина вазифаларини янгича қилиб қўйди. Бизнинг имкониятларимиз ҳам, ижтимоий талабларимиз ҳам бошқача бўлиб қолди. Партия ва халқ фаолиятининг кўпгина томонлари қайта қурилмоқда. Бунда гап ғоят катта кўламдаги ишлар ҳақида, бутун жамият учун, ҳар бир совет кишиси ва оиласи учун ҳам ҳаётий муҳим бўлган мураккаб ишлар ҳақида боради».

Совет кишилари эришган улкан ютуқлар янги улуғвор вазифалар ва истиқболларни белгилаш имконини берадиган маррадир. Халқимизнинг ижодий ташаббускорлиги коммунизмнинг модий-техника базасини яратишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган.

Ленинча миллий сиёсат тантанаси ва социалистик интернационализм принципларининг кучини совет халқлари қардошлик оиласида тобора юксалаётган Ўзбекистонимиз тимсолида яққол кўриб турибмиз.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин Туркистон коммунистларига юборган тарихий мактубида собиқ мустамлака халқларининг Россия меҳнаткашлари билан самимий дўстлиги жаҳоншумул аҳамиятга эга эканини таъкидлаган эди. Тарих бу доҳиёна башоратни тўла исбот этди. Чор Россиясининг собиқ чекка ўлкаси Совет ҳокимияти даврида, буюк халқлар дўстлиги оиласида қудратли индустрияга эга бўлган илғор пахтакор республикага айланди. Бу даврда саноат ишлаб чиқариш ҳажми олтмиш етти баробар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори етти марта ўсди. Сўнгги беш йилликлар давомида республикамизда аҳолининг реал даромади 69 процент кўпайди.

Ўзбекистонда 1500 дан кўпроқ йирик корхонани бирлаштириб турган саноатнинг юздан ортиқ тармоғи бор. Электр қуввати ҳосил қилиш, самолётсозлик, электр техникаси, кимё, нефть, газ ва металл ишлаш сингари замонавий саноат тармоқлари кенг ривожланмоқда.

Саноатимиз ишчилари ўтган йили ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Улар маҳсулот сотиш ва қатор муҳим буюмларни ишлаб чиқариш йиллик планини оширибгина бажардилар. Айниқса, резервлардан унумли фойдаланаётган ва социалистик мусобақа принципларига амал қилаётган илғор корхоналар, бирлашмалар самарадорликни оширишга, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқдалар. Чкалов номидаги Самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ленин номидаги Электрон техника заводи ва Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи асосий ишлаб чиқариш фондларидан тўғри фойдаланишда, фанимиз ютуқларини жорий қилишда ва тежамкорликда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Ишлаб чиқариш новаторлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун шахсий ташаббус кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бекобод шаҳридаги 16-автотранспорт корхонаси шофёри Ҳабибулла Абдужабборовнинг тажрибасини оммалаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Бугун унинг бригада пудрати усули республикамизнинг ўнлаб корхоналарида кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан тараққий этаётир. Улуғ Ленин «оламшумул масала» деб атаган пахта миллий ифтихоримиз, уни тобора кўпроқ етиштириш интернационал бурчимиз бўлиб қолди. Пахтамизнинг ойдин йўли — чинакам қаҳрамонлик эпопеясидир.

Фидоий пахтакорларимиз ғоят оғир келган 1979 йилда ҳам мисли сиз жасорат кўрсатиб, мамлакатга 5 миллион 720 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. КПСС Марказий Комитети Ноябрь (1979 йил) пленумида бошқа қардош республикалар меҳнаткашлари қатори ўртоқ Л. И. Брежневнинг юксак таҳсинига сазовор бўлган ўзбек пахтакорларининг бу шонли меҳнат ғалабаси республика партия ташкилотларининг сафарбарлик кучи, ташкилотчилик маҳорати, коммунистларнинг авангардлик ролини яна бир марта намойиш этди. Соҳибкор ва боғбонларимиз ҳам 1979 йилни яхши натижалар билан якунладилар. Улар давлатга 2 миллион 630 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари сотдилар. Бу планда белгиланганидан 192 минг тонна кўпдир.

Умуман, беш йилликнинг тўрт йилида саноат корхоналари ва савдо тармоқлари боғбонлар ва сабзавоткорларимиздан 10 миллион 333 минг тонна маҳсулот қабул қилиб олдилар.

Маҳсулотни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашда янги аграр-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг роли каттадир. Ўзбекистон Мева-сабзавот ва виночилик саноат бирлашмасига қарашли хўжаликлар сабзавотнинг 25 процентини, ҳўл ме-

Партиявий пропаганда ва агитация халқимиз шуури ва қалбида туғиладиган барча масалаларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Компартияси Тошкент область Комитетининг Сиёсий маориф уйи ленинчи партиямиз ғояларини кенг халқ оммаси орасида тарғиб ва ташвиқ этувчи жанговар ўчоқлардан биридир.

Г. ПЕРМЕНЕВ фотоси

© «Гулистон» 1980 йил.

ЯНГИ УФҚЛАР

1979 йил ҳам тарих саҳифасига кўчди. У мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий юксалишида, республикамиз ҳаётида салмоқли из қолдирди. Мазмуни ўн йилларга тенг бўлган бу йилда саноат ишлаб чиқариши унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, пахтачиликни механизмлашда олға катта одим ташланди. Матонатли пахтакорларимиз табиатнинг мислсиз синовини енгиб, 5 миллион 720 минг тоннали юксак «оқ олтин» хирмонини бунёд этдилар. Бунда Ўроқ ва Болға иттифоқи анъаналарига содиқ бўлган ишчилар ва инженер-конструкторларимизнинг ҳиссаси ҳам беқиёсдир.

Пахта далаларида биринчи марта уруғлик пахта терадиган, терганда ҳам хиллаб оладиган ХВА-1,2 ва ХВБ-1,8 машиналаридан фойдаланилди.

Уруғлик пахтани саралаб терадиган механизм! Ажойиб, ақлли машина!

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида жорий этилаётган янгиликлар ва кашфиётлар биз учун — табиий нарса, мукаммал режалар негизига асосланган социалистик ишлаб чиқаришнинг мантиқий давоми.

Тўғри, ҳали пахтачилик ва уни комплекс механизмлаш соҳасида ҳал қилинмаган муаммолар бор. Ниҳоят оғир келган ўтган йилги қийинчиликлар шароитида бу нарса яққол сезилди. Ғўзанинг бир текис етиладиган ва эрта пишар, экин зараркунандаларига чидамли навларига ҳали эга эмасмиз. Пахта йиғим-теримини механизмлашда ҳам анчагина камчиликлар мавжуд. Пахтачиликка кетаётган моддий харажатларнинг кўпгина қисми тўкилган пахтани теришга сарфланмоқда. Шунинг учун ҳам етиштирилаётган пахтанинг таннархи нисбатан юқори. Тўкилган пахтани териш, кўрак йиғиш сингари машаққатли жараёнларни бажарадиган мукаммал универсал машиналар эндигина яратилмоқда. Янги ХВА-1,2 ва ХВБ-1,8 машиналарининг ишлаб чиқарилиши ана шу йўлда жиддий қадам бўлди.

Бугунгача уруғлик пахта фақат қўлда терилади. Ҳалигача бундай мураккаб жараённинг механизмларда бажарилишини тасаввур ҳам қилолмасдик. Чунки уруғлик чигит мутлақо шикастланмаслиги лозим.

Машинанинг тузилиши билан танишганимизда беихтиёр теримчининг 50-йиллардаги асосий иш қуроли — этакни эсладик. Одатда уч чўнтакли бўларди.

Теримчи саноат эҳтиёжига кўра тўкилиб ифлосланган пахтани кичик чўнтакларга ва сарасини каттасига йиғар эди. Терилгани ҳам хирмонга алоҳида-алоҳида тўкиларди. Негаки, хомашёнинг асосий қиммати — унинг толаси. Тола аъло бўлса ундан тайёрланган маҳсулотнинг сифати ҳам юқори бўлади. Лекин нимагадир ҳозир пахта қўлда хиллаб терилмайди, этак ҳам шунга мосланмаган. Ахир, оппоқ чаноқлардаги пахтанинг маълум қисми (оз миқдорда бўлса-да) шамол ва тўзонда ерга тўкилиб ифлосланади-ку!

Ҳар ҳолда пахта сифати ҳақида тўқимачилик саноатининг тайёрлов идораларига билдираётган эътирозлари бежиз эмас. Хўжаликларнинг раҳбарлари ва тайёрлов идоралари ходимларидан тортиб оддий теримчиларгача — ҳамма уларнинг талабларини инобатга олишлари лозим.

Шуниси қувончлики, конструктор инженерларимиз мазкур машиналарни конструкция қилишда ана шу ҳаётий эҳтиёжларни ҳисобга олдилар. Дастлаб бундай машинани яратиш ғоясини Ўрта Осиё механизмлаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг Д. Шполянский раҳбарлигидаги пахта йиғими ҳамда В. Горн етакчилигидаги уруғлик пахта теришни механизмлаш лабораториялари коллективлари илгари сурди. Назарий фикр ва хулосалар ифодаланган схема ва чизмалардан иборат тавсиялар Бутуниттифоқ пахтачилик машинасозлиги бирлашмасига қарашли Махсус конструкция бюросига топширилди. Иккала муассаса ҳамкорлигида 92 НЖО-1,8, 94ЖО-1,2, ХВА-1,2, ХВН-1,8 машиналари конструкция қилиниб, Ўрта Осиё машиналарни синаш станциясида ва хўжалик шароитида синалди. ХВА-1,2 машина 60×60×1 схемада экилган пахтани, ХВБ-1,8 эса 90×90×1 схемадагисини теришга жуда мослиги амалда исботланди.

Мазкур ихтиро учун конструкция бюросининг инженерларидан Ленин мукофоти лауреати В. Титков, Г. Приходько, А. Слободин, Р. Бекбўла-



Махсус давлат конструкция бюросининг бригада бошлиғи Фоиз Бекбўлатов (чапда), конструкция бюроси бошлиғининг ўринбосари Глеб Горобец, бригада бошлиғи Нонна Шевчук, етакчи конструктор Анастасия Миронова, бўлим мудири ўринбосари Владимир Хрампронин, конструктор Юрий Чаусский, бригада бошлиғи Георгий Приходько ўртоқлар универсал терим машинаси лойиҳасини муҳокама қилмоқдалар.

ванинг 40 процентини, узумнинг 63 процентини етиштирдилар.

Шуниси қувончлики, ўзининг ҳалол меҳнати, шахсий ташаббускорлиги билан республикамиз шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган ишлаб чиқариш новаторларининг сафи тобора кенгаймоқда. Наманган область Задарё районидаги «Гигант» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Абдуваҳоб Турғунов ва Тошкент районидаги Ўзбекистон 50 йиллиги номидаги колхознинг сут соғувчиси Мунаввар Исҳоқова меҳнатдаги катта ютуқлари учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Республикамиз иқтисодий қудратининг тобора мустаҳкамланиши аҳолининг турмуш маданиятини янада ошириш имконини бермоқда.

Тошкентда ўтказилган «Қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш ва қишлоқ турмуш маданиятини ошириш масалалари» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси партия, совет ва хўжалик активи учун яхши мактаб бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов конференцияда қилган докладида КПСС аграр сиёсатига изчил амал қилиш, қишлоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва социалистик ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва турмуш маданиятини ошириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш формалари ва усулларини такомиллаштириш йўлларини таҳлил қилиб берди.

Шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яқинлаштиришнинг моддий негизи — қишлоқ хўжалигининг ишлаб-чиқариш техника базасини мустаҳкамлаш, уни саноат негизига кўчириш, энг муҳим ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизмлашни тугаллаш ва меҳнат унумдорлигини оширишдан иборатдир. Ўнинчи беш йиллик мобайнида республика қишлоқ хўжалигида 9 миллиард сўм ёки республикамиз халқ хўжалиги учун ажратилган капитал маблағларнинг 48 проценти сарфланди. 1970—1978 йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энергетика қуввати ярим баравардан кўпроқ ошди.

Қишлоқларни шаҳар типидаги обод посёлкаларга айлантириш — турмуш маданиятини оширишнинг муҳим шартларидандир. Биз хутор системасини тугатиш учун кескин кураш олиб бормоқдамиз. Ўтган йиллар ичида қишлоқ жойларда 30 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилди, 8 мингдан ортиқ хутор тугатилди, кўплаб маданий-маиший объектлар қурилди.

Муштарак совет турмуш тарзининг таркиб топиши ривожланган социалистик жамиятимизнинг улкан ютуғидир. Жамиятимизнинг ёрқин истиқболи йўлидаги эркин ижодий меҳнат, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий бирлиги, чинакам коллективизм ва ўртоқлик руҳи, ахлоқий пок-

тов, Ю. Чаусский, Н. Миронова, Н. Шевчук ўртоқлар авторлик гувоҳномасини олдилар.

Махсус конструкция бюроси инженер конструкторлари айни вақтда, тегишли илмий муассасалар билан ҳамкорликда, тўкилган пахтани териш ва бирваракайига кўракни йиғиб чувийдиган мукаммал универсал машина яратиш устида ишламоқдалар. 1984 йилга бориб бу машинанинг дастлабки нусхалари ишлаб чиқарила бошлайди.

Одатдаги терим машиналарида шпинделлар қамраб олган пахта қабул камерасига тушиб вентилятор қанотчалари орасидан ўтаётганда чигити 5—6 процентгача шикастланар эди. Янги машинада эса пахта ҳаво босимида ишлайдиган мослама ёрдамида вентилятор қанотчаларини четлаб ўтиб бункерга тушади. Шунингдек, қабул камераси пастки ва юқори қаватларга бўлинган бўлиб, иккала қават ўртасига бошқарувчи ўрнатилган. Машина бункери ҳам икки бўлинмага ажратилган. Улардан бирига, яъни сиғими кичикроғига саноатда фақат хом ашё сифатида ишлатиладиган техник пахта, иккинчисига эса сара уруғлик пахта келиб тушади. Машина механизмларини тайёрлашда конструкторлар кўсакларнинг ғўзада бирданига эмас, балки кетма-кет етилиб очилишини, вазни, пахта толасининг узунлиги ва чигитининг ҳажми жиҳатдан фарқланишини ҳисобга олдилар. Ҳатто бир ҳосил шохининг бошидаги кўсакнинг етилиши, вазни учидагисидан фарқ қилади. Бир ғўзадан сара уруғлик ва техник пахта олинишининг сабаби ҳам шу.

Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-текшириш институтининг қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ҳусниддин Раҳимов бошчилик қилаётган уруғшунослик лабораторияси бир гуруҳ олимларининг уруғлик пахтани хиллаб терадиган машиналар технологияси бўйича ўтказган махсус тадқиқотлари пахтанинг сифати қўлда терилганга қараганда бирмунча ортиқ бўлишини, чигит вазни беш-ўн граммга ошишини ва унинг униш қобилияти беш-ўн процентга ортишини, пишган чигитлар миқдори ҳам етти-саккиз процентга кўпайишини кўрсатади. Мана шулар ҳисобига ҳосилдорлик гектарига ўртача 2—2,5 центнерга ошиши исботланди. Ҳисобдонлар битта машина мавсумда 1300 дан 1400 сўмгача иқтисодий фойда беришини аниқладилар.

Афсуски, шундай самарали машиналарни ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳали жуда суст. Ваҳоланки, К. Ворошилов номидаги Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи 1978 йилда шундай машиналардан 1200 тасини ишлаб чиқарди. Ўтган йили машиналардан 550 минг тонна уруғлик пахта терилиши лозим бўлгани ҳолда бункерлардан 50 минг тоннадан ошиқроқ пахта тўкилди, холос. Республикамиз уруғлик хўжаликларидаги 88 минг гектардан ортиқроқ майдондаги ҳосилни машиналарда йиғиштириш юзасидан белгиланган план бажарилмади.

1980 йил сифат беш йиллигининг якунловчи йили. У пахта йиғим-теримини, айниқса, уруғлик ҳосилни машиналаштиришда ҳам муҳим босқич бўлади. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективи бу йил 850 та ХВБ-1,8 машинаси ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда. Машиналардан тўғри ва самарали фойдаланиш учун эса, биринчи навбатда, хўжаликларда ихтисосли механизатор кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор бериш талаб этилади.

Сара уруғ мўл ҳосил гарови. Уни етиштириш ва йиғиштириб олишда илмий тавсия ва илғор тажрибаларга изчил амал қилинса, шубҳасиз, яхши натижаларга эришиш мумкин.

Шомурод СИДДИҚОВ



К. Ворошилов номидаги Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг етакчи конструктори Муҳаммаджон Ражабов (чапдан), бош конструктор ўринбосари Валерий Беляев, технология бюросининг бошлиғи Абдулатиф Отахўжаев ва конструктор Григорий Ким ХВА-1,2 ва ХВБ-1,8 машиналарини тайёрлашда фаол қатнашмоқдалар.



Зайцев номидаги Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти уруғшунослик лабораторияси мудири Ҳусниддин Раҳимов эксперименталь участка механизатори Минраҳмон Миниқаев билан машинада терилган уруғлик пахтанинг сифатини кўздан кечиришмоқда.

А. ЖДАНОВ фотолари

лик, барча миллатлар ва халқларнинг мустаҳкам дўстлиги, интернационализм совет кишилари учун маънавий мезон бўлиб қолди. Бинобарин, ривожланган социалистик жамиятга хос юксак маънавий муҳит, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида», КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида» деб чиқарган тарихий қарорлари, шунингдек, Ноябрь [1979 йил] пленуми белгилаб берган дастуриламал 1980 йилни, ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, шу беш йилликнинг якунловчи йилигагина эмас, балки навбатдаги беш йилликка асос бўладиган базага ҳам айлантиради. «Бу — партия XXVI съездига актив тайёргарлик кўриладиган йилдир,— деб уқтирди КПСС Марказий Комитети Ноябрь [1979 йил] пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев.— Бажарилган ишларга баҳо беришда ва 1980 йилги вазифаларга худди шундай позициялардан туриб ёндашиш керак... Меҳнаткашларни беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини бажаришга сафарбар қилиш ҳамма куч-ғайратларимизнинг марказига қўйилиши даркор. 1980 йилги план топшириқларни мураккаб, аммо улар бажарилиши ва ошириб бажарилиши лозим. Хўш, бунинг учун нима қилиш зарур! Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, ҳар бир ишлаб чиқариш ячейкасида юксак талабчанлик, уюшқоқлик, ишга ижодий муносабат вазиятини вужудга келтириш керак». КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев сифат беш йиллигининг ҳал қилувчи йили тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини давом эттириб, яна шундай деди:

«1980 йилда В. И. Ленин туғилган кунга 110 йил тўлади. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг қарори тайёрланмоқда, бу қарорда сиёсий жиҳатдан муҳим бўлган бир қанча тадбирлар кўзда тутилади. 80-йилни зарбдор иш, ленинча ишлаш йилига айлантириш керак. Бу — тадбирларнинг умумий муддаосидир. Барча партия комитетлари, барча ярим миллион бошланғич партия ташкилоти ва партия группалари, Советлар, касаба союзлари, комсомол айнан шу муддаони кўзлаб ишлашлари керак. Кузда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари партиянинг халқ бахт-саодати йўлида янги зафарларга тайёр эканини яна бир марта кўрсатди. Бу — муттасил олға қиладиган ҳаракатимизнинг, янги муваффақиятларимизнинг ва ютуқларимизнинг гаровидир».

Ҳеч шубҳа йўққи, республикамиз меҳнаткашлари барча совет кишилари каби бу ҳаётий вазифаларни оғишмай амалга оширадилар ва сифат беш йиллигини халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ажойиб муваффақиятларга эришиш билан якунлайдилар.

Шавкат ЯҲЁЕВ,
фалсафа фанлари кандидати



КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов конференция иштирокчилари (ўнгдан) СССР Ёзувчилар союзининг секретари Ю. Верченко, СССР Ички ишлар министрининг ўринбосари генерал-лейтенант Ю. Чурбанов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Полиграфия, китоб савдоси ва нашриёт ишлари давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. Чхиквишвили ўртоқлар билан.

ТАРБИЯ — АДАБИЁТ МАВЗУИ

Тошкентда тўпланган бу конференция адабиётда маънавий-ахлоқий тема ва ҳуқуқ проблемаларига бағишланган эди. СССР Ички ишлар министрлиги билан СССР Ёзувчилар союзи ҳамкорлигида ўтказилган анжуманга Иттифоқимизнинг барча республикаларидан, Москва, Ленинград шаҳарларидан келган таниқли адиблар, юристлар, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари, маъмурий органларнинг ходимлари иштирок этдилар.

Конференция қатнашчилари бир неча кун давомида тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида совет ёзувчиларининг мазкур мавзудаги асарлари, янги вазифалари ҳақида атрофлича фикрлашиб, кенгашиб олдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов конференцияда сўзлаган нутқида бу вазифалар тўғрисида батафсил гапириб, шундай деди: «Совет ёзувчиси учун, пўлат эритаётган ва нефть қазиб чиқараётган, шаҳарлар ва тўғонлар барпо этаётган, ғалла ва пахта етиштираётган, космосни забт этаётган ва совет қонунчилигини, совет жамияти манфаатини, совет граждалари ҳуқуқларини қўриқлаб турган кишиларнинг маънавий бойлигини тараннум этишдан кўра юксакроқ ва олижаноброқ мақсад йўқ».

Йиғилиш қатнашчилари маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий проблемаларга бағишланган бадиий асарларнинг савияси, бундан буён нималарга кўпроқ эътибор бериш зарурлиги ҳақида фикр алмашдилар. Ютуқлар таҳлил қилинди, камчиликлар рўй-рост айтиб ўтилди.

Чиндан ҳам, совет турмуш тарзининг қарор топишига, янги одамни вояга етказишда ҳар бир кишининг жамият олдидаги, қонун олдидаги масъулиятини оширишда ҳуқуқ органлари билан бирга бадиий адабиётнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Инсоннинг маънавий дунёсига, хулқ-атворига таъсир кўрсатиб, унда ўзгариш ясай оладиган қудратли омиллардан бири сўз санъати, адабиётдир. Катта-кичик ҳамма ўзи яшаётган жамиятнинг тартиб ва қоидаларини ҳурмат қилиши, қонун ва ахлоқ нормаларини чуқур тушуниб, ҳимоя этиши керак. Ўтмишда яратилган детектив ва саргузашт асарларни ўқирканмиз, гоҳида шахс эрки қонунлар доирасига сиғмай қолганини кўрамиз. Эрк билан қонун бир-бирини инкор эта бошлайди, виждон қонунни тан олмай қўяди. Буржуа жамиятига хос бундай ҳолларни акс эттирган асарларнинг энг мукаммал намуналарини биз рус классик адабиётида кўплаб кўришимиз мумкин. Ф. Достоевскийнинг ўткир сюжетлар асосига қурилган, инсоннинг руҳий ҳолати чуқур таҳлил этилган романлари, Л. Толстойнинг қонун ва виждон эркига бағишланган шоҳона асарлари шулар жумласидандир.

Советлар даврида бу жанр айниқса ривожланди, янгича шакл ва мазмун билан бойиди. Совет кишисининг бой маънавий-ахлоқий қиёфасини акс эттирган бундай асарларда ҳуқуқ проблемалари, бурч ва масъулият масалалари чуқур таҳлил этилмоқда. Совет қонунлари энг адолатли қонунлар экани, шахс эркига, камолотига кенг имкониятлар очиб бераётгани, бу қонунларни чуқур тушуниб, уни тарғиб этувчи, ҳимоя қилувчи янги авлод етишаётгани мазкур асарларнинг асосий мундарижасини белгиламоқда. Янги одамнинг, том маънодаги совет кишисининг туғилиши, шаклланиши ва вояга етиши, социалистик жамиятнинг актив ва онгли ҳимоячисига айланиш жараёни бу асарларда ўзининг бутун мураккаблиги билан атрофлича таҳлил этилмоқда. Сергей Михалков, Василий Шукшин, Григорий Мединский, Павел Нилин, Юрий Герман, Виль Липатов, Юлиан Семёнов каби ёзувчиларнинг қисса ва романлари детектив ва саргузашт жанри беқиёс даражада бой имкониятларга эга эканини яққол кўрсатиб турибди. Бу адибларнинг асарлари кенг китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда, қайта-қайта нашр этилмоқда, киносценарийларга асос бўлмоқда.

Узбек совет адабиётимизда ҳам сўнгги йилларда бу жанр анча жонланди. Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик», Улмас Умарбековнинг «Ёз ёмғири», Михаил Гребенюкнинг «Чорраҳадаги икки киши» сингари қисса ва романлари, Сергей Волгин ҳамда Қаюм Ғойибназаровнинг совет милицияси ҳаётига бағишланган асарлари шулар жумласидандир. Лекин онда-сонда яратилаётган битта-иккита асар билан бу борада катта ишлар қилинмоқда, деб бўлмайди. Китобхоннинг мазкур жанрга нисбатан кун сайин ўсиб бораётган қизиқиши, талаб-эҳтиёжларини саноқли асарлар билан қондириб бўлмаслиги табиий. Очиғини айтиш керак, имконияти бениҳоя бой бу жанр афзалликларидан биз ҳали кўнгилдагидек фойдалана олмаётибмиз. Республикамиз Ёзувчилар союзи ўтган анжуман баҳона бошланган ажойиб ташаббусни анъанага айлантирса, бу жанрни ривожлантиришга фаолроқ киришса, республикамизда қонунчиликни ҳимоя этаётган, уни ривожлантираётган ва кенг омма ўртасида жуда катта ишлар олиб бораётган суд, милиция, прокуратура ходимлари ҳаётидан янги-янги асарлар яратилса, деб умид билдирамиз.

Худойберди ТУХТАБОЕВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали


Ўзбекистон

№ 1 (359)
Январь
1980

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати



БЕДОР БЎЛ, КЕЛАЖАГИМ!

Дала шийпонида ухлаётган гўдакка

Дерларки, кишининг бош миясида
Ҳар доим бир томир бўларкан бедор.
Шу боисдан одам талай гаплардан
Ҳатто уйқусида бўлар хабардор.
Шу йил ёзда, қайбир учрашув чоғи,
Чамамда — Наманган, овлоқ шийпонда
Ногоҳ кўзим тушди бола эмизиб,
Шеър тинглаб ўтирган ёш бир жувонга.
Бош солиб тингларди кекса деҳқонлар,
Ёшларга ҳам жуда мос эди сўзим.
Лекин ёнгинамда тинч ухлаб ётган
Шу гўдакда бўлди кетгунча кўзим.
Бир яшармн ўғлон, бошида дўппи,
Эгнида банорас кўк камзулчаси.
Оқ мармар устига қўйилган гулдек
Она кўкрагида жажжи қўлчаси.
Мен шеъримда айтдим тупроғимизнинг
Тарихида турфа тонглар отганин;
Талашу тортишлар задалаб, кўп вақт
Ҳақиқий бир эга кутиб ётганин.
Мен айтдим, исёнкор, ҳақсўз шоирга
Қисмат гоҳ шафқатсиз ҳукм ёзганин;
Халқимнинг Нодиму Машрабларини
Ё майиб этганин, ёки осганин.
Мен айтдим арслонвор Ғафур Ғуломнинг
Давримизга солган гулдуросини.
Қуёшни олқишлаб, сўнг чақмоқ сўз-ла
Ёрита олганин булут остини!

Айтдим, бир эртакда тангри таоло
Ўлкамиздан олган жаннатга улги.
Беҳиштий мевалар, оби ҳаёт — сув,
Самовий мақомлар — бари минг йилги.
Мен айтдим, ер шари юмалоқ тамом,
Вақт ҳам ҳамма ерда бирдай югурик,
Аммо, ё осмон паст, ё ери баланд,—
Хоразм тунида юлдузлар йирик.
Айтдим, Бухорода қўзичоқларнинг
Териси ҳимралиб ёнса шуълador,
Билингки, уларда ер остидаги
Беҳисоб конларнинг ҳоври — акси бор!
Самарқанддан айтдим, айтдим Тошкентдан,
Айтдим Абдулланинг шаҳри сабзасин.
Гўдак тинч ухларди.
Пахтазор ели
Неча бор кўмарди шоирнинг сасин.
Дерларки, кишининг бош миясида
Ҳар доим бир томир бўларкан бедор.
Ўша боис, одам талай гаплардан
Ҳатто уйқусида бўлар хабардор.
Мен шеър айтмоқдаман.
Олис шийпонда
Гўдак ухлаб ётар. Дала — беланчаги.
Илтижо қиламан, ўша бир сезгинг
Бедор бўлсин,
ухлаётган укам — келажагим!

* * *

Сен оппоқ кўйлакда,
қорасоч —
Тушимда кўриндинг, ёш пари,
Ва бор-йўқ хотирот оламим
Чекинди руҳимдан ташқари.

Ким бўлдинг? Танимни осмондан
Нур қилиб қуёшга элатган!
Ким бўлдинг? Мудроқ бу воҳада
Саноқсиз дарахтлар гуллатган!

Бу сенсан, муҳаббат, танидим,
Ўйлаган, кутганим, деганим.
Лекин сен, наҳотки, билмадинг,
Бу — бир туш, уйқуда эканим?

Орзу ҳам этолмай бир бўса,
Изҳорга на бир сўз узилмай,
Ногоҳ туш узилди...
Армонлар
Қолдилар қатлари бузилмай.

Лекин сен келишга ваъда бер,
Майлига — тушимда, бир замон,—
Муҳаббат, мен сени кутаман,
Кутаман, уйғонмай ҳеч қачон!

* * *

Қирқ биринчи хотинликка, Асилжон,
Сени келтирдилар Исфандиёрга.
Чидаб туролмади ҳеч бир тирик жон,
Гурландан то Хева, сен чеккан зорга.

Нега мунча йиғи — ўйна, кул, ахир,
Малика бўларсан улкан саройда!
Хонлар авлодига қонинг қўшилса
Бир қўлинг юлдузда, бир қўлинг ойда!

Қовоғингни очгил энди, нозни қўй,
Хоннинг қучоғида кутсанг-чи тонгни!

«Қизинг бўй эгмаса, осаман!», деб у
Гаровга келтирди, ана, отангни!
Шунда ҳам кўнмадинг!
Бахмал тўшаклар
Бўри кирган уйдек тўзди шом-саҳар.
Сен таслим бўлмадинг!
Лекин хон тинди —
Ногоҳ қўйганингда ўртага ханжар!

Хон тинди
Ва лекин мерос ғазаб, ўч
Уввос солиб кирди унинг қонига:
Отанг қатл этилди!
Сен ҳам ташландинг —
Хоннинг қайнаб турган дошқозонига!

Қачон бу воқеа эсимга тушса,
Кўзимга ёш келар, синглим Асилжон.
Нимани сен бунча ҳимоя этдинг,
Нима деб соб бўлдинг, ўн беш ёшли
жон?

Ҳали на муҳаббат ҳавосин туйиб,
На оқу қарони фарқ этган қалбинг
Қандай илоҳий куч измидан чиқмай,
Жон бериб,
нимани қутқариб қолдинг?

Табиат ҳар гиёҳ, ҳар махлуқотнинг
Зотин пок сақлашга жо этган жавҳар
Ногоҳ кўтардими қалбингда исён?
Хондан шунинг учун қилдингми ҳазар?

О ўзбек қизлари! Мужассам иффат!
Мужассам муҳаббат! Мужассами ор!
Сизнинг кўксингизнинг нурли зарбидан
Менинг толеимга жон риштаси бор.

Ҳа, бордию тақдир нақш олма каби
Ногоҳ тиғ дамида ўйнатса сизни
Ёки асир этса тўймас қора тун,
Биламан, асрайсиз юлдузингизни!

Туялар

Қозоғистон бўйлаб,
поездда ўтиб,
Текис, қўнғир даштга солсангиз нигоҳ,
Унда-мунда эски тош белгилардек
Яғир туяларни кўрасиз ногоҳ.

Улар одамзотнинг минг турли юкин
Эртами-кеч демай, ёзми-қиш демай,
Тарихнинг поёнсиз саҳроларидан
Ой-йиллаб бўйни сув, янтоққа етмай,
Бизнинг Йигирманчи — темир қанотли,
Қисқа васл асрга еткизолдилар
Ва бугун биз тушган, тобора тезкор
Карвонларга ҳайрон қараб қолдилар.

Бир томон — Бойқўнғир. Сунъий йўлдошлар.
Бир томон — Ватаннинг кумуш қушлари.
Бир томон — поездлар... Дуд. Ахлат. Коньяк...
Елар,
Туяларга бўлмай ишлари.
Мен уларга боқиб бир фарёд уқдим:
«Не боғлади, инсон, меҳринг, кўзингни?
Эски дўстларингни хор-зор кўрсанг ҳам
Ўтасан —
билмасга олиб ўзингни...»
Қозоғистон бўйлаб,
поездда ўтиб,
Текис, қўнғир даштга солсангиз назар,
Унда-мунда эски тош белгилардек
Туялар кўринар,
қадим туялар...

* * *

Ёмонликка ўргатмайман болаларимни,
Мижозимга юртпарастлик, тарафкашлик ёт.
«Биз, ўзбеклар ундай халқмиз, бундай халқмиз!»,
деб
Сўзларимга уламайман кибрдан қанот.

Юртимизни мафтун кезиб юрсак ҳар доим,
Болаларим мени тинмай кўмар саволга.
Наманганда, дейлик, учрар Искандар қўрғон,
Дарҳол таъриф беришим шарт фотиҳи золга.

Бухорода яхши маълум Арабон қалъа.
Хоразмда — Чингизтепа... Булар жуда кўп.
Тарихдаги қони қотган яралар булар,
Булар юртга ҳуснбузар, кўзга тушган чўп.

Болаларга эрмак энди бу харобалар,
Уюм хокдир бир пайтдаги дабдабалари.
Тепаларни тепкилашиб ўйнар болалар
Ҳайвонларга қўнган митти қушлар сингари.

Минг бола ҳам бир бола-да! «Нега?», «Ким?»,
«Қандай?»
Каби бир хил саволларга асирдир улар:
Билиши шарт — дўст деб кимга айтилишини,
Билиши шарт — босқинчи деб кимга айтилар.

Сир эмасдир, тупроғимда, истилолардан
Неча минг бор қайтарилган қиёмат, маҳшар.
Қақнус қушдек, парларидан оҳанг таралиб,
Ўз кулидан тиклангандир халқим ҳар сафар.

Мен шуларни босқинчи ё келгинди, десам,
Ўйлайманки, миллатчи, деб сўкмас бировлар.
Ёмонликка ўргатмайман болаларимни.
Ҳар бир юртни тинч қўйсинлар фотиҳлар, ёвлар.

Мажид САМАТОВ,
филология фанлари кандидати

ЛЕНИННОМАГА ҲИССА

Комил Яшиннинг 70 йиллигига

Маълумки, ўзбек адабиёти, драматургияси ва театрининг кейинги 50 йиллик тарихи Комил Яшин номи билан чамбарчас боғланган. У Ҳамза Ҳакимзодадан кейин ўзбек совет драматургиясини ривожлантиришга, уни янги мазмун, янги характерлар билан бойитишга улкан ҳисса қўшган ва қўшаётган забардаст адибдир.

Яшин — кўп қиррали санъаткор. У адабиётимизнинг деярли ҳамма жанрларида қалам тебратмоқда. Шу билан бирга, у — атоқли жамоат арбоби, Ўзбекистон ёзувчиларининг жонкуяр раҳбари ҳамдир.

Яшин ўз ҳаётини, бетиним фаолиятини, қалб ҳароратини тўла-тўкис жонажон халқимизга, социалистик Ватанимизга, коммунистик партияга садоқат билан хизмат қилишга бағишлади. Узининг кўп йиллик машаққатли ижоди, халқ бахт-саодати йўлидаги фидокорона фаолияти туфайли эл-юрт олдида катта обрў ва эътибор қозонди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Яшин номини йирик санъаткорлар қаторида бир неча бор тилга олди. Бундай эъзоз адибнинг ўзи учунгина эмас, бутун халқи, бутун адабиётимиз учун ҳам ғоят зўр ифтихордир.

Яшин ижодининг диапазони кенг. У совет воқелигидан озиқ олиб, партия чақириқларидан илҳомланиб, замонамизнинг энг муҳим, ҳаяжонли масалаларини — халқимизнинг кураши, меҳнати, орзу ва интилишларини кенг акс эттирди. Ўзининг юксак ғоявий-бадиий асарлари билан халқимизни порлоқ социалистик жамият қуриш учун руҳлантирди. Унинг оташин ватанпарварлик, дўстлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик ҳамда душманга нисбатан ғазаб ва нафрат руҳи билан суғорилган асарлари республикамизда муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Забардаст талант эгаси Комил Яшин ижодининг ноёб қирралари ҳақида батафсил гапириш мумкин эди. Аммо бу мақолада биз адиб ижодининг олмос қирраси бўлмиш — ленинномаси ҳақида, совет адабий ленинномасига қўшган ҳиссаси ҳақида фикр юритмоқчимиз. Яшин ленинномаси айниқса унинг икки монументал драмаси «Йўлчи юлдуз» (1957) ва «Инқилоб тонги»да (1963) ёрқин ифода топгандир.

Санъаткор ижодининг юксак чўққиси, бадиий маҳоратининг муҳим маҳсули бўлган «Йўлчи юлдуз» миллионлаб томошабин ва китобхонларнинг диққат-эътиборини тортди. Адибимизнинг узоқ йиллар изланиш ва қунт билан ишлаши натижасида бир мўътабар асар майдонга келдики, у миллий драматургиямизни янада юқори поғонага кўтаришда салмоқли таъсир кўрсатди.

1918 ва 1919 йиллар... Гражданлар урушининг шиддатли кунлари. Совет Туркистони ички ва ташқи контрреволюция томонидан олов ҳалқа ичига қуршаб олинган, ёш республика большевиклар Россиясидан ажратилиб, кесиб қўйилган. Закаспийда босқинчилар бедодлик қилмоқда. Шонли Октябрнинг озодлик нурларини қора булутлар тўсган. Эл оч-яланғоч, офатли касалликлар авжга миниб, жафокаш халқ оғир аҳволга тушиб қолган. Ҳаёт-мамот қил устида турган бу фожиали дақиқаларда чекка ўлкага ким нажот қўлини узатади, ким бу мудҳиш аҳволдан қутқаради?

«Йўлчи юлдуз» қаҳрамонларидан бири — Вотинцев изтиробда тўлғанаётган халққа мурожаат қилиб, сўрайди: «Мамлакатимиз шундай оғир аҳволда, хавф-хатарда экан, қани айтинг-чи, кимдан мадад сўраймиз?»

Халқ ичидан бир мўйсафид чиқиб, юртнинг оқсоқоли сифатида гап бошлайди: «Ўртоқ Лениндан!» Албатта Лениндан, фақат улуғ Лениндан!

Жаҳон пролетариатининг доҳийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин биринчи марта ўзбек совет саҳнасига кириб келади. Воқеалар давомида бу улуғ сиймонинг ажойиб фазилатлари очилади. Унинг доно раҳбарлиги, буюк меҳрибонлиги халқ озодлиги ва бахт-саодатини таъминлади.

Албатта, улуғ доҳий образининг яратилиши ўз-ўзидан бўлмади. Драматург бу йўлда узоқ тадрижий жараённи бошдан кечирди. У зўр меҳр ва қунт билан узоқ йиллар тайёргарлик ишлари олиб борди. Улуғ доҳий образи санъаткорнинг доим фикри ва зикрида, ҳамма вақт диққат марказида турди. Яшин бу мўътабар ишга жуда катта масъулият билан қараганлиги учун, ижодий юксакликка интилиб, бадиий маҳоратини ҳамиша ошириб борганлиги учун ўз орзусини рўёбга чиқаришга муваффақ бўлди. В. И. Ленин образининг биринчи эскизлари, Ленин ва Шарқ мавзуи Яшин поэзиясининг илк намуналаридаёқ кўзга ташланган эди.

1926 йилда ёзилган «Ленин Мавзолейида» шеърида шоир бундай дейди:

Ўлим ўпқонидан олтин қирғоққа
Башарни чиқарган улуғ инсон сен!
Капитал бўғови қийнаган Шарққа
Еруғ йўл кўрсатган чин қаҳрамон сен.

Яшиннинг кўпгина шеърларида доҳийнинг улуғ хизматлари зўр эҳтирос билан қайд этилади, Ленин ғояларининг тантанаси ёрқин сатрларда ифодаланади. Драматик асарларида эса Ленин фаолиятини кўрсатишга интилиш «Қуёш» инсценировкасидан бошланган эди. Бу асардаги асосий фикр Ленин раҳбарлиги остида меҳнаткашларнинг зулм кишанларидан қутулиши ва социализм томон йўл олишини кўрсатишдан иборат эди.

Лениннинг Туркистон халқлари озодлиги учун курашда, босмачиларни тор-мор қилишда кўрсатган катта ёрдами ва буюк ғамхўрлиги «Тор-мор» асарида ҳам маълум даражада ўз ифодасини топди. Асарнинг бош қаҳрамони Арслон шундай дейди: «Бу каллакесар босмачилар оз бўлмаса бутун Фарғона водийсини эгаллаб, талаб, ёндириб, вайрон қилаёзган эдилар. Ленин отадан мадад келиб қолдию биз босмачиларни енгдик».

Ленин ғалабани таъминлаган, Фарғона водийсини ҳам асоратдан сақлаб қолган доҳий сифатида кўринади. У йўллаган большевик сафдошлари Туркистон халқлари тақдирида тарихий роль ўйнайдилар. Буни ҳам асар қаҳрамонларидан бири завқ билан тилга олади: «Ленин Фрунзе ва Куйбишев ўртоқларнинг зиммаларига Фарғонадаги босмачилик ҳаракатини тезда битириш вазифасини юклади!»

Пьеса, булардан ташқари, улуғ доҳийнинг халқлар ҳаётини иқтисодий жиҳатдан яхшилашга катта аҳамият бергани, уларга моддий ёрдам юбориб тургани ҳақидаги тарихий фактларни ҳам акс эттирган. Қувончини юрагига сиғдира олмаган Арслон «Ленин юборган бир неча вагон ғалла ва беҳисоб ўқ-дорилар бундан бир неча кун бурун Тошкентга келтирилганлиги»ни айтади.

Булар ҳаммаси Ленин образини яратиш йўлидаги дастлабки бадиий эскизлар эди. Булар ҳаммаси орзудаги образни чизиш учун замин ҳозирлади, аввал «Йўлчи юлдуз»да Ленин образининг муваффақиятли чиқишига олиб келди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Яшин умуман совет драматургиясида Ленин фаолиятини акс эттирган, бу сиймони қаламга олган санъаткорлар ижодини қунт билан ўрганди. К. Тренёвнинг «Нева қирғоғида», А. Корнейчукнинг «Ҳақиқат», И. Поповнинг «Оила», А. Штейннинг «Пролог», айниқса, Н. Погодиннинг трилогияси («Милтиқли киши», «Кремль соати», «Учинчи патетик қисса») ва бошқа машҳур асарлар унга намуна бўлган эди. У кўрдики, ҳар бир драматург Ленин фаолиятининг турли томонларини ёритган: К. Тренёв ва А. Корнейчук Лениннинг Октябрь революцияси, унинг ғалабаси йўлидаги фаолиятини ўзларига хос услуб билан типик воқеалар ва қаҳрамонлар мисолида кўрсатган бўлсалар, И. Попов Лениннинг ёшлик чоғларини қаламга олган, А. Штейн эса Лениннинг биринчи рус революцияси давридаги ҳаётини ифода этган. Булар ичида Ленин мукофотига сазовор бўлган Н. Погодиннинг трилогияси алоҳида ажралиб турарди. Н. Погодин Ленин образи устида узоқ вақт — изчиллик ва ижодий завқ-шавқ билан йигирма йилча ишлади.

Погодин трилогияси Лениннинг Октябрь революцияси кунларидаги фаолиятидан то ҳаётининг охиригача бўлган катта даврни қамраб олади. «Милтиқли киши»да Ленин социалистик революция доҳийси, «Кремль соати»да Ленин гражданлар уруши воқеаларининг марказида, «Учинчи патетик қисса»да Ленин халқ хўжалигининг раҳбари сифатида очилади. Н. Погодин яна «Жонли гуллар» деган асарида Ленин ғояларининг совет кишилари онгида, юрагида яшашини кўрсатади.

Бу пьесаларнинг кўпчилиги, шу билан бирга М. Горькийнинг Ленин ҳақидаги хотиралари, В. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» поэмаси Яшинга Ленин образини яратишга жуда катта озиқ берди ва бу соҳада унга ижодий лаборатория вазифасини ўтади. Яшин улардан ижодий ўрганиб, ўз услубини яратди, Ленин фаолиятининг адабиётда акс эттирилмаган қирраларини кўрсатувчи мавзуларни кўп миллатли совет драматургиясига олиб кирди. Ленин ва Шарқ, Туркистонда гражданлар уруши темаларини ишлаб чиқди. Яшиннинг хизмати шундаки, бу катта темани у совет драматургиясида биринчи бўлиб кўтарибгина қолмай, уни бадиий маҳорат билан ғоят муваффақиятли ифодалади. Бу қол эса «Йўлчи юлдуз»даги Ленин образига юқорида тилга олинган драматурглар томонидан яратилган образлар галереясидан муносиб жой олишга ҳуқуқ берди.

Бу муваффақиятнинг сабабларидан бири — улуғ инсоннинг характерли хусусиятларини умумлаштириб бера олишидадир. Драмада воқеаларнинг кульминацияси, ҳаракатнинг жуда кескин тус олиши еттинчи кўринишда юз беради. Мамлакатимизда гражданлар уруши авжига минган, Коммунистик партия ва Лениннинг бутун диққати душманларни тор-мор этишга қаратилган бир вақтда пьесанинг асосий қаҳрамонлари Владимир Ильич билан бевосита учрашадилар. Ленин ўзбек Темир, қозоқ Жақип, туркман Аваз, тожик Шожалил ва рус Полторацкий ўртоқлар орқали бутун халқ билан сўзлашади. Чунки уларда халқнинг энг яхши сифатлари, унинг орзу-тилаклари, жасорати, келажакка интилишлари, ғалабага ишончлари мужассамланган эди. Бу саҳна партия ва доҳийнинг халқ оммаси билан мустаҳкам алоқасини очиб берган.

Ленин халқ ва партия учун, халқ эса партия ва Ленин ғояларининг тантанаси учун кураш олиб борадилар. Бутун пьесанинг сюжет оқимида, айниқса, еттинчи кўринишда бу яққол сезилиб туради. Ленин асарда халқ даҳоси сифатида кўринади. У халқ қалбини ҳаммадан кўра чуқурроқ билади, унга тез йўл топиб олади. Лениннинг кучи ва қудрати — унинг фикрларининг улуғлиги ва ҳақконийлигида. Улуғ доҳий халқ оммаси ичига буюк тарихий ҳақиқатни олиб кирди. Шунинг учун ҳам меҳнаткашлар унга бу қадар ишонар эдилар. Темир, Жақип ва Шожалилнинг ўт ва қон кечиб, азоб-уқубатлар билан Ленин олдига етиб олишларининг боиси мана шунда. Драмада бу учрашиш тасодифий эмас, тарихий жараённинг ривожи туфайли келиб чиққан қонуний зарурат сифатида тасвирланган. Чунки барча қийинчиликлардан қутқарувчи буюк мадад-



кор Ленин эди, унинг ғениал ақлидроки ҳар қандай чигал, мушкул, мураккаб масалани ҳам ечиб бера олади. Учрашув — воқеаларни кульминацион нуқтага чиқариш билан бирга, уларнинг моҳиятини очиш, тақдирини ҳал қилиш, ечиш учун йўл беради.

Ленинга хос ажойиб инсоний хусусиятлар: камтарлик, принципиаллик, меҳнаткашларга улкан муҳаббат «Йўлчи юлдуз»да самимий ифодаланган. Доҳиймиз Ўрта Осиё халқлари вакиллари билан ўзининг энг яқин қадрдон одамларидек, қон-қардошлардек сўзлашади. Улар эса Ленинга ўзларининг жонажон ғамхўри, оталари сифатида қарайдилар, бу улар ўртасида чин, самимий суҳбатга замин туғдиради. Буюк сиймонинг вакилларга қарата: Хуш келибсизлар, марҳамат, ўртоқлар!», деган биринчи хитобидаёқ камтарлик ва самимийлик барқ уриб туради.

Ленин образида революцион даҳо инсоний камтарлик, зийраклик билан уйғунлашиб кетган. У меҳнаткашларнинг ҳаётини эътибор билан кузатар, юракларидаги мақсадни, дилларини қитиқлаб турган гапларни, фикрларини дарҳол топиб олар эди. У меҳнаткашлар қувончидан севинар, уларнинг изтиробидан азоб чекар эди. «Туркистон халқларининг бошига оғир кун тушди, оғир кун!», дейди чуқур қайғу, ачиниш билан Ленин.

Пьесада уни Шарқ халқларининг дўсти, меҳрибони, уларни озодликка олиб чиққан, қуршовдан чиқиш йўлини кўрсатиб берган доно йўлбошчи сифатида кўрамиз. Улуғ ташкилотчининг Туркистондаги контрреволюцион ҳаракатни янчиб ташлаш чора ва тадбирлари тарихий процессни тўғри таҳлил қилиш оқибатида тузилганлиги учун ҳам оламшумул маънога, катта ҳақиқатга, зўр истиқболга эга эди. Бу планда ғалаба руҳи акс этиб туради. Ленин номи дўстларига битмас-туганмас мадад берса, душманларга даҳшат солади. Бу ғоя бутун асар руҳига сингдирилган.

Душманнинг мағлубиятга учрашига амин бўлган Ленин Ўрта Осиё халқларининг келажакдаги истиқболига зўр ишонч билан қарайди, доҳиёна режалар тузиб беради. Умри чўпонлик билан ўтиб, билим эшигига яқинлашмаган Жақип ва унинг дўстларига қараб, доҳиймиз шундай дейди: «Меҳнаткашларнинг, айниқса, подачининг пешанасига мактаб битмаган. Юзлаб мактаблар, саводсизликни тугатадиган курслар очамиз, яқин кунларда Тошкентда олий ўқув юрти иш бошлайди. Сиз учун, сизларнинг болаларингиз учун... Ҳали шундай кунлар келадики, подачилардан академиклар, файласуфлар, ўткир сиёсатдонлар етишиб чиқади». Содда, лекин чуқур маъноли, доҳиёна бу сўзлар келажакни ёритиб юборгандек бўлади. Ўша оғир дақиқаларда Туркистонда суғориш ишларига катта маблағ ажратиш — Лениннинг қанчалик узоқни кўра билишини, қуёш ғазабида қолган Мирзачўлни, Зарафшон водийсини обод қилиш тўғрисида ўйлаши, бу орзусининг қанчалик реал эканлиги кишини ҳайратда қолдиради. «Каналлар қазиймиз, сув чиқарамиз. Дашту чўлни бўстон қиламиз», деб башорат қилади Ленин. Автор доҳийдаги келажакни кўра билиш хусусиятини ҳаққоний гавдалантира олди. У Лениннинг айниқса ташқи сиёсат борасида Совет Шарқининг ролига тўғри қарашини, унинг сўзларидаги буюк ҳаққониятни очиб беради. «Дўстларим,— дейди В. И. Ленин,— сиз Шарқдасиз, араб, эрон, ҳиндга яқин қўшнисиз. Сиз асрлар бўйи Европанинг очкўз йиртқичлари томонидан таланиб келган барча қўшниларингизга бориб, дадил ва очиқ шундай деб айтинг: сизларни Россия ва унинг революцион ҳукумати эмас, балки империализмнинг сизни талон-тарож этаётган йиртқичлари ғажиб ейди. Қачонгача Шарқнинг оҳ-зори гулханга ўхшаб тутайди? Ҳозир, империализм босқинчиларига қарши бутун жаҳонда ғазаб алангаси қайнаб, авж олаётган бир чоғда, ҳар бир қаҳр-ғазаб учқуни революциянинг қудратли алангасига айланаётган бир чоғда, эндиликда жим туриш ярамайди, деб айтинг! Ота-бобонгиздан қолган муқаддас юртингизни бундан буён йиртқичларга қарам қилиб қўймангиз! Жирканч мустамлакачиликни чок-чокидан сўкиб ташлаб, ўз мамлакатингизга ўзингиз ҳоким бўлмоғингиз керак, деб мазлум Шарққа жар солинг!»

Бу сўзлар Лениннинг таълимотидан, унинг илмий меросидан келиб чиқиб айтилган. Аммо булар шу кунларда айтилгандек жаранглайди. Лениннинг келажакни кўра билиш, тарихдан тўғри хулоса чиқара олиш донишмандлиги асарда ҳаққоний ифодаланган.

Автор, Лениннинг саҳнада фақат икки мартагина кўринишига қарамай, улуғ йўлбошчининг фаолиятини асар воқеалари билан узвий боғлай олган, улуғ доҳий ҳар ерда, ҳар бир ҳодисада иштирок этаётгандек сезилиб туради. Бу соҳада драматургнинг эришган ютуғи — Ленин, партия ва халқ бирлигини кўрсата олишдадир. Автор меҳнаткашларнинг Совет давлати бошлиғига битмас-туганмас муҳаббатини, улкан ҳурматини, зўр ишончини драманинг мағзига сингдириб юборган. Шунинг учун ҳам Ленин ғоялари, кўрсатмалари, чоратадбирлари пьесада ҳар бир ижобий персонаж ҳаётида, курашида, онгида барқ уриб яшайди.

«Йўлчи юлдуз»нинг ҳаётийлигини таъминлаган асосий омил улуғ доҳийимиз образининг муваффақиятидир.

Яшин ўзининг кейинги асари — «Инқилоб тонги» билан ўзбек совет драматургиясида яна бир янги саҳифа очишга муваффақ бўлди. Драматургнинг катта хизмати шундаки, у, аввало, ҳали бадиий адабиётимизда етарли даражада ифодасини топа олмаган Бухоро инқилобини барча мураккаб хусусиятлари билан саҳнага чиқарган бўлса, иккинчидан, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва буюк доҳий В. И. Лениндан сабоқ олган халқ вакилларининг, коммунистларнинг, революционерларнинг ажойиб образлари галереясини яратди. Яшин мазкур пьесада яна улуғ Ленин образини саҳнага олиб чиқиш билан совет лениннномасида янги саҳифа яратди.

Асарда драматург маҳоратини кўрсатадиган бир жиҳат шуки, тарихга, ундаги ҳаёт ҳақиқатига тўғри ёндашиб, энг ҳаяжонли ва таҳликали вазият айнан кўрсатилади. Шарқ ва шу жумладан, Бухоро халқининг миллий озодлик ҳаракатларидан чўчиган ички ва ташқи душманлар бор кучларини тўплаб, революцион ҳаракатга қарши ҳужумга отланадилар. Ниҳоятда оғир ва ташвишли аҳвол вужудга келади. Инқилоб тақдири, халқ ва ўлка тақдири таҳдид остида қолади. Мана шундай вазиятда В. И. Ленин революцион Бухоро вакиллари — Фозилхўжа ва Ботир Тўраевни буюк қўмондон Фрунзе иштирокида қабул қилади. Ажойиб суҳбат, Лениннинг ҳайратомуз доно фикрлари ва кўрсатмалари Фозилхўжа онгида қатъий бурилиш ясайди, унинг социалистик революция томонига узилкесил ўтишини таъминлайди. Ленин кўрсатмалари асосида тузилган Фрунзе режаларини амалга ошириш Бухорода амирликни тугатишга, империализм ва оқгвардиячи каллакесарларнинг планларини барбод қилишга ҳамда Совет ҳокимиятини ўрнатишга олиб келади.

Шундай қилиб, «Инқилоб тонги» асарида ҳам Ленин таълимотининг буюк қудратини, доҳийнинг юксак инсоний фазилатларини ва ўткир заковатини янги-янги воқеаларда кўрамиз.

Ўзбек драматургиясида бу мўътабар образнинг яратилиши фақат Яшиннинггина муваффақияти бўлмасдан, балки ўзбек совет адабиётининг, кўп миллатли СССР халқлари адабиётининг ҳам улкан ютуғидир.

Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ

Зарурият

Балки шеър ҳам даркор эмасди,
Кўпчиликка қилмаса хизмат.
Шоирларда кимнинг бор қасди,
Шоирликнинг ўзи бир қисмат.

Ўйланаман, баъзан хаёлда
Шеъриятсиз ҳаёт тикланар.
Унда ёмғир ҳиди қаёқда,
Унда дунё совуқдан титрар...

Унда шавқ йўқ, на-да жасорат,
Унда қалбсиз одамлар ҳоким.
Унда завқ йўқ, на-да фаросат,
Билимсизлар доною ҳаким.

Тўлқинларга кўкрагин керган
Сахий соҳил саховати йўқ.
Қора сочи белига урган
Ҳур қизларнинг таровати йўқ.

Балки шеър ҳам даркор эмасди...
Хайриятки, булар бир хаёл.
Керак эмас ул ҳаёт, рости,
Сен, шеърият, юрагимда қол!

Куз ҳақида эртак

Куз келмоқда аста, мунғайиб,
Ой нуридан қўлида ҳасса.
Куз келмоқда юклар кўтариб
Юрагида аламли қисса...

У навқирон Баҳор пайтида,
Ошиқ бўлди кўкда Ҳилолга.
Муҳаббатнинг ўтли тафтида
Чўмиб ётди оташ хаёлга.

Сўнгра бўлди ҳароратдан Ёз,
Ҳилол эса узоқ-узоқда.
Кексайди ҳам қуйилди бир оз,
Аммо кўнгил ҳамон тузоқда.

Мана, охир Ой бўлди Ҳилол,
Сочларини силкиб тўлғанди.
Бироқ, қани, Кузакда мажол
Нетсин, умри ўтиб бўлганди...

Турналар

Ойдин кеча эди,
Осмонда ой нури толим ва толим —
Зар ипак мисоли чўзилган сўқмоқ.
Ойдин кеча эди,
Турналар карвони тортди хаёлим.
Қайгадир шошарди
Бу карвон,
қўшиғин этмайин канда.
Турналар эркиндир,
эркин-у, бироқ,
Мунгли дардлашарди
Оқ сочли кузакда, ойдин осмонда.
Ҳей, сиз юлдузларга солиб арғимчоқ,
Қанотига ой қўндирганлар,
Юксак-юксакларни
қучганингиз чоқ
Нечун пастда менинг бағрим
ўртанар?..

Тошкент

ҚОР ҚЎЙНИДА САРАТОН

ХУДДИ эртакка ўхшайди: қорни ғарчғурч босиб келаси-да, қовун ва тарвузлар ғарқ пишган усти очиқ пайкални кўриб қоласиз. Тушимми, ўнгимми, деб лол бўласиз. Тўрлаган, хушбўй ҳиди димоқни қитиқлайдиган қовунлар, тиғ тегишга маҳтал бўлиб турган бу кўзивой тарвузларнинг қаҳратон қишда тушга ҳам кириши амри маҳол-ку ўзи! Қирчиллама қиш чилласида кўклам ҳидию ёз таровати...

Хўш, бу мўъжизани яратганлар ким? Қандай миришкору омилкорлар экан улар?

Деҳқон боласи Ўринбой Каримшоевнинг кўнглини бир эзгу орзу банд қилиб келардию, аммо буни анча вақт сир тутди. У шунчаки боғбон миришкор бўлиб қолмоқчи эмасди. Элдан бурун: «Мен янги навлар яратаман», деб жар солса, одамлар кулмайдими, ахир! «Не-не селекционер олимлар турганда янги нав яратиш сенга йўл бўлсин!», дейишса-я. Майли, ҳали янги навлар яратаман, деб баралла айтадиган пайтлар ҳам келар. Яхшиси, дилига туккан орзуси қанотида енг шимариб ишга киришсин-чи.

Ана шу безовта ўй-хаёллар уни «Назарбек» совхозининг парник хўжалигига бошчилик қилаётган катта акаси Исоқ Каримов ёнига тушиб ишлашга даъват этди. Кўчатхона ишига меҳр қўйган Ўринбой Исоқнинг содиқ ва уддабурро ёрдамчисига айланди. Иш ҳамиша осон юришиб кетавермасди, албатта. Ер бағирлаган ромли парник ҳаёт талабларига жавоб беролмай қолаётгани сезиларди. Ундирилган кўчатлар нимжон, ноқулай об-ҳаво шароитида хўжалик кўчатсиз қолар эди. Ҳар йили ромларга ойна солиш ва тўқайдан қамиш ўрдириб келишга кўплаб ишчи кучи сарф бўларди.

Ўринбой бир қанча маслаҳатларни ўртага ташлади. Маъқул тушгани амалга оша борди. Ўринбойнинг боши қотган кезлари эса Исоқ яхши бир режа билан кенгашга келди. Хуллас, тез орада барча сермеҳнат ишлар механизмлар, насослар, водопроводлар зиммасига юклатилди. Кўчатларни лейкада суғориш, гўнгни замбилда ташиш барҳам еди. Ойнали ромлар текис ва жипс тушадиган қилиб ясалди. Ана шу тадбирлар туфайли иш кучи тежалиб, етиштириладиган кўчатлар таннархи арзонлашди.

Йиллар ўтиши билан ойнали ромлар ҳам Ўринбойни қаноатлантирмай қўйди. Чунки бу у ўйлаган муаммони ҳал қилишга ожизлик қиларди. Миришкор орзусини амалга оширишда совет кимё саноати яратган тўшама плёнкалар қўл келди. Дарҳақиқат, плёнкалар кўчатлар учун бориб турган мўъжизанинг ўзгинаси эди. Чунки улар ёруғлик ва иссиқликни яхши ўтказар, ҳатто ҳароратни кўпайтириб берар эди. Зич ёпилган плёнкалардан совуқ ўтмас, кўчатларга қишнинг чилласи ҳам ҳеч қандай хавф-хатар солмас эди. Энди ер бағирлаган, ромли кўчатхоналар ўрнига ёруғ, механизмлар билан тик туриб ишлайдиган иссиқ хоналарга кўчиш имкони яратилди. Бу кўчат ва ҳосил етиштириш учун бутун бир янги дунё эди.

Собиқ «Назарбек» — ҳозирги «Хасково» совхозининг кўчатхона хўжалиги ўрнида 2 гектарли ёруғ иссиқхона барпо этилди. Бу Ўринбой учун айни муддао бўлди. Даставвал у қиш ва эрта кўкламда помидор, бодринг ва резавор кўкатлар етиштириш режасини тузди. Ўша йили май ойининг ўрталарига кўчатлардан бўшаган плёнкали иссиқхоналарнинг бир қисмидан 36 тонна помидор, 27 тонна бодринг ҳосили олинди. Гектарларга гектарлар қўшилиб борди. 1966 йили эса Ўринбой Каримшоев ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. У плёнканинг шарофати туфайли ўзи яратган эртапишар қовун ва тарвузнинг янги навини экиб, тажриба ўтказди. Синов муваффақиятли якунланди. Бундан миришкор эсанкираб ҳам, қаноатланиб ҳам қолмади. Қовун, тарвуз ва ҳандалакларнинг йўқолиб бораётган навларини қайта тиклашга киришди.

Миришкор қовуннинг асати навини нишонга олди. Бу нав нисбатан қисқа муддатда, яъни 75 кунда етилади. Худди шу навни анча тез —40—45 кунда етилтирса бўлмасмикан? Қозоқи ҳандалак эса 40 кунда пишади. Ҳар иккаласини чанглаш йўли билан янги нав яратиш мумкинмасмикан? Ўринбой мақсадига тезроқ эришиш учун қовун ва ҳандалакдан бир йилда икки марта ҳосил олди. Шу тариқа чанглатиб борилган навлар беш-олти йилда тамом ўзгарди. Бироқ миришкор қилни қирқ ёрмагунча қаноат ҳосил қилмасди. Сараланган уруғларни келаси йили яна экар, яна чанглатар эди. Ниҳоят, ўн йил мобайнида ўзи кутган ширин, этли, кўркам, хушбўй қовун навини яратишга муваффақ бўлди. Математика тили билан ҳал этганда ҳар иккисининг етилиш муддатини —75+40=115 кун қўшиб, қоқ бўлганда янги нав 58 кунда пишиши керак. Агротехника тадбирларига тўла-тўкис амал қилинса-да, бари бир янги нав фақат 64 кундагина етиларди. Тўғри, миришкор Ўринбой Каримшоев 11 кун олдинга ўзди, бу — селекция амалиётида аъло натижа. Шундай бўлса-да, миришкор натижадан қаноатланмади.

Маълумки, ҳар қандай полиз экини маромида палак отади. Одатда қовунлар палаги қарийб бир метрга етгандан сўнггина гуллайди. Қовуннинг худди шу гуллаш жараёнини тезлатиб бўлмасмикан? Энди янги муаммо унга ором бермай қўйди. Узлуксиз тажриба ишларини бошлаб юборди. Қайта-қайта экиб, қовун палагининг бихида гулларини эришди. Палак бир метр узаймасдан, яъни уруғ чиқиб биринчи икки чин барг ёзиши билан гуллайдиган бўлди. Селекцияда ўзига хос ўзгариш ясаган Ўринбой Каримшоев янги қовун навини «Наврўз», «Кўклам кўзивойи» деб атади.

СССРнинг 50 йиллик байрамида Тошкентда моҳир қовунчиларнинг Бутуниттифоқ кўриги бўлиб ўтди. Донгдор ўзбек қовунчилари орасида Ўринбой Каримшоев ўзининг эртапишар «Наврўз» қовунини намойиш этди. Кўрикда бир ойга қолмай пишадиган қовун навини яратган селекционер Ў. Каримшоев биринчи даражали мукофот билан тақдирланди.

Шу-шу халқ селекционерининг номи олимларнинг ҳам тилидан тушмай қолди. У 1969 йили Москвадаги Тимирязев номидаги Қишлоқ хўжалиқ академиясида, Ленинграддаги Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти тажриба станциясида бўлди. Олимлар унинг селекционерлик маҳоратига юксак баҳо бердилар..

— Ўшанда олимларимиз бой тажрибаларини аямай, фойдали маслаҳатлар бердилар, — деб эслайди Ў. Каримшоев. — Айниқса, профессор Тараковнинг кичик майдонларда мўл ҳосил маҳсулотлари етиштиришга даъват этганидан ғоят миннатдорман.

Бу гапда жон бор. Селекционер сафардан қайтгач, ана шу янги муаммо устида бош қотира бошлади. Дарвоқе, бодринг шифтга тортилган канопларга чирмашиб ҳосилга киради. Туккан ҳосили ҳам чакана эмас, катталиги тарракдек келади. Қовунни-чи? Нега уни пуштасиз етиштириб бўлмас экан? Уринбой ишни гўнг ва тупроқ қоришмасидан тайёрланган тувакчаларда ўзи яратган қовуннинг эртапишар «Наврўз» навидан кўчат етиштиришдан бошлади. Иссиқхонанинг ҳар бир квадрат метрига 36 тадан тувак кўчати жой бўлди. Кўчатлар палак отганда бир квадрат метрга тўрттагача қовун палаги парвариш қилинди. Ҳар бир палакни худди бодринг каби канопларга илаштириб ўстириш усули ишлаб чиқилади. Бихида битадиган «Наврўз» қовуни қўшалоқ ҳосилининг ҳар қайсиси 2,5—3 килодан ошмайди. Ҳар қайси қовун ёки тарвузни 2 килодан ҳисобланганда 36 минг туп кўчатдан 72 минг дона тарвуз ёки қовун олинади. Шунча миқдорни 2 килограммга зарб қилсак, 144 тоннани ташкил этади. Бу бир гектардан олинадиган мисли кўрилмаган рекорд ҳосилдир. Агар унга икки ҳафтадан кейин палакнинг бошқа бўғинларида пишадиган ҳосилни қўшилса-чи! Демак, 11 мартда униб чиқиб, 21 апрелда етиладиган ёки 17 декабрда униб чиқиб, 24 январда етиладиган «Наврўз» навини мамлакатимиз шимолининг қаҳратон совуғида ҳам исталган вақтда етиштириш мумкин.

Моҳир ва толмас халқ селекционери ўзи кўзлаган манзилга етиб келди: сўнгги ғовни ҳам босиб ўтиб, эртапишар навлардан янги усулда ҳам мўл ҳосил олди. Сўнгги йилларда у республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида мунтазам қатнашиб, муносиб совринларни қўлга киритмоқда.

Ҳозир Тошкент областидаги Калинин районига қарашли «Хасково» совхозининг теплица хўжалигида етиштириладиган полиз экинларининг кўчати ҳар йили 20 миллионни ташкил этади.

Машҳур халқ селекционери Ўринбой Каримшоев қирчиллама қишда қовуннинг ёқимли ҳиди уфуриб ётган теплицаларга кирганида дарҳол мамлакатимизнинг турли гўшаларидан олаётган дўстона мактублари ёдига тушади-да, ички бир ғурурдан қалби тўлқинланиб кетади.

Ориф АЙЮБ



«Хасково» совхози теплица хўжалиги мудири (чапдан) Исоқ Каримов, селекционер Ўринбой Каримшоев ва агроном Шавкат Юнусов қиш чилласида пишган қовунларни кўздан кечирмоқдалар.

А. ЖДАНОВ фотоси

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Омон ЖОРҚИНБОЕВ

ПОРТРЕТ

Ҳикоя



Йўлдош ака бир қўлини кўча эшикнинг кесакисига тираб тархашлик қилади, кулганча «зорланади»:

— Қўйиб юбор-э, кирмайман, даданг мени ёмон кўради.

Беш яшар ўғилчам йиғламоқдан бери бўлиб унинг қўлидан тортқилайди.

— Неварам бояқишни қийнамай, кирақолинг энди, тоғаси, — дея «ёлворади» ойим.

— Оббо, тирмизак-эй, қўймадинг қўймадинг-да. — Йўлдош ака оғзи қулоғида, ўғилчамнинг етагида келиб сўрига ўтиради. Оғзидан «гул» иси анқийди.

— Йўлдошалининг қўлига сув қуй, келин, — дейди дадам.

Қора терга тушган ўғлим ҳаллослаганча Йўлдош аканинг ёнига чиқиб ўтиради, аввал ош сузилган лаганни, кейин аччиқ-чучук солинган ликопчани у томон суриб қўяди, яна нима қилиб кўнглини овлашни ўйлайди.

— Буни қара, жиян, сувни иссиқроқ ҳам қилиб келмабсизлар, — дейди Йўлдош ака қўлини сочиққа артаётиб.

Ўғилчам қовоқларини уйиб ойисига қарайди. У кулади:

— «Бундан иссиқ бўлса, қўлингиз куяди», дегин.

Йўлдош ака кулади. Ўғлимнинг юзи ёришади.

Гўштни тўғраб бўлган дадам таклиф қилади:

— Қани, Йўлдошали, ошга қаранг.

— Мени маъзур кўрасиз, тоға, — дея Йўлдош ака унга одатдаги эркалигини қила бошлайди.

Дадам ҳам «ўйин»га қўшилиб, чинакам ҳайратланган бўлади:

— Нега, Йўлдошали?

— Анови... қора-қуралар нима?

— Зирк булар, майиз, Йўлдошали. Сизга ёқмаса, мен териб олақолай.

— Дадам кўринган майиз ва зирклларни бармоқ учи билан туртиб-туртиб ўзи томон суради.

— Бэ-э! Бир-икки чўқим олсам, яна чиқади-да.

— Сиз аввал бошланг, яна чиқса — тоғангизга тан, — дейди ойим.

— Келин шаҳарлик-да, пишиқ, — дейди Йўлдош ака.

— Нимага ундай дейсиз, ака? — деб хотиним «ўпкаланади».

Йўлдош ака «қора-қура»ларни териш билан овора бўлган дадамни кузатганча оғзидаги ошни жўрттага узоқ чайнайди, яна лаганга қўл узатиб «пўнғиллайди»:

— Яли-яли билан қўшиқни кўпайтиргандай ошингизни сабзи-пиёз билан кўпайтирибсиз-у, яна зирку зира солиб тоғамни қийнайсиз.

Ҳаммамиз куламиз.

Йўлдош ака ошни майда чайнайди, дастурхонга тўкилган гуруч доналарини битта-битта териб оғзига солади. Уни кўриб ўғлим ҳам шундай қилади.

Болаларни ўзига оҳанрабодай тортадиган одамнинг юраги, ички дунёси қандай бўлиши керак? Бу қудратни қандай ифодалаш мумкин?

— Ҳали ҳам менинг суратимни чизяпсанми? — дейди Йўлдош ака худди дилимдан кечган фикрни уққандек.

— Ҳа, — дейман ва унинг сўз оҳангида жиддийлик сезиб, ҳазилга бураман: — Менинг сиздан бошқа кимим бор, Йўлдош ака?

У астойдил койинади:

— Бўлмаса, айтганимни қилгин-да!

Мен куламан. Йўлдош аканинг қовоғи осилади.

— Менинг суратимни чизяпти-ю... — дея у ўзига тарафкаш қидириб ҳаммага бир-бир қараб чиқади,— кетмоним йўқ, янга!

— Ана холо-ос! — деб ойим ёқасини тутади. — Ўғирлаб кетишибдими? Қаерда эди?

— Янга, сиз тушунмадингиз. Суратда кетмоним йўқ, деяпман.

— Ҳаҳ! — Ойим кўкрагига туф-туфлайди.— Ўтакам ёрилаёзди-я, колхозимизда ўғри пайдо бўлибдими, деб. Вой, ошга қаранглар, совиб қоляпти.

Йўлдош ака энди дадамга гап маъқуллатади:

— Тўғрими, тоға? Мана бу Беҳзодингиз ҳам мени кетмонсиз кўрмаган. Шунинг учун чизганларини ўхшатолмаяпти.

Ойим мени муросага келтирмоқчи бўлади:

— Бир чеккасига кетмонни ҳам қўшиб қўй-да, ўғлим. Карнайчидан битта пуф, деган экан машойихлар.

Ўзини зўрға тийиб ўтирган хотиним қаҳ-қаҳлаб юборади. Дадам кўзлари юмилиб, селкиллаб кулади. Ўғлим кўзлари мўлтираб Йўлдош акага қарайди, жилмаймоқчи бўлади.

— Мен ҳам сиз айтганни уқтирмоқчи бўлдим, Йўлдошали, — дея унга ҳомийликка ўтади дадам.— Каттанинг сўзини қулоғига олмаса нима бўларди?

— Нима бўларди? — деб ойим гапни илади. — Беҳудага уриниб, бир йил топган-тутганини еб-ичиб, икки қўлини бурнига тиқи-иб шўппайганча шаҳарга тушиб боради-да.

— Ана, бу ёғи ҳам бор, — дейди Йўлдош ака ташвишланиб. — Ундан кейин, мен сенга айтсам, давлат аноий эмаски, менинг суратимни чизганинг учун пул тўласа.

Лекин мен хаёлимда аллақачон ўнинчи, йигирманчи... эҳтимол, юзинчи эскизни чизяпман...

— Қандай одамсиз, туринг, кузатиб чиқинг! — деб хотиним елкамга туртади.

Кўча эшик томон кетаётган Йўлдош акага кўзим тушиб, ичимда куламан: у гўё алоҳида-алоҳида чўплардан ип билан омонатгина туташтириб қўйилгану биров кўтариб олгандек — узун-узун қўллари, оёқлари шалвираганча чиқиб кетмоқда.

Наҳот шу одамнинг портретини ишлай олмасам! Шошиб орқамга қайтаман, устахонага мослаштирган ойнабанд айвон томон юраман.

— Яна ўша қафасига кириб кетяпти, — деб койинади дадам.

— Отпускасидан қанча қолди? Тезроқ кета қолинглар, худо хайриларингни берсин, — дейди ойим хотинимга. — Кечаю кундуз тош бўлиб тикилиб ўтирганига юрагим торс ёрилай дейди.

Мен мольберт қаршисида ўтириб портретга тикиламан. Кутилмаганда, мисдек ярақлаган кенг ва дўнг пешана териси таранг, бирорта ажин йўқлиги диққатимни тортади. Юрагини кафтга олиб кўриш мумкин бўлганда эди! Аммо бунинг иложи йўқ. Унинг қалбини фақат ақл билан идрок қилиш керак. Шу пайт яна бир-биридан узоқ жойлашган калта-калта қошлар оралиғида — қаншарида кўринган янги ойнинг ўроғидеккина ботиқлик эътиборимни жалб этади. Эшитишимча, урушда, жангларнинг бирида ўқ парчаси теккан экан. Гўзалликни кўриш учун берилган кўзларга, дунёни идрок қилиш учун берилган мияга ўлим тимсоли — темир парчаси суиқасд қилган-у, «Бошинг тошдан бўлсин, ой бориб омон қайт!», деган Она тилаги олдида ожиз қолган. Назаримда, унинг ўрни — ўша ботиқлик киприклари сийрак қўйкўзларга, чорпахил юзга маъно бера бошлайди. Портретда аллақандай руҳ пайдо бўлади. Юрагим ҳаприқиб, ип учини яна йўқотиб қўймасликка ҳаракат қиламан. Бироқ нина санчилгандек, кўзларимда оғриқ сезаман, кейин хотинимнинг «Бу нима ўтириш, қоп-қоронғида!», деган овозини ва включателнинг чиқ этганини эшитаман.

— Сизнинг нима ишингиз бор-а мен билан?— дея бўғилганча ўрнимдан туриб кетаман. Қуюқ қоронғилик мендан мольбертни яширганида хаёлимда жонланган портретни қайта тиклаш учун кўзларимни юмаман, аммо уринишларим беҳуда кетади. Кейин Йўлдош аканинг ички дунёсини тушуниб етиш истагида бисотимдаги «оғзаки эскиз»ларга гоҳ ақл ва қалб, гоҳ қалб ва ақл кўзи билан «тикиламан». Мана, улардан бири:

«... Ҳамма Йўлдош акани, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган одам, дейди. Аслида ҳам у мудом бир қиру бир сирда: кўзлари осойишта-ўйчан, юзида, хатти-ҳаракатларида ички, руҳий бир мувозанат сезилиб туради. Ортиқча қувонганини ёки изтироб чекканини сиртига чиқармайди, кимдандир, нимадандир шикоят қилганини ҳам ҳеч ким эшитмаган. Бировга биринчи бўлиб сўз қотмайди, гўё унинг осойишталигини бузгиси, фикрини бўлгиси келмайди: дунёнинг ишини ўйлайвер, ақл тарозисига солавер, деяётгандек. Агар ўзингиз сўз очиб суҳбатга тортсангиз, шундай оҳангда гапирадики, худди у сиз билан анчадан бери гурунглашаётган эди-ю, овозини энди эшита бошлагандек бир ҳисни туясиз ва бундан беихтиёр ҳайратланасиз. У сизни ҳамиша қалбида олиб юрганини, ҳар дам юрагингизга қўл солиб турганини тушуниб етиш учун ҳайрат ҳисси халақит бераётгани хаёлингизга ҳам келмайди...»

Бирдан қулоқларим том битиб қолганини сезаман ва ўзимни дала йўлининг бошида кўраман. Юлдузлар тўла осмонга, тўғрироғи, осмонни тўлдирган юлдузларга қарайман. Мен улардан ёғилган кўкимтир сокинликка кўмилиб турибман. Қоронғилик ўт-ўланлар ичига, дарахтларнинг қуюқ барглари орасига яширинган. Бошимни чайқаб-чайқаб, қулоқларимни тўлдирган сокинликни «чиқариб ташлайман» ва... Ер билан Осмон оралиғида лимиллаган кўкимтир сокинлик бағрида муаллақ сузиб юрган Йўлдош аканинг аввал шарпасини, кейин ўзини кўраман. У менга қараб жилмаяди ва пешанамда иссиқ нафасини сезаман...

«...Мен эсимни таниганимда у пешанамдан чўлп-чўлп ўпарди ёки у пешанамдан ўпаётганида мен эсимни танидим. Ҳар қалай, ўша дақиқадан бошлаб кўп нарсаларни хотирлайман.

Ўшанда эса мен солдат йигитнинг тиззасида ўтириб, кўкрагидаги юмалоқ-юмалоқ иккита медални шилдиратиб ўйнардим. Кейин мени ойим ўзининг ёнига олиб ўтқазди. Ҳовлига эркагу аёл гуррос-гуррос кириб келар, солдат йигит билан қучоқлашиб кўришар, кўзларидан дув ёш тўкилар, хушчақчақ кулишиб, алланималар деб елкасига қоқишар эди. Мен ярақлаган медаллардан кўз узмасдим. Кейинчалик улар оддий жез эмас, зар юритилган шонли медаллар эканини билдим; яна кейин уларнинг бири «Сталинградни мудофаа қилгани учун», иккинчиси «Берлинни олгани учун» медали эканини тушундим; яна кейин Сталинград билан Берлин орасидаги қонли, оловли масофани тасаввур қилдим.

— Йўлдош ака, уруш йилларидан, жанг хотираларидан гапириб берасизми?

Бу саволни нечанчи карра берганимни билмайман, лекин охирги марта у шундай деб жавоб берган эди:

— Отанг темирчи эмас-ку! Битта гапни ҳадеб ҳижжалайверасанми!

— У менга қаттиқ тегиб қўйганини сезиб, юмшади: — Уруш — уруш-да, ука. Унга қолганда суяксиз тил ҳам тарашадай қотади...»

Йўлдош ака урушни эслашни ёқтирмайди. Нима учун? Бу саволга жавоб истаб унга қарайман. У ҳамон Ер билан Осмон оралиғида лимиллаган кўкимтир осойишталик денгизида сузиб юрибди ва менга фақат шунинг учун туғилгандек, «Мен одамзод ўзининг бўйнига ўзи сиртмоқ солишга, ўзининг юрагига ўзи найза санчишга, ўзининг пешанасига ўзи қўрғошин қадашга қодир эканини тан олишдан уяламан», деяётгандек туюлади.

«Дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган одам»? Нотўғри. Лекин бу гапнинг замирида бир нима ётибди. Эҳтимол...

...Урушгача от кетидан окучник тутиб юрган фронтчи йигитни колхоз кассирлигига лозим топишади. У эса орадан бир йил ўтар-ўтмас, банкдан олиб келган ярим қоп пулни йўқотиб қўяди, саккиз йилга қамалиб кетади. Уйда уч ойлик хотини билан қари онаси қолади.

У муддатни ўтаб қайтиб келган куни — бошқа эрга тегиб кетган хотинининг уйида суннат тўйи бўлаётган экан. Икки кундан кейин она, беш йил жон ҳовучлаб урушдан ўғлини кутган, яна саккиз йил пойлаб юраги бағри эзилган она оламдан ўтади.

Аммо, Йўлдош аканинг қадди тиклигича қолади...

Эҳтимол, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган одам, дейишлари шундандир? Лекин бу ёлғон. Назаримда, буларнинг ҳаммаси Йўлдош ака учун уруш даҳшатлари олдида арзимайдиган нарсалар.

Мен унинг ички дунёсига калит топгандекман, унинг ҳаёт мантиқи деб аталмиш қизил ипнинг учидан тутгандекман. Мен уни қўйиб юбормай, идрокнинг машаққатли йўли бўйлаб изланишда давом этишни истайман.

Яна бир «эскиз»:

«...У йигирма тўрт йилдан бери сувчи бўлиб ишлайди. Тўрт фарзаднинг отаси. Қишлоқда фақат ундагина эшак бор. Кейинги вақтда шалпанг-қулоқ ноёб зотлигини «тушуниб қолиб» сиполик қиляптими ёки ёлғиз ўзига эриш туюляптими, ҳар қалай, кам ҳанграйди. Бу қишлоқдаги бир иғвогарнинг ҳазилига ҳам сабаб бўлган.

— Йўлдошали, сўфини йўлдан урманг-да, азон айтиб турсин.

— Бахайр, биродар. Юқорига юмалоқ хат ёзган экансиз, ишдан бўшатилгани ҳақида қоғоз олган. Бундан бу ёғига сўфи — ўзлари!

«Иғвонинг қурбони бўлган сўфи» ҳар куни эрталаб оёқлари ерга тегар-тегмай жилдиллаганча Йўлдош акани далага олиб бориб, кунботарда икки боғ ўтнинг остида кўринибкўринмай қайтариб келади.

Йўлдош ака одатда далада ювиниб олган бўлади, ҳовлида ўтни эшакдан туширади ю з-қўлини чайиб, томорқа айланади; саҳарлаб туриб қиладиган хўжалик юмушларини чамалайди; ўғилларига ул-бул ишни тайинлаб, кўча эшикка чиқади; бир дам гузар томонга қараб туради, сўнг кўчанинг бир четига ўтиб аста йўлга тушади.

Гузарда, анҳор устида буфет бор, олтита стол қўйилган. Йўлдош ака ихтиёр қиладиган ягона кўнгилхушлик — шу ерга келиб вино ичиш.

— Кел, Йўлдош.— Буфетчи — Суяр ака ёғоч оёғини ғичирлатиб, курсида бир қўзғалиб қўяди: бу унинг дўсти истиқболига ўрнидан тургани. Улар тенгқур, иккаласи ҳам фронтчи.

— Ҳали ҳам бормисан, Суяр?— дейди Йўлдош ака одатдагидек ва биқини билан пештахтага суянади, икки дўст ўртасида қандай суҳбат бўлишини билиб, кулганларича кузатиб ўтирган таниш-билишлар билан бош иргаб сўрашади.

— Ҳали вино кўп. Мен уни сенга қуйиб бериб, сен уни ичиб тугатмагунингча иккаламиз ҳам бормиз.

— Унақада сен билан менинг бошимиз тошдан экан.

— Ҳа, ўртоқ, завод ишлаб турибди. Ич, дунё тургунча туришимиз учун ич.

Йўлдош ака стаканни бўшатиб, тердан шўрлаб кетган кўйлагининг кўкрак чўнтагидан бир сўмлик олиб узатади.

— Жон ўртоқ, бундан кейин сўлкавой олиб юргин,— деб «илтижо» қилади Суяр ака.— Қоғоз пулингдан тер иси анқиб, банка қабул қилмаяпти.

— Сен уларга тушунтир. «Тер иси чиққан пул — ҳалол, меҳнат билан топилган», дегин,— деб «маслаҳат» беради Йўлдош ака.— Тушунмаса, сандиққа босиб қўйган пулингдан олиб бор, кўрсат, «Бундан куядорининг иси келади, ҳаром пул», дегин.

— Ўшандан бир сўм берай, соқолингни олдирвол.

— Гапни айлантирма, қолганини чўз!

— Яна келганингда вино қуйиб бераман.

— Майли-ю, менинг ўттиз тийиним учун дўзахга тушмагин, дейман-да.

— Нафасингни иссиқ қил, ўртоқ. Ҳали вино кўп, ўлмайман.

— Йўлдан қолдиряпсан, Суяр. Газета олиб қўйдингми?

Суяр ака унинг учун «Союзпечать» дўконидан болалар газетаси ёки журнали олиб қўйган бўлади. Йўлдош ака шу ернинг ўзидаёқ ўқишга тутинади. Ана шунда Суяр ака ўртоғига ёки ташқарида ўтирганларга: «Фалон жойда уруш бўлаётган экан, фалонча одам ўлибди» ёки «Фалон мамлакатда янги бомба ишлаб чиқарилаётганмиш» қабилида сўз қотади.

— Бойўғли!— деб пўнғиллайди Йўлдош ака ва газетани буклаб қўлтиғига қисади.— Киндиги ердан узилганлар уруш қилади. Сен ҳам бу ерда тўртта тахтадан кавак қилиб олиб сайрайверасанми?

У жўнаб қолади. Суяр ака ва атрофдагилар кулишади. Йўлдош ака нариоқ боргач, қўлтиғидан газетани олади-да, аста ўқиб кетади.

Катта жигарранг дарвоза олдида ҳар кунгидек Собир ака пойлаб ўтирган бўлади. У узоқ йиллар колхозда омборчилик қилган; гавдаси йўғон, юзлари лўппи, оёғи хасталаниб беш йилдан бери юролмай қолган, ҳар оқшом кўчага бир амаллаб чиқиб олади-да, пастак курсида салқинлаб ўтиради. Узоқдан Йўлдош акани кўриши билан қўшнисининг кўнгилхушлик — шу ерга келиб вино ичиш.



ча эшигига ўқтин-ўқтин қарай бошлайди. Худди шу пайт паст бўйли, хипча, кампирдаҳан, оғзи тўла тилла тиш, оқ-сариқ юзли, юм-юмалоқ бошини ҳамиша қиртишлаб юрадиган Олтинбой ака ердан чиққандек пайдо бўлади. Турган жойида аввал ўнгга, сўнг сўл томонга қарайди ва Йўлдош акани кўргач, ҳалим товуш билан: «Ана-ана, масхарабоз келяпти, масхарабоз», деганча қўшнисининг ёнига пилдирайди.

Йўлдош ака қўшнилар билан кўришиб, ўтиб кетмоқчи бўлади. Собир омборчи шошиб сўз қотади:

— Йўлдошбой, Суярнинг олдидан келяпсизми? Қалай, дурустми?

— Суярми? Мендан от ёғи сўради. Сизда йўқмиди?

— Нима қиларкан?

— Икки кундан бери ўнг оёғи оғриётганмиш.

— Ўнг оёғи-и-и...— Собир омборчи ҳайрон бўлиб Олтинбой акага қарайди. У тескари бурилиб пиқ этиб кулади.—...протез-ку, Йўлдошбой?

— Ўша, ўша.

— Ёпирай!— Собир омборчи «Протез оёққи оғриса, ҳали ҳам меникига тўзим берсин», дегандек оёқларини силайди.

— Ўзингизники қалай?

— Меники... энди...— Собир омборчининг хаёлида ҳамон «Протез оёққи оғриса...» деган фикр туради ва нолишдан — ношукурчилик қилишдан қўрқади.— Ҳамиша бирдай, Йўлдошбой.

— Оғриқ хуруж қилганида айтинг, дори топиб бераман.

Олтинбой ака томоғига дон тиқилган хўроздек қийқиради.

— Тулки!— Собир омборчи ҳассасини кўтариб пўписа қилади:— Агар ўшанда рўпара бўлганингизда!..

Йўлдош ака ўзини олиб қочган бўлади.

Бу воқеа шундай:

Қишлоқда Шарвон буви деган сўқақабош кампир бор эди. Раҳматли бир парча ерида кўкат, резавор етиштирар, баъзан эрмак учун бозорга ҳам элтар эди. Бир куни Йўлдош ака ҳол-аҳвол сўрамоқ учун унинг ҳовлисига кирса, ипга қалампир тизиб ўтирган экан. Ҳамияти қўзғаб, «Мана бунга гўшт олиб енг», деб пул беради. Кампир уни алқайди, кетаётганида қўярда-қўймай бир

— Қани-қани?

— Унга ҳам биров айтган экан.

— Ишончли одам?

Йўлдош ака пинак бузмайди:

— Ишончли одам. «Ўн беш дона қалампирни доғ сувга майдалаб тўғраб, бўйнимдан пастини ўн минут буғладиму уч йил азоб берган бодни кўрмагандай бўлиб кетдим», деди.

— Буни қаранг-а!— Собир омборчи қўшнисининг кўча эшигига қарабқараб қўяди. Зорланган оҳангда минғирлайди:— Олтинбой тушмагур нега чиқмаяпти?— Кейин гап нима ҳақда бораётгани бирдан эсига тушиб, шошиб қолади:— Қаранг-а! Заҳарни заҳар кесади, деганларидай, а! Тизимингизда... ўн бештадан кўпку?

Йўлдош ака унинг муддаосини дарров тушунади.

— Керакли тошнинг оғирлиги йўқ.

— Бўлмаса... менга ҳам беш-ўнта...

— Ана энди! Кўргандан — кўз ҳақи, денг.

— Савоб учун, Йўлдошбой, савоб учун!

Йўлдош ака қалампирни санаб унга узатади, қайтариб олиб яна санайди.

— Ўн олтита бўлиб кетибди.

— Ҳа-ҳа, олинг бир донасини,— дейди Собир омборчи.— Банияти шифо бўлганидан кейин расамади билан бўлгани дуруст.— У Йўлдош ака узатган қалампирга иккала қўлини ҳовуч қилиб тутаркан, яна қўшнисининг эшигига қарайди.— Шу пайтгача Олтинбой бедарак?

Йўлдош ака унинг лаққа тушишини хаёлига ҳам келтирмайди, эртасига Олтинбой ака кула-кула гапириб берганида эса ҳанг-манг бўлиб қолади: наҳотки, умр бўйи тарозининг палласини ўйнатган, чўт қоққан одам шунчалик гўл бўлса?!

Олтинбой аканинг айтишича, ўша куни Собир омборчининг уйидагилар қаёққадир кетишган экан. У оёғини судраб юриб сув иситади, қалампирларни мясорубкадан ўтказади. Сувга тушиб, ўзини бир оз буғлайдию дод сола бошлайди. Олтинбой ака югуриб чиқса, Собир омборчи қип-яланғоч, хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юмалармиш, яккаш: «Алининг қиличига йўлиққур, Йўлдош!», деб қарғармиш. Олтинбой ака туни билан сув ташиб, устидан қуйибди.

Собир омборчи икки кунгача кўчага чиқолмайди, унга рўпара келишдан уялган Йўлдош ака эса тўрт кун гузар юзини кўрмайди. Бешинчи куни кўчанинг нариги бетидан пусиб ўтиб кетаётганида жигарранг дарвоза ғийқиллаб, Йўлдош ака таққа тўхтаб қолади.

— Ҳорманг, Йўлдошбой!

Йўлдош ака сал ҳаяллаca, Собир омборчи югуриб келиб айб иш устида қўлга туширишидан қўрққан каби кўчани жадал кесиб ўтиб у билан кўришади, товушида, юз-кўзларида на ғазаб ё аламни, на гинахонликни сезади, балки чеҳрасининг очиқ, боқишларининг самимийлигини кўриб, негадир узр сўрашга ботинолмайди. Кейин-кейин у ўша воқеага шама қилиб ҳазиллашадиган, Собир омборчи бундан алланечук ҳузурланадиган ва ҳатто ҳассасини кўтариб пўписа билан Йўлдош акани рағбатлантирадиган бўлиб қолади...»

Мен аввалги «эскиз»лар билан бу «эскиз» ўртасида муштараклик қидираман, аммо тополмайман. Ҳайратланаман: ахир, улар бир одам-ку? Йўқ, муштараклик бўлиши керак, шарт. Мен уни топишим, палитрамга асос қилиб олишим зарур. Уни топмагунча мўйқаламни қўлга олишга юрагим дов бермайди. Юрак шаклидаги тахтача — палитрадаги бўёқлар қоришиғи ёқмайди. Уни ҳафсала билан қириб ташлайман, ювaман. Бирдан рангларнинг инсон ички дунёсини ифодалашга нақадар ожизлигини сезиб қоламан. Бунга қарши

исён кўтариб, оламни остин-устун қилиб юборгим келади. Лекин кўз ўнгимда устозларим пайдо бўлади, улар қўлимдан тутиб курсига ўтказиб қўйишади. Энди ношуд шогирдни таққирловчи, азобловчи ҳис руҳимни эза бошлайди, бир оздан кейин ўзимни мажруҳ сезаман.

— Атайин овқат буюриб, бу нима ўтириш энди?— деганча хотиним иккинчи марта деразадан бошини суқади.

Мен унга еб юборгудек бўлиб қарайман, овозимга бутун қаҳр-заҳримни жойлаб, аммо дадам билан ойим эшитмасликлари учун шивирлаганнамо ўшқираман:

— Тинч қўясизми, йўқми? Ағдариб ташланг қозонни!

Бу ғазаб ва нафрат ношуд рассомга — ўзимга нисбатан эканини у қайдан тушунсин? Киприклари пирпираб, кўзларида ёш ғилтиллаганча қараб туради-да, бурилиб кетади. Кетидан мен ҳам аста чиқаман.

— Таомни маҳтал қилиш — гуноҳ, деганлар машойихлар,— деб ойим танбеҳ беради ва менинг тунд бўлиб, хотинимнинг тумшайиб ўтирганини кўриб, дадам билан кўз уриштириб олади, бошқа сўз қотмайди.

Бу зил-замбил жимлик чангга беланган ўғилчамнинг кириб келишига қадар давом этади. Ўғлим тирмашиб сўрига чиқади, алланималар деб вижирлаганча елкамга опичади.

— Ҳай-ҳай, туш пастга!— дея ўшқиради хотиним унинг билагидан тутиб. Мен ўғлимнинг қўли оғриганини жисман ҳис этиб, хотинимга чақчайиб қарайман-у... лекин дадам мендан олдин гапиради:

— Қўй, қизим. Дадасига эмраняпти-да.

— Кўрпачани тупроқ қилди!— деб ҳовридан тушмайди хотиним. Буни мен —«Шу қўрс меҳрни биладими!», деб тушунаман, бошимни кўтармайман.

— Кўрпача боладан азиз эмас, қизим,— дейди ойим.

— Юр, чўмилиб келамиз,— дейман мен. Ўғлим севиниб, қийқирганча сўридан пастга сакрайди.

Муздек сувдан руҳим тетиклашади. Оламни минг хил рангда кўраман ва уни холстга шунчаки, ўйнаб ўтириб кўчиришга қодирдек ҳис қиламан ўзимни. Йўлдош аканинг портретини ишлаш нима бўлибди! Ҳозир, ҳозир мўйқаламни оламану... мана бундай қилиб... Ҳозир. Ҳозир!

Ўғлим иккаламиз ҳовлига бир-биримизни қувалашиб кириб келамиз, қаҳ-қаҳ уриб куламиз.

— Тавба. Кап-катта киши-я! Бу, сураткашлик ҳам одамни нашадай жинни қилиб қўяркан-да,—дейди ойим чорсини кунгиралаб ўтириб. Ундан «сабоқ» олаётган хотиним бошини кўтармайди, менга қочириқ қилади:

— Вой, энди биляпсизми? Уғлингиз ҳамиша шунақалар!

Мен унга эътибор бермай шаҳд билан устахонага кираман, қўлимга топ-тоза палитрани, мўйқаламни оламану мольберт қаршисида қотиб қоламан: бўёқлар нақадар ожиз! Йўлдош аканинг ички дунёсини ифодалашга уларнинг қудрати етмайди. Аста курсига ўтираман, тугалланмаган портретга тикилиб, «оғзаки эскиз»ларимни яна бирма-бир хотирлашдан, улар ўртасидаги муштаракликни қидиришдан бошқа иложим қолмайди...

...Ва ниҳоят уни қалбимнинг тубида туйғулар билан илғаётганимни, аммо идрок қилолмаётганимни сезаман, бўёқларнингина сеҳрига умид боғлаб, қўлимга мўйқалам олишга журъат этаман. Ҳақиқатан ҳам фикрларим матога кўчаётгандек бўлади: портрет жонланаётгандек, юз-кўзлари маъно касб этаётгандек. Бўёқларнинг қудрати олдида фикран тиз чўкаман, мўйқаламни тез, ишонч билан юргизаман. Қанча муддат ишлаганимни билмайман, аммо бирдан ранглар фикрларимни ифодалашга ожизлик қилиб қолаётганини сезаман, сўнгги марта мўйқалам тегизган жойларим сохта жилоланаётганини кўраман. Мўйқаламни қўйиб, ҳовлига чиқаман. Дарахт баргларининг яшиллигида, турфа гулларнинг рангида, ҳатто ернинг тусида ҳам сохталик, айни пайтда уларнинг барчасида бир хил бўёқни сезаман. Худди улар устига оч кулранг кукун ёғилиб тургандек. Осмонга қарайман ва ўзимча бир нарсани кашф этаман: эрталабки феруза жилони нур тўзони яширган. Демак, бўёқларга ҳам ўша тўзон аралашган. Лекин нима учун илгарилари буни сезмасдим? Не-не кишиларнинг, ўнлаб ролларни ўйнаган машҳур артистларнинг шахс сифатидаги, такрорланмас ҳис-туйғуларга тўла ички дунёсини очиб берган эдим шекилли... Мана шу бўёқлар билан! Табиий ёруғлик бўлса бас эди. Энди эса Йўлдош аканинг ички дунёсини ифодалаш учун бўёқлар мусаффо ёруғликни, ўзининг ибтидоий рангида матога тушишни истамоқда.

Негадир худо одамни лойдан ясаб, най чалиб жон киритгани ҳақидаги ривоят хаёлимга келади. «Ҳа, унга осон бўлган,— деб ўйлайман.— Мен эса унга жон киритиш учун бўёқ танлашим, нур танлашим, уларни ақл, ҳис-туйғулар тарозисида ўлчаб, уйғунлаштиришим керак». Ҳар қалай, бир сирни англаб етдим: Йўлдош аканинг портретини олам ибтидоий рангда жилоланганда, осмон тиниқ пайтда, қуёшни тўзон чулғагунга қадар ишлашим керак. Ана шу пайтдагина бўёқлар унинг ички дунёсини очиб бериш сеҳрига эга бўлади.

Мен эртанги тонг умидида, энди қўрқмасдан, ақл кўзи билан «оғзаки эскиз»ларимга бирма-бир «тикила бошлайман».

«...Кунларнинг бирида Йўлдош ака гузардан қайтаётиб жигарранг дарвоза олдида тўхтаб қолади.

— Нима бўлди, Йўлдош ака?— деб сўрайди болаларини ўйнатиб юрган аёл.

— Кўчада бехавотир юришга ҳам қўймайсан,— дейди Йўлдош ака нима учун тўхтаганига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб.

— Нега, Йўлдош ака?

— Қаерга оёқ қўяй десам бир тирранча ўйнаб ўтирган бўлади.— Йўлдош ака тиззаларини қучоқлаб олиб, бир-бирига гал бермай чуғурлашаётган болакайларни эркалайди, энг кичигини қўлига олади.— Кимсан, десам. «Қамбар аканинг ўғлиман», дейди.— У ияги билан гўдакнинг бўйнини қитиқлайди, болакай қийқириб ўзини тортади.— Бу ҳам сеникидир ҳали?

— Бўлмаса-чи!

— Ўзи ҳам ўн бештага бориб қолган-ов?

— Ўн иккитагина, Йўлдош ака.

— Йўқ, мана бунисини қўшмаяпсан.— У яна бир болакайни қўлига олади.— Эртага ҳолва олиб келсанг, ҳаммаси дастурхон бошида тўпланади, Қамбар иккаланг сананглар. Адашманглар.

Шу пайт Собир омборчининг «Йўлдошбой!», деган овози эшитилади.

— Собир тоғани кўрмаганингизга ҳушингиздан айрилиб турган эдингиз-у, тағин менинг болаларимга тўнкайсиз-а,— дейди жувон ўпкаланиб.

— Шуни ҳали айтмайсанми!— деб Йўлдош ака қўлидаги болакайни унга тутқазади.— Ҳов, Собир ака!

— Бу ёққа киринг, гап бор!

Йўлдош ака кириб борганида Собир омборчи сўрининг тўрида ўтириб олиб думба ёғ тўғраётган, кампири ҳовлининг бир бурчида гулхан ёқиб калла-поча куйдираётган, келини ўчоқбошида куймаланиб юрган бўлади.

— Келинг, Йўлдошбой, келинг-э!— Собир омборчи худди отаси тирилиб келгандек севинади.— Бугун кўчқорни ағдардик. Ўзингизни учратолмадим, чақиртириб келарканман-да, деб турган эдим. Олтинбой! Э, эс қурсин! Бугун уйида йўқ эди-ку. Келин, жигарни ёғда бир-икки айлантириб олакелинг, она қизим. Кампир, девордан Мадрайимни чақир, «Йўлдошбой келди», де.— Собир омборчи Йўлдош акага гал бермаслик учунми, тинимсиз гапиради, ҳаяжони баралла сезилиб турибди, уни яширишга уринмайди ҳам. Йўлдош ака уни биринчи марта бундай ҳолатда кўрганидан ҳайратланиб ўтиради.

— Энди, Йўлдошбой, бир иш қиламиз. Ҳа, мен судралиб юрмайин. Ўғилгина ҳам келақолмади, ертўлага ўзингиз тушинг, бир нима бор. Келин, бу ёғини тезлатиб юборинг, она қизим.

Йўлдош ака ертўлага тушади. Собир омборчи ҳамон гапиради:

— Ўзимизнинг узумдан, қўлбола. Тўрдаги идишлардан танланг, Йўлдошбой. Келин, уч-тўрт дона памилдори ҳам берасизми, она қизим? Кампир, Мадрайим нима дейди? Ҳа майли, келиб қолар. Йўлдошбой, бедарак кетдингиз?— Йўлдош акани кўриши билан бошини чайқайди, ўрнидан туришга тараддудланади.— Ҳе аттанг, ҳе аттанг! Полизга кириб, хамак ейсизми?

Чўтга ошна бўлган ҳар қандай одам сингари ҳисобдон, тўғрисини айтганда, хасислик даражасида ҳисобдон саналган Собир омборчининг сахийлигига Йўлдош аканинг лол қолгани шунчаликки, ҳатто унинг ертўлага тушишига кўмаклашиш ҳам хаёлига келмайди. У ерда алланима гурсиллаб тушганида ҳам ўрнидан жилмайди. «Қўлтиқдан олиб юборинг, Йўлдошбой!», деган овоз эшитилганидагина сергак тортиб, Собир омборчини ўрнидан турғазади.

— Фалокат-да, фалокат.— Собир омборчи деворни пайпаслаб чироқни ёқади.— Ҳу анови уч литрлик банкани олинг. Ҳа, уч йиллик ўша, уч йиллик.

Йўлдош ака бир амаллаб Собир омборчини юқорига тортиб олади.

— Дард қурсин, бу дард қурсин.— Собир омборчининг овози кўз ёшидан намланиб чиқади.— Кўп армон қоляпти-да бунинг дастидан.

Йўлдош ака унга раҳми келиб, негадир тўлиқиб кетади. Бир пиёла мусаллосни ичиб, Собир омборчи ортиқча такаллуф билан узатган жигарни газак қилгач, ўзини тийиб туролмайди:

— Собир ака, сизнинг олдингизда гуноҳкорман. Ўшанда... айтганимни қиласиз, деб сира ўйламаган эдим.

— Йўқ, Йўлдошбой, йўқ,— деб Собир омборчи унинг гапини бўладию бир муддат индамай қолади.— Мени ҳар нима қилсангиз арзийди.

— Ундай деманг, Собир ака. Мен сизни бунчалик гўл...

— Ўттиз икки йил бўлди, Йўлдошбой,— деб Собир омборчи яна унинг гапини бўлади,— ўзимга бир дард илаштирганман. Ёш ўтган сари у мени ҳалок қиляпти. Бировга ёрилолмайман.— У яна индамай қолади.— Турмушингизни, фарзандларингизни ўйлаб сал енгил тортаман. Кайфингизни чоғ кўрсам, елкамдан босиб турган юк ағдарилгандай бўлади...

Чордана қурган Йўлдош ака қўлларини тиззаларига қўйганча энкайиб, кўзларини юмиб ўтиради. Гўё кўпдан-кўп бўронларни кўрган қоя яна бир довулни бошдан кечирмоқда.

— Бироқ, Йўлдошбой, озмунча савдо ўтдими ёлғиз бошингиздан? Қайлиқдан ажраш, саккиз йил қамоқ, онангиз раҳматлининг оҳ-фиғони... Гапимни бўлманг, гапимни бўлманг,— дейди Собир омборчи ва фикрларини жамламоқчидек бир неча лаҳза индамай қолади.— Сиз темир сандиқни қулфламай чиқиб кетдингиз. Мадамин — илойим ер бориб хабар тортмасин, ўзингиз биласиз, бош ҳисобчи эди — менга: «Пулни олиб беринг, бир тентиратамиз», деди. Олиб бердим, қопи билан шкафга яшириб қўйди. Сиз қайтиб келдингиз-у, сандиқни очиб кўрмай қулфлаб, яна чиқиб кетдингиз. Ўша куни ярим тунда Чўлпон чўлоқ келиб, биласиз, идора қоровули эди, саҳарлаб чўлга, чорвани тафтиш қилишга кетишим кераклигини айтди. Бу гап аввал ҳам бор эди-ю, муддати аниқ эмасди. «Саҳарлаб бўлса саҳарлабда», дедиму чўлга жўнаб кетдим.— Собир омборчи гапдан тиниб, дардли тўлғанади.— Мадаминнинг бу қадар қабиҳлигини билмас эканман. Қор босиб, чўлда, бир ҳафта қолиб кетдим. Уйга қош қорайганда келиб, оғилхонада отни боғлаб тур-



сам, Мадамин кирди. «Худо урди, Собиржон, — деди. — Ҳазилнинг таги зилга айланиб кетди. Энди ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолсин». Айтишича, хаёлидан кўтарилиб, пул ўша шкафда қолганмиш, эртасига келиб қараса, йўқ эмиш. «Оғиз очсанг, иккаламиз балога қоламиз», деди. «Йўлдошбой жувонмарг бўлиб кетади-ку?», дедим. «У фронтчи, медаллари бор, Сталиндан раҳматнома олган, уни қамашмайди. Сен билан мен илиниб қолсак, омон қўйишмайди», деди. Ўшанда мана бу хумкалла,— Собир Омборчи пешанасига мушти билан икки марта уради, — панд берган, ишламаган, мени дўзах ўтига ташлаган...

— Қўйинг, Собир ака, ўтган ишга салавот, — дея Йўлдош ака унинг гапини бўлиб, бошини кўтаради.

Собир омборчи бошини кўтармай давом этади:

— Ўттиз икки йилдан бери тутайман. Бир неча бор ўзингизга айтишга оғиз жуфладим. Аммо қайси юз билан! Ўзи билиб, абжағимни чиқариб ташласа эди, деб орзу қилардим. Қалампирга ҳам тушуниб туриб ўзимни буғладим. Сизнинг айтганингизни қилиб азоб тортсам, елкамдан босиб турган юк ағдарилармикан, деб ўйладим. Яна чидамаганимдан, сизни қарғадим, хафа бўлманг, чин кўнгилдан эмас, шунчаки, этим ачишганига чидамаганимдан, холос...

— Жонингизни қийнаб нима қилардингиз? — Йўлдош ака кулишга уринади.

— Йўқ, юк оғир, жуда оғир. Ўйлаб кўрсам, ёш ҳам ўтиб қолибди. Дард ичимда кетмасин, дедим-у, мана, юзимни сидириб ташладим. Бор гап шу, Йўлдошбой.

— Ҳеч нарса эмас эқан-ку!

Собир омборчи мижжалари қизариб кетган кўзларини унга тикади. Йўлдош аканинг кулимсираб тургани кўриб, ичида нимадир узилиб кетгандек, юзлари оғриқдан бужмайганча бошини эгади.

— Эркакмисиз? Сизда зарда деган нарса борми? — дейди у бўғилиб, таънали оҳангда.

— Менинг гумонларим тўғри экан.

— Нимага ўшанда айтмадингиз — деб хуноб бўлади Собир омборчи.

— Кунига чойимиз бир, нонимиз бир, ука-ука қилиб юрардиларинг. Гумонимни айтишга уялдим. Лекин судда оғизларингга тикилдим. Индамадиларинг. Ўлимга ҳукм қилишмаяпти-ку, қайтиб келиб яна шулар билан яшайман-ку, қолаверса, онам билан қайлиғим шу ерда, ўртага совуқчилик тушмасин, дедим.

— Йўлдошбой! — дея Собир омборчи оғриқни базўр енгиб бўғилади, аммо бошини кўтармайди. — Кетинг! Сиз бу дунёга янглиш келиб қолгансиз ё анча эрта келгансиз. Бу дунё Мадаминларнинг, Собирларнинг дунёси! Бу тошларга сиз посанги бўлолмайсиз.

— Йўқ, сиз мени одамликка қайтардингиз, Собир ака, — дейди Йўлдош ака уни тинглашга мажбур қиладиган самимият билан. — Қамоқдан қайтганимдан кейин ҳам узоқ вақт одамларнинг оғзига қараб юрдим. Мадамин ака оламдан ўтди. Сиз индайвермадингиз. — У бир муддат тин олади.— Наҳотки, одам боласи шунчалик ифлосликка қодир бўлса, деб ўйланиб, ўзимдан-ўзим хафа бўлиб юрардим...

— Сендан хафа бўлиб юрардим, денг, шундай денг!..

— Бари бир эмасми? Сиз ҳам одамсиз, мен ҳам. Йўқ, одам боласи қабиҳликка қодир эмас экан. Одам бўлиб туғилганингга хурсанд яшайверсанг арзиркан.

— Йўлдошбой, туринг, жўнанг, кетинг, — дейди Собир омборчи ва бошини ёстиққа қўяди. — Сиз бу дунёга янглиш келиб қолгансиз...

Мен ҳам одам бўлиб туғилганимдан хурсанд, хиргойи қилганча мўйқаламни тез ва ишонч билан юргизаман. Бирдан палитрамга яшил — сержилва, ўйноқи ва шўх рангни аралаштираётганимни сезаман. Нима учун у матога тушишни истаб қолди? Портретнинг вазмин, ўйчан руҳига путур етказмайдими? «Одам бўлиб туғилганингга хурсанд яшайверсанг арзиркан». Ўйланиб қоламан, ҳатто мольбертдан подрамникни олиб, янги мато қўйиш, бўёқларга яшил рангни аралаштириб, портретни бошқатдан ишлаш фикри туғилади. Лекин шошмайман, «оғзаки эскиз»ларим орасидан «яшил»ларини қидираман ва бир донишмандинг «Ҳаётни худди кўзгу каби акс эттириш ҳали санъат эмас, санъат — ўша кўзгу ташқарисидаги ҳаёт ҳақиқатини тасвирлашдир», деган фикрини эсладим.

Шу пайт ўғлимни елкасида кўтариб Йўлдош ака кириб келади.

— Тоға, — дейди у ўғилчамни кўзкўз қилгандек сўридан анча нарида тўхтаб, — ҳамма пошшолар болалардан бўлса, жа ажойиб бўларди-да! Одам умрини ўйнаб-кулиб ўтказарди.

— Оббо, авлиё-ей! Оббо, авлиё-ей! — Ёнбошлаб ётган дадам ўрнидан туриб ўтиради.— Топган гапингизни қаранг-а!

— Рост, тоға. — Йўлдош ака ўғлимни пастга тушириб, дадамнинг ёнига ўтиради, у томон энгашиб дил-дилидан гапиради: — Анови Кратер деган кожбаҳс ҳам... — У менга юзланади: — Шундайми, Америка пошшосининг оти Кратермиди?

— Йўқ, кратер — ойдаги доғлар...

— Ановининг оти-чи? — деб сўзимни бўлади Йўлдош ака.

— «Анови»нинг оти — Картер.

— Фарқи йўқ экан-ку, бошни айлантирасан. Бу ҳам ердаги доғ-да. Ўша Кратер кожбаҳс ҳам тахтини бирорта болага бўшатиб берганида! Бола халқининг ирқию миллати йўқ, давлатининг чегараси ҳам бўлмайди. Лекин, тоға, икки юз йил, уч юз йил яшардик-да!

Хаёлларим учиб кетади. Шунча кун машаққат чекиб, нур танлаб, ранг танлаб, мўйқалам учи билан яратган портретим чиппакка чиқди. Йўлдош аканинг ҳозирги қиёфасини, юз-кўзларидаги маъноні ифодалаш қудратига эга бўлган сўзлар, ранглар оламда йўқ. Эҳтимол, уни матога кўчириш учун эрталабки қуёш нури керакдир? «Авлиё! Авлиё!», деб хитоб қиламан ичимда ва қаердадир кўрган суратим эсимга тушади: ям-яшил майса ва ранг-баранг дала гулларига тиззасидан кўмилган қип-яланғоч болакай юз-кўзлари кулгидан яшнаб, икки қўлини ёзганча қуёшга талпиниб турибди. Миямга яна шундай фикр келади: Йўлдош аканинг портретини ишлашдан Одам Атонинг суратини чизиш осон. Ер, Қуёш ва қип-яланғоч Одам Ато! Эҳтимол, юзида, кўзларида оламнинг шип-шийдамлигидан ҳайратланиш ифодаси бўлар? Боринг-ки, Момо Ҳавони кўрганида қувонсин ҳам. Унинг суратини чизиш осон! Аммо ҳозирги одамлар... Агар Одам Атони Ер бетида тасвирлаш лозим бўлса, Ерни ҳозирги одамларнинг юрагига сиғдириш керак. Унинг тебранишию ларзага келиши билан, бор қувончию ташвиши билан! Ҳа, Одам Атонинг суратини чизиш минг карра осон. У эндигина пайдо бўлган эди, бизнинг бугунги кунимизга етиб келиши учун эса миллион-миллион йилларни яшаб ўтиши, юзлаб асрларнинг юкини елкасига олиши керак. Унинг суратини чизиш осон. Аммо ҳозирги одамлар... Агар уларнинг бири Йўлдош ака бўлса... Авлиё у, авлиё!



Расмларни Б. ЖАЛОЛОВ чизган

Фарғона

Шеърим

Шеърим — муҳаббатим, дардкашим менинг,
Таъзимда қошингга қайтдим мен яна.
Олис ҳижронлардан, фироқлардан сўнг
Сенга дардларимни айтдим мен яна.

Оппоқ палатада ўтаркан йиллар,
Севган меҳнатимдан айирди дастлаб.
Мени унутдилар сўқмоқлар, йўллар,
Наҳот дўстларим ҳам кетдилар ташлаб?

Қўлларим истарди ёруғ бир меҳнат,
Кўзларим изларди дўстлар дийдорин.
Интизор дамларда юз бурди омад,
Олисларда қолди ишқ — лолазорим.

Теграмда одамлар гавжум ва қувноқ,
Меҳнату матонат далаю даштда.
Қуёш муҳаббати дилбар ва қайноқ,
Замин муҳаббати айни оташда.

Дарчадан паришон боқарман фақат,
Дарчадан боқарман ўйнаркан ёғду.
Кўзларда муҳаббат, кўзларда шафқат,
Дўстлар дийдорини этарман орзу.

Шаббода эсади, эҳ, қандай майин,
Камалак рангларда улуғвор чирой!
Япроқлар шивирлаб, тебранар қайин,
Кумуш нур таратар бош устимда ой.

Ёмғир торларини ўйнайди шамол,
Оқ, оппоқ қорларин сочади фалак.
Қушлар қўшиғидан қолар экан лол,
«Тур» ва «юр» деб қистар дардкашим юрак.


Айрилиқ дегани оғирдир жуда,
Севги деганим ҳам ғам-фироқ бўлди.
Аммо айрилиқлар ичида менга
Сендан айрилмоғим оғирроқ бўлди.

Шеърим — муҳаббатим, дардкашим менинг,
Таъзимда қошингга қайтдим мен яна.
Олис ҳижронлардан, фироқлардан сўнг
Сенга дардларимни айтдим мен яна.

Шуҳрат УМАРОВ

Тошкент

Қутлаймиз!



Ўзбек совет адабиётининг кенса авлодига мансуб оқсоқол адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров 75 ёшга тўлди. У меҳнат фаолиятини қишлоқ мактабларида ўқитувчилик қилиш баробари оддий мухбирликдан бошлаб, баракали ижоди — давримизнинг муҳим, кўламдор воқеалари қаламга олинган турли жанрлардаги кўплаб асарлари билан эл эътиборини қозонган забардаст, ҳозиржавоб ёзувчиларимиздан биридир. Халқимизнинг революцион тарихи, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш, ҳарбий ватанпарварлик, қишлоқ хўжалигимиз тараққиёти, пахтачиликнинг долзарб муаммолари адиб ижодининг ҳамиша бош мавзулари бўлиб келмоқда.

Илк ижодини публицистикадан бошлаган Назир Сафаров 1930 йили Зиё Саид билан бирга ўша даврнинг муҳим муаммоларига бағишланган «Янги турмуш учун кураш» номли очерк ва мақолалар тўпламини нашр эттирди. Орадан икки йил ўтгач, унинг 1916 йилги Жиззах халқ қўзғолони ҳақида ҳикоя қилувчи «Унутилмас кунлар» китоби дунёга келди. Бу — тарихий қўзғолон манзараларини ўз кўзи билан кўрган авторнинг мазкур мавзудаги илк изланиши, проза жанридаги дастлабки тажрибаси эди.

«Қизил Ўзбекистон», «Ишчи» газеталарида хизмат қилган Назир Сафаров 1934 йили Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретарлигига сайланади. Бу йилларда у ўзбек совет адабиётининг ўша даврдаги қизғин масалаларига бағишланган «Янги вазифалар олдида», «Совет мамлакати — талантлар ватани», «Қўш қанотлаб учишимиз керак!», «Биринчи якунлар» каби бир қанча адабий-танқидий мақолалар ёзади.

Халқимизнинг Совет ҳокимиятини барқарор этишдаги шонли революцион кураши тарихини бадиий акс эттириш мақсадида Зиё Саид билан ҳамкорликда яратган «Тарих тилга кирди» пьесаси Назир Сафаровни драматургияга бошлаб келди. У Ҳамза Ҳакимзода йўлидан борган биринчи ўзбек драматурглари сафида ижод этиб, кейинчалик бу мураккаб жанрда «Уйғониш», «Шарқ тонги», «Кимга тўй, кимга аза», «Лукаш ботир» каби таниқли асарларини яратди.

Улуғ Ватан уруши йиллари адиб фронтга отланиб, қўлида қурол ва қалам билан фашист босқинчиларига қарши жангларда қатнашди. Учинчи Украина фронтида ўзбек тилида нашр этилган «Совет жангчиси» газетасининг ҳарбий мухбири сифатида оташин мақолалари билан жангчиларимизни ёвни тор-мор этишга, қаҳрамонлик кўрсатишга илҳомлантирди. Оддий аскарликдан капитан даражасига етишган Н. Сафаров жанговар хизматлари учун ҳукуматимизнинг бир қанча орден ва медаллари билан тақдирланди.

Ёзувчининг қардош халқлар фарзандлари билан елкама-елка туриб Улуғ Ватан уруши фронтларида душманга қарши мардонавор жанг қилган ўзбек йигитларининг ҳаққоний образларини гавдалантирувчи «Уқ ўтмас ботир», «Водиллик қаҳрамон», «Сўнгги нафасгача» «Ганжиравонлик снайпер», «Комиссар Қорабоев», «Мен ўлмайман!» сингари очерклари адабиётимиз қаҳрамонномасига қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Адиб мазкур мавзудаги изланишларини урушдан кейинги йилларда ҳам қизғин давом эттирди. Жангларда жасорат кўрсатиб, бедарак кетган номаълум қаҳрамонларни излаб топиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Иттифоқимиз бўйлаб талай сафарларда бўлди. Унинг «Инсон изи», «Ватандошим Боис», «Бир томчи қон» каби асарлари ана шу сермашаққат изланишлар натижасида вужудга келган.

Н. Сафаров очерк жанрида айниқса маҳорат билан ижод қилиб, республикамиз қишлоқ хўжалиги илғорлари, пахтачилигимиз фидойилари ҳаётидан ёзган «Олияхон Султонова», «Хадича Аҳророва», «Турсуной», «Катта карвон йўлда», «Атоқли селекционер», «Саодатнинг қиссаси», «Султон бўзчининг неваралари» каби асарларида меҳнат кишисининг тўлақонли образини яратишга, халқ хўжалигининг муҳим проблемаларини ёритишга муваффақ бўлди. Ёзувчининг ҳаёт билан чинакам ҳамнафаслиги, сезгир ва зийраклиги шундаки, кейинчалик «Узоқни кўзлаган қиз» номли воқеий қиссага айланган очеркининг қаҳрамони Турсуной Охунова эндиликда — донгдор пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреатидир.

Адабиётимизнинг жиддий ютуқларидан ҳисобланган «Бир томчи қон» китоби ҳамда Жиззах қўзғолонига бағишланган «Кўрган-кечирганларим» автобиографик қиссаси учун 1978 йили Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлган атоқли адиб Назир Сафаров кейинчалик ана шу қиссани ўз ичига олган «Наврўз» романини яратди. Автобиографик характердаги бу асарда ёзувчи тарихий қўзғолон ҳақидаги ўз хотираларини ҳикоя қилиш билан чекланмай, ўша даврнинг ижтимоий воқеалари моҳиятини теран бадиий тадқиқ этиш йўлидан боргани муҳимдир.

Ижтимоий фаолликни бўшаштирмай республика Китобсеварлар жамиятига раҳбарлик қилиб келаётган коммунист адиб ҳамон ижодий бардамлик билан ишлаб, кейинги йилларда инқилобий мавзуда «Утган йиллар» номли янги роман ёзди.

Биз журналхонларимиз номидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси, отахон адибимиз Назир Сафаровни муборак 75 ёши билан қизғин қутларканмиз, умрига ва ижодига янада барака тилаймиз.

Қуйида адибнинг мазкур романидан парча эълон қилмоқдамиз.

ЯХШИЛИК БОҒБОНИ

Назир САФАРОВ

Оғам ёлғизоёқ йўлдан эшагини пилдиратиб бораркан, уфққа ботаётган қуёшнинг қизғиш шуъласи кўзини қамаштирди. Ажиб манзара: тоғ ортида қуёш яллиғланиб, гардишидан аланга пуркаётгандек. Гўё у ёққа ўт кетгану атрофдаги мавжудот, жон-жонивор — ҳаммаси ўртаниб, эриб оқаётгандек... Тасаввурида гўё улкан дошқозонга ундан қайнаб, пўртанадек отилиб чиқаётган оловранг лавалар осмонга ўрлаганча оқ, қора, кўк булутлар бағрини ёриб дарё бўлиб оқаётгандек...

«Ҳайрият, эртага ҳаво очиқ бўлар экан. Қуёш қизариб ботиши шунинг аломати», дея ўз-ўзига таскин бериб, Ҳотамнинг дили равшан тортгандек бўлди. Дастлаб Жабборқул отаникига йўли тушганда дала-дашт, тоғ-тошни оппоқ қор қоплаган қаҳратон қиш эди. Бу галги сафари эса айни баҳорга тўғри келди. Ҳали ўт-ўлан бўй чўзмаган бўлса ҳам, тоғ бағри, кенг дала ям-яшил, мулойим чўл шамол елпиб, юз-кўзни силаб эсади. Табиат кўрки Ҳотамнинг баҳри дилини очиб юборди, вужудини қамраб олган аллақандай тундлик тарқаб, у ўзини енгил ҳис этди. Узоқ манзилга ҳам, мана, яқинлашди... Буни қарангки, худди олдиндан айтиб қўйилгандек, Жабборқул ота пешвоз чиқиб, эшик олдида кафтини қоши устига соябон қилганча турарди. Уни кўрган Ҳотам эшагидан ирғиб тушиб югурди.

— Э-э, Ҳотамбекми?— дея қичқириб юборди Жабборқул ота.

— Ассалому алайкум...

— Ваалайкум ассалом. Мендек бенавога меҳрингни туширган худойимга минг қатла шукур.— Жабборқул ота қулоч ёзиб Ҳотамни бағрига олди.— Келдингми, нуридийдам? Мунча соғинтирмасанг? Кечадан бери яккаш ўнг қовоғим учаётган эди.

— Мана, суюндингиз, ота,— дея унинг қучоғидан чиқмай жавоб берди Ҳотам.

— Султонмурод! Қаёқдасанлар? Аканг келди! Ҳотамбек келди!— дея ҳаяжонини босолмай қичқирарди қария. У пешанасидан ўпаркан, дув-дув оқаётган иссиқ кўз ёшидан Ҳотамнинг юз-кўзи ҳўл бўлди.

Қариянинг аввалгига қараганда анча озгани, новча бўйи яна ҳам эгилгани, кўз соққаси ичига чўкиб, киприк остидаги шиш ёйилиб кетгани, қат-қат юз ажинлари қуюқлашганини кўриб Ҳотамнинг хушҳол кўнгли хира тортди. Отанинг бошида эски ҳаворанг қалами салла, халта кўйлаги ёқасидан дўппайиб кўринган елка суягига саллапечи тушиб турарди.

Султонмурод ҳовлидан ўқдек отилиб чиқди. Ҳотамга кўзи тушдию бир зум ўзини йўқотгандек қотиб қолди. Уни кўрган Ҳотам:

— Султонмуродми, кел, кўришайлик,— дея қучоғини очди. Ўн уч яшар бола югурганча ўзини Ҳотамнинг бағрига отди. У бўйдор, жағижағига кириб кетган, шалпангқулоқ, озғин бўлса-да, аъзойи бадани пай, чайир, доим кулимсираб турадиган, истараси иссиқ, ёқимтой бола эди.

Жабборқул ота севинч ёшларини бари билан арта-арта эшакни ҳовли томон етаклади. Отанинг ҳовлиси тоғ этагида бўлиб, бир пахсадан тикроқ тош девор билан ўралган, ёғочга михланган тўрт дона тахтадан иборат дарвоза деворга омонатгина осиб қўйилган эди. Ота ҳовлига кираркан, эшик орқасида мўралаб турган қизига кўзи тушди:

— Тортиниб ўтирма, қизим, ўз аканг, туғишган бўлмаса ҳам, бир энани эмиб катта бўлганлардан зиёд. Чиқақол, салом бериб қарши ол!

Қиз тараддудланиб қолди. «Уз аканг... Чиқақол, салом бериб қарши ол..» Ўз акаси бўлса, нега отаси билан энаси унақа гап қилишди? Акага сингил, сингилга ака равоми?

Қизнинг бу мулоҳазасида жон бор эди. Сўнгги пайтларда ота-она ўртасида тез-тез бўлиб турадиган гап-сўзлардан Қутлуғой анча-мунча хабардор эди.

— Ҳар қалай, қиз бола бўйга етдими, сақлаб ўтириш номаъқул,— деган эди бир куни ота.

— Ҳа, бўй етди, деб ким қизини кўчага чиқариб ташлабди?— деди она.

— Гапни чалғитмасанг-чи! Қиз бола бировнинг хасми, демоқчиман, холос.

— Ҳо-о, кимнинг хасми экан?..

— Ҳотамжон айни кўнгилдаги йигит эмасми?

— Суймаганга суйканма. Қизингизни сўратса ҳам бошқа гап эди. Ҳа йўқ, ҳув йўқ, сиз эркаккинага бир нима бўлдими ўзи?

— Қизиқ, йигитнинг ўзи қай аҳволда-ю, ундан қандай қилиб бундай гап чиқсин?!

— Шундай экан, деб қизингизни ўзингиз бўйнига ортмоқламоқчимисиз?

— Мен сени зўр билан олганмидим?

— Сиз билан менинг йўриғим бошқа...

Сўнгги пайтларда Жабборқул ота билан хотини Ойбодоқ хола ўртасида шу хил гап-сўзлар бот-бот бўлиб турарди. Тешик қулоқ, бирда бўлмаса бирда ота-она орзуси Қутлуғой қулоғига ҳам етиб, қизнинг ҳаловати бузилган эди.

Жабборқул ота бўйдоқлик азобини хўб татиганлардан. У навқирон йигитлик баҳорини бойлар эшигида — баъзан қўй қўрасида, баъзан молхонада, баъзан дала-даштда юриб ўтказган.

Жабборқул Лайлак билан тенгқур Мадали деган чўпон бўларди. Мадали қиш бўронида ўпкасини совуққа олдириб, бирмунча вақт кўксовланиб юрди. Дори-дармон қилди. эшонга ўқитди. Бора-бора йўтали зўрайиб, қон туфлайдиган бўлди. Умри қисқа экан, сал кунда дунёдан ўтиб кетди. Ундан Ойбодоқ исмли тул хотин қолди. Ойбодоқ Мадали билан ўн беш йил бир ёстиққа бош қўйиб, фарзанд кўрмаган эди. Эрининг ўлимидан тўққиз ой ўтгач, тақдир тақозоси билан у қирқ ёшли бўйдоқ Жабборқулга тегди. Ўн беш йил фарзанд кўрмаган Ойбодоқ орадан йил ўтмаёқ Жабборқулга ойдек қиз туғиб берди. Қувончлари еркўкка сиғмаган ота-она яхши ният билан қизалоққа Қутлуғой деб ном бердилар.

Ота ўйларди: «Дунёга келиб нима кўрдим? Аввал-охир топган давлатим — ўғил-қизим. Ўлим ҳақ. Куним битса... Худога шукур, орқамда қоладиганларим бор. Қутлуғой бўйга етиб турибди. Тақдири қўшилгани бордир, тоқ ўтмас, тенги топилар. Тенги чиқса, текинга бер, дейдилар. Менга қолса, бир коса сув билан никоҳ ўқитардиму ўраб-чирмаб эгасига топширардим».

Жабборқул ота учун Ҳотам осмондан тушгандек бўлди. Кимнинг ҳаваси келмайди унга? Тоғни урса талқон қилгудек кучи бор. «Султонмурод ҳали ёш...— деб ўйларди чол.— Тақдири қўшилиб куёв бўлиб қолса, рўзғоримга қанот бўларди. Бечора йигитнинг умри зое ўтяпти. Ҳожи сартарошнинг қулбасида, қош-қовоғига қараб сўққабош яшаяпти. Гўрингда тўнғиз қўпгур Додхудо уни эшак қилиб олган. Эсиз йигит, хор бўлди. Менга ўхшаган қисмати қаттиқ банда экан. Қачонгача бўйдоқ кун кечиради? Ўзимдан қиёс — эркак кишининг боши икки бўлмай сонга кирмас экан. Жойинг жаннатда бўлгур Мадали чўпон қазоси етиб ўлмаганда... Тавба қилдим, худо мен унга ўлим тиламаган эдимку,— дея ёқасини ушларди ота.— Ким билсин, ўша қазоси етиб, дунёдан ўтмаганда мен ҳам тирноқ кўрмай кетармидим? Тўғри-да, Жабборқул Лайлак деб сочини тараб, йўлимга кўз тикиб ўтирган қиз қаёқда эди бу Нурота чўлида? Бўлса — қирчиллама қирқ ёшимгача чиқарди-да. Минг қатла шукурки, орзу-умидларим кечроқ бўлса ҳамки ушалди. Бахтимдан ўргилай, Ойбодоқ Қутлуғни туғиб берди. Худойим кўп кўрмасин, ана-мана дегунча тўрт фарзанднинг отаси бўлибман. Бой ҳам ўзим, бадавлат ҳам ўзим. Камбағаллик айбми? Йўқ! Бойнинг бири Додхудоми? Ит ўхшасин унга! Оч қорним, тинч қулоғим. Бола-чақам билан қора нонга қорнимиз тўйиб турса, шукур қилган бандамиз. Фақат бир орзу, бир ҳавасим бор — невара кўрсам, дейман. «Бобожон! Моможон!..» «Ҳа, эркам, эркатойим», деб неварамни қучоғимга олсам, у соқолларимни тортқилаб, юзиниюзимга қўйиб эркаланса... Ахир, дунёнинг зийнати ҳам шу эмасми? Мол-дунё бунинг олдида икки пул! Сариқ чақа!»

Жабборқул отанинг Ҳотамжонга меҳри тушиб қолган эди. Сўнгги кунларда уни кўп ўйлайдиган бўлди: «Сабр туби — сариқ олтин,— дея ўзўзига тасалли берарди Жабборқул ота.— Куёв аҳил бўлса ўғилдир... Одам юлдузи иссиқ, дейишади, ақлҳуши иккала кўзида. Қизим Қутлуғойга нима қилибди, ой деса ойдек, кун деса кундек. Айбимиз камбағаллигимизми? Тенг-тенги билан, деганлар. Қутлуғимнинг тенги худди Ҳотамжоннинг ўзи. Ҳозирча бир-бирига рўпара келганича йўқ, юз кўришсалару худодан бўлиб юраги жиз этса, совчининг кераги ҳам бўлмай қолади».

Эшик тирқишидан мўралаб турган Қутлуғойнинг юраги гуп-гуп урарди. У нима қилишини билмасди, ҳовлига кирай деса отасидан чўчийди: ахир, отаси унга: «Ҳотам акангга салом бериб, қарши ол!», демадими? Бу — юз кўришиш деган гап-ку?.. Ҳар қанча ройи келиб, кўришишни, ҳол сўрашишни хоҳлаб турган бўлса-да, ўзини тиярди: бегона йигит, бирон марта на хуфия, на ошкора учрашган. Қизлик ғурури йўл бермай, ўзича ўйларди: «Соддадил отам. Кўрмаган, синамаган йигитга нега энди пешвоз чиқарканман? Укам Султонмуроднинг йўриғи бошқа. Ўғил бола. Мен бўйга етган қиз бўлсам, «Ўлиб турган экан бу», деб ўйламайдими? Уят-э, уят бўлади».

Ҳотам остона ҳатлаб ҳовлига кираркан, эшик орқасида турган қизга кўзи тушди, «Саломалайкум, синглим», деди-ю, алигини ҳам кутмай Жабборқул ота томон юрди. Қиз йигитнинг бу қилиғини хуш кўрмай, кўнгилсизликка йўйди-қўйди. Танаси зирқираб, иссиғи кўтарилиб кетгандек бўлди. «Ким билсин, балки отамга ёрдамлашишга шошгандир,— деб ўзини юпатди кейин.— Отамга мунча ҳам меҳрибон бўлмаса... Отамнинг меҳр кўйганича борми дейман-да. Жонкуярлигини қаранг. Балки «Ўзимни яқин олсам, қизини берар», деган умидда куйиб-пишаётгандир?.. Етти ёт-бегона-я! Ахир, отам эшаги билан ботқоққа ботиб, совуқда шамдек қотиб кўчада ётганда унинг Қутлуғой деган бўйга етган қизи борлигини билмаган-ку? Йўқ, худо берган феъл бўлса керак. Шундай одамлар бўлади, бировга яхшилик қилиб ўзи шундан ҳузурланади. Бу йигит ҳам ана шундай яхшилик боғбонига ўхшайди. Кувёвинг борми, деса, бор, деб мақтанса арзийдиган йигит экан...»

Қутлуғой ўзи билан ўзи сўзлашаркан, гўё биров эшитиб тургандек, қизариб кетди. Шоша-пиша айвонга чиқиб, шол тўқийдиган дастгоҳи олдига ўтирди-да, чақ-чуқлатиб моки отишга киришди.

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган



Ойбодоқ хола Ҳотамдан бегонасирамай, елкасига қоқиб сўрашди. Кейин «Жой тайёр!», деган маънода ичкарига ишора қилди. Жабборқул ота меҳмонни бир табақали эшикдан хонага бошлаб кирди.

Ҳотам пойгакдаги обрезда қўл ювиб, белбоғига артинди. Ота уни тўрга таклиф қилди. Хона бўм-бўш, хас устига йиртиқ-ямоқ кигиз, шолча, пўстак тўшалган, қиш сандали ҳали йиғилмаган эди.

— Соғлик-омонлик бўлсин!— деб фотиҳа қилди ота меҳмон ўрнашиб ўтиргач. Сўнг қўлларини кўксига қўйиб:— Хуш кўрдик! Ҳотамжон боламнинг қадами етди, бало етмасин!— дея юрак яқинлигини изҳор қилди.

Дастурхон ёзилди, унда икки дона лочира, туршак, жийда бор эди. Ота чойни қайтариб, нонни ушатди. Чегаланган, лаблари учган пиёлага чой қуйиб, меҳмонни дастурхонга қистади:

— Туршак, жийда ўзимизда деҳқончилик, тергилаб ўтиринг, ўғлим.

— Деҳқончилик — баҳоси йўқ касб. Озиқ-овқат ўзингиздан чиққанига нима етсин!— деди Ҳотам, жийдадан бир дона олиб оғзига соларкан.

— Ёз меваси — қишда мадор. Ҳар қалай, ёздан ортган қоқ-суқлар болагиналарга эрмак бўлиб турибди. Тангри таоло Нуротадаги бандаларига чўлу биёбонни раво кўриб, сувдан қисиб қўймаганда, биз кўрганни ҳеч ким кўрмасди. Сувсиз ер жонсиз танадек гап, ўғлим. Бу заминдаги ғаллакору чорвадор осмонга қараб қолган. Қўш ҳўкизу уруғликка эга бўлган деҳқон учун қанча экса шунча ер бор. Нурота тупроғида деҳқончилик — таваккалчилик, мисоли қимор. Умид билан ер ҳайдаб, уруғ сочасан. Худо рай қилган йили насибангга лойиқ хирмон кўтарасан, қаҳрига олган йили меҳнатинг зое кетиб, умидинг пуч, уруғликка куйиб қолаверасан.

Ҳотам яхши ният билан уруғлик дон келтиргани учун, қариянинг кўнглини кўтариш мақсадида:

— Худо хоҳласа, бу йил ҳосил яхши бўлади,— деди.— Омборингиз донга тўлади, ана кўрасиз.

— Илойим айтганинг келсин, ўғлим. Ноумид шайтон. Ғариб-ғурабонинг мушкулини осон қилишни ўйлаган марднинг иши доим хайрли бўлади. Тунов куни имом Ҳасан, имом Ҳусан мачитида кўрсатган мардлигингдан халойиқ ҳайратда. Агар сен қалқон бўлмаганингда Додхудо тил тортмай ўларди. Жабр кўрган — сен, Додхудо эмас. Шундай бўлса ҳам бари бир Камол девона ўч олди ҳисоб. Тавба деб айтай, ҳар ким ўз феълига ярашасини кўради. Ўз ҳожатига ўзи ярамайди, тирик мурда. Тангри ғазаби бундан ортиқ бўлмас. Яна, бунинг устига, ота-онасиз бир қизчани чўри қилиб олган, дейишади. Ҳожатини ҳам ана шу қизчага бажартирар эмиш бетавфиқ... Сен бўлсанг ўша пасткашни деб таёқ единг, уни ўлимдан сақлаб қолдинг. Хайрият, жонинг омон қолди. Эшитишимча, Камол шўрликнинг оёғига кишан солдирганмиш. Бу қандай бедодлик!

Камол ҳақидаги кўнгилсиз хабар Ҳотамни ўйлантириб қўйди.

— Эй, бечора! Ҳали у кишанда, денг? Нега мен бундан бехабарман, нега мен эшитмадим? Ахир, у жинни эмас экан-ку! Одатда жинни бўлган одамни кишанга соладилар. Уни қутқазиш керак! Унга...

— Болам,— дея Ҳотамнинг сўзини бўлди қария,— Камолни қутқазиш осон гап эмас. У ёғини сўрасанг, Камол кимга ҳам керак?

— Нега? Нега?..— деди ғазабланиб Ҳотам.— Амирнинг ясовул-баковулларига қарши мачитда айтган гапларини эшитган эдингиз-ку? Камол айтган ўша гапларни бу юрганлар ичида ким айта олади, ким?.. Уни қутқазиш керак! Кишандан қутқазиш керак!

— Камол жиннини кишандан озод қилиш...

— Камол — жинни эмас, аламзада. Агар сиз мени болам десангиз уни жинни, деманг! Йўқ, буни фақат мен айтаётганим йўқ. Ҳожи бобом, Карим тоштарош амакиларим ҳам шундай дейишяпти. Ҳали Камол кишанда, денг? Эй, бечора!

— Ҳотамжон, ўзингни бос, ўғлим. Мендан сенга оталик насиҳати: Камол деб яна бирон фалокатга чалиниб юрма. Бу ерда гапирдинг, зинҳор-базинҳор бошқа жойда оғзингдан чиқара кўрма. Ўзингни эҳтиёт қил, ёшсан. Бундай ўйласам, Камолку Камол, сенинг ўзинг Додхудо кишанидамасмисан, ўғлим? Ипсиз-занжирсиз боғлаб, елканга миниб олибди-ю, сен бўлсанг...

Ҳотам жаҳл билан сапчиб ўрнидан турди. Жабборқул ота қўрқиб кетди. Ҳотам дарҳол ўзини қўлга олиб яна жойига ўтирди. Орага жимлик чўкди. Жабборқул ота насиҳатгўйлигидан пушаймон еб, ўзича ўйларди: «Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганларича бор. Насиҳатим унга ёқиш-ёқмаслигини билмай туриб гапириб қўйдим. Нима қилай, узр сўрасаммикан? Йўғ-эй, уят бўлар... Хомсан — пишарсан, бу дамингдан тушарсан. Бугун бўлмаса, эртага албатта кўзи очилади. Додхудодан осонликча қутулса-ку яхши-я...»

— Кечиринг, отажон, одобсизлик қилиб... Насиҳатингиз қулоғимда.

— Балли, ўғлим.— Ота пиёлага чой қуйиб узатди.— Ана шунақа, Ҳотамбой, Додхудодан яхшилик кутма. Умринг зое кетади. Қуриб кетсин бу йўқчилик. Муҳтожлик мени ҳам унга боғлаб қўйган. Арқонсиз боғланганман, ўғлим... Кел, бу гапларни қўй, дастурхонга қара. Жийда — дори, шифобахш, дейдилар, тергилаб ўтир.

— Раҳмат, оляпман. Болаларга қизамиқ тошганда жийдани қайнатиб ичирадилар. Дорилигидан экан-да?

— Ҳа, дорилигидан ташқари, одамни тўқ тутади. Нонжийда деб бекор айтмайдилар-да.

Ҳотам яна бир дона жийдани оғзига солди-да, пиёладаги чойни ҳўплаб бўшатди.

— Камол кишанда, денг? Бу Додхудонинг иши! Мени Камолга қарши қайрагани ҳам шундан экан-да, энди тушундим. Ҳа-ҳа, ишни тезроқ битириб кетганим маъқул. Омонат эшагини топширишим керак... Ҳа, айтгандай, етимча қиз Турсунтошнинг ҳоли нима кечади? Ўзимни ўлдираман, деган эди-я...— Ҳотам ишни тезлатиш мақсадида қариядан сўради:— Отажон, кўнгил тўқи уруғлигимиз тайёр, энди зудлик билан экиб олиш қолди. Мўлжалингиз қанақа?

— Мўлжал қанақа бўларди, ўғлим? Қўш ҳўкизим йўққи, ҳаш-паш дегунча ер ҳайдаб, донни сочиб олсам. Кунимга яраб турган ўша ўзинг ўлимдан қутқарган чиноқ қирчанғи. Начора, йиғлаб-сиқтаб дегандек, ер тимдалаб бўлса ҳам экиб оламиз-да...

— Чиноқнинг ёнига Додхудонинг эшагини қўшсак қалай бўларкан?

— Кошки!..

— Шундай қиламиз, отажон. Вақт зиқ. Кеча сутдек ойдин, биз томонда ёққан жала бу ерга ёғмабди. Йўл-йўлакай далани, ерни кузатиб келдим. Ёғдек юмшоқ, кечаси қўш ҳайдаб, наҳотки, тонг отгунча ярим қоп чиқ буғдойни экиб ололмасак?

— Нега мунча шошилинч, ўғлим? Бу кеча меҳмон бўл. Дамингни ол. Тонг отсин, иш қочмас.

— Қанийди ихтиёр ўзимда бўлса, Яширишнинг ҳожати йўқ, бағритош Додхудо осонликча эримаслигини билиб, «Холам қийналиб қолди», деб баҳона қилдим. Кузда қайтиб бериш шарти билан уни аранг юмшатдим. Ёлғонни худо кечирар. Юз қўшчига бир бошчи, деган экан. Ўзингиз бош. Султонмурод билан мен икки эшакда наҳотки тонг отгунча шу ишни битиролмасак?

Жабборқул ота қувонганидан Ҳотамни дуо қилди.

— Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битади. Омоч-бўйинтуруқ борми?— деди Ҳотам.

— Бор, ўғлим, бор.

— Омоч-бўйинтуруқни эшакларга ортиб ҳозироқ далага чиқамиз. Ўзингиз бош бўлиб турсангиз, биздан иш қочиб қутулолмайди. Қани, дастурхонга фотиҳа қиласизми?

Жабборқул ота беихтиёр «Омин!», деди-да, ўтирган жойида ўғлини чақирди.

— Лаббай, ота?— деди Султонмурод кириб.

— Бўлақол, ўғлим. Омоч-бўйинтуруқларинг тахт эди, чамамда? Қаерда улар?

— Бостирмада.

— Олиб чиқ! Тез бўл!

Султонмурод қулоқ бурмай бостирма томон югурди. Эрининг важоҳатидан ҳайрон қолган Ойбодоқ хола безовталаниб сўради:

— Тинчликми, кеч бўлганда нима ташвиш?

— Ташвишли дунё экан, ташвишимизга шерик бўлиб ўғлинг Ҳотамжон уруғлик буғдой олиб келибди. Бугунги ишни эртага қолдирадиган пайт эмас. Баҳорги экиш кечикяпти. Шошилмасак бўлмас.

Ойбодоқ хола ўйланиб қолди. Чолининг бу йигитга меҳр қўйганича бор экан...

Султонмурод омочни судраб бостирмадан чиқди. Ҳотам икки эшакни етаклаганча бостирма томон йўл олди. Қутлуғой ҳамон дастгоҳда шол тўқирди. У мокига найча солиш баҳонасида бошини кўтариб ҳовлига назар ташлади. Хаёли Ҳотамда. У билан хайрлашиш учун жойидан туришини ҳам, турмаслигини ҳам билмасди: «Отам-энамга бегона бўлмаганда ҳам менга бегона-да, қиз бола бошим билан унинг олдига қандай чиқаман? Бордию отам «Нега хайрлашмадинг?», деб қойиб қолсалар, нима жавоб бераман? Шу кетиш билан қайтиб келмаса-я? Агар чинакам кўнгли бўлса, бўзчининг мокисидек қатнаб қолса ажаб эмас... Шошган қиз эрга ёлчимас...»

Қутлуғой онасига қараганда чақконроқ моки отарди, чевар қўлда бир зайл ўнг-сўлга бориб турган мокидаги арқоқ ўрнида йўл-йўл ҳаворанг шол эни ҳосил бўла бошлади. Гарчи отасига жавоб ҳозирлаб қўйган бўлса-да, йигитдан кўнгил узолмай, ҳаёли қочиб, қўли ишдан совиётганини ҳис этди...

Осмонда яккам-дуккам юлдузлар милтираб кўринди. Ғира-шира тун пардасини ёриб уфқдан тўлин ой мўралади. Жабборқул ота бошлиқ Ҳотам билан Султонмурод уруғлик буғдой, омочу молани эшакларга ортиб йўлга чиққанларида узоқ-яқиндан итлар акиллашиб, сокин тун сукунатини бузар эди. Жабборқул ота ўзича хаёл суриб, бола-чақасининг ризқ рўзи учун бўлиқ хирмон кўтаришни орзу қилиб, «Худоё худовандо, кўпга бер, кўп қатори мен ғарибни ҳам унутма», дея ҳамд-сано ўқиб борар эди...

Болаларга

Султонмурод ҲОЖИБОЕВ

Гимнастика дарси

Жисмоний тарбиядан
Муаллим эмиш шамол.
Дарахтларга команда
Берар экан бемалол.
Унинг айтганин қилиб,
Машқ қилар
дов-дарахтлар.
Ўнгга, чапга эгилиб,
Яна қаддини ростлар.
Шохлар уйқуси қочиб,
Барглар шитирлашади,
Гўёки бир-бирига
Қувноқ пичирлашади.
Шамол дер:
«Чиниқишнинг
Фойдасини билинглар.
Соғлом улғайиш учун
Гимнастика қилинглар!»

Ўратепа

Анвар ОБИДЖОНОВ

Тўтининг шарти

Тўтиқушга ялинишди
Қарға, Чўчқа, Ит, Майна:
— Одамлардек гапиришни
Бизга ҳам ўргат, ошна.
Тўти деди:— Мен розиман,
Мушкул ишдир бу гарчи.
Қани, азиз талабалар,
«Ар-р-рабалиқ» денглар-чи?
Қарға деди:— Қар-р-ра-балиқ!
— Ир-р-ра-балиқ!— деди Ит.
— Хир-р-ра-балиқ!— дер Чўчқа,
Майна деди:— Вит-вит-вит...

Ўтлоқни қумсаган қўй

— Ишлар қалай?—
Десам, Қўй
Жавоб берди
Суриб ўй:

— Камчилик йўқ —
Озиқдан...
Безор бўлдим —
Қозиқдан.

Фарғона

Қуёшдан ўрганамиз

Қуёшдан ўрганамиз
Тонгда кулиб туришни!
Қуёшдан ўрганамиз
Нур улашиб юришни!
Нуримиздан дилларга
Кирсин ҳарорат, зиё.
Қуёш бўлиб яшайлик,
Нурафшон бўлсин дунё!

НАФОСАТ КОШОНАСИ

Пойтахтимиз марказидаги кўркам бинолар орасида ўзгача жозибага эга бу муаззам кошона ҳар қандай кишининг ҳам нигоҳини бир зумда сеҳрлаб қўяди. Ҳашаматли, кунгирадор пештоқлар, нафис нақшлар гўзаллигини кошона ичида ҳамиша янграб турадиган дилрабо, фусункор оҳанглар янада оширади. Бу ерда ярим асрдан буён Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек давлат академик опера ва балет катта театри ишлаб келмоқда. Яқинда республикамиз маданий жамоатчилиги театрнинг 50 йиллик юбилейини тантанали равишда кенг нишонлади. Театр коллективи тарихий шу давр мобайнида жаҳон ва рус классик музика маданиятининг ҳаётбахш анъаналарини теран ўзлаштирган ҳолда миллий опера ва хореография санъатининг равнақига улкан ҳисса қўшди, кўплаб етук санъаткорлар етишиб чиққан қутлуғ масканга айланди.

Қуйида жамоатчи мухбиримиз Бахтиёр Назаровнинг театр директори, санъатшунослик кандидати Фрунзе Содиқович Жўраев билан қилган суҳбатини ўқийсиз.

Мухбир: Фрунзе Содиқович, аввало, республикамизда миллий опера ва балет театрининг ташкил топишини қандай маданий шароит ҳамда омиллар тақозо қилганлиги, бу санъат кошонаси пойдеворини қўйган санъаткорлар фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

Жўраев: Революцион замона шарофати билан бутун мамлакат бўйлаб авж олган маданий инқилоб, воқелигимизда амалга оширилган улкан ижтимоий ўзгаришлар 20-йилларда ҳали мураккаб даврни бошдан кечираётган чекка миллий ўлкаларда ҳам театр санъатининг ривожланишига асос бўлди. Дастлабки бадиий ҳаваскорлик тўгараклари негизида профессионал театр труппаларининг ташкил топишидан иборат мураккаб жараён барча ўзбек театрлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятидир.

Ўзбек опера ва балет театрининг вужудга келиши инқилобий халқ маданий савияси тобора юксалаётган бир пайтда катта ижодий фаолият кўрсатган миллий этнографик ансамбль тарихи билан узвий боғлиқдир. Кейинчалик музикали драма ва опера санъатининг асосчиларидан бирига айланган, халқ қўшиқлари ва куйларининг ноёб дурдоналарини хорижий ўлкаларда ҳам намойиш этган беназир қўшиқчи, актёр, толмас ташкилотчи Муҳиддин Қори Ёқубов ана шу ансамблга бошчилик қилишни ўз зиммасига олди. Унинг ҳамкор дўстлари — Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Зуҳур Қобилов, Бобораҳим Мирзаев, Уста Олим Комилов, Мукаррама Турғунбоева, кейинчалик булар сафига келиб қўшилган Музаффар Муҳамедов, Лутфихоним Саримсоқова, Назира Аҳмедова, Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдураҳмонов, Карим Зокиров опера ва балет санъати соҳасида зўр ғайрат ва иштиёқ билан ижод қила бошладилар. 1929 йил, 7 ноябрда бу коллектив ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига биноан Ўзбек давлат музикали театрига айлантирилди. Юқорида номлари зикр этилган санъаткорлар янги ижодий коллектив негизини ташкил қилдилар. Шу йилдан эътиборан республикада нисбатан янги бўлган музикали драма жанри дастлабки ривожланиш босқичига қадам қўйди. 30-йиллар бошида Самарқанддаги Музика ва хореография илмий-текшириш институтини муваффақиятли тамомлаган дастлабки ёш ўзбек композиторлари Мухтор Ашрафий ва Толибжон Содиқов бу коллективда ижод қила бошладилар. Тинимсиз изланиш, аста-секин тажриба тўплаш самараси ўлароқ, коллектив бир қанча ижодий ютуқларни қўлга киритди.

Ўзбекистонда музика маданияти жадал ривожланаётган бир пайтда Муҳиддин Қори Ёқубов опера театрига асос солишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу ўринда унинг 1928 йил сентябрида Париждан қайтаётиб Берлинда тўхтагани ва шаҳардаги Шуберт-залда концерт берган вақтдаги гапини эслаш жоиз. Ана шу концерт пайтида Муҳиддин Қори Ёқубов «Ўзбекистонда музика санъати қайси йўлдан ривожланади?», деган саволга «Биз ўзимизнинг миллий опера ва балет театримизни яратишга интиламиз», деб қатъий жавоб берган эди.

Ўз режаларини амалга ошириш учун шарт-шароит вужудга келганини англаган Муҳиддин Қори Ёқубов яқин орада республикамизда опера ва балет театри ташкил этиш мақсадида санъаткор кадрлар билан боғлиқ масалани Москва Давлат консерваторияси қошида ўзбек музикали студиясини очиш ва музикали театрнинг барча қобилиятли артистларини саралаб, у ерга ўқиш учун юбориш орқали ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблади.

1934 йилда Опера театрини ташкил этиш хусусида махсус қарор қабул қилиниб, Москва Давлат консерваторияси қошида ўзбек студияси ташкил этилди ва Муҳиддин Қори Ёқубов унинг директорлигига тайинланди.

Шу тариқа 30-йилларнинг иккинчи ярмида опера ва балет театрини тез муддат ичида ташкил этиш ишига дадил киришилди. Тайёргарлик ишлари асосан икки йўналиш — опера кадрларини тайёрлаш ва опера-балет асарларини яратиш бўйича олиб борилиб, 1939 йилга қадар давом этди.

Мухбир: Мухтор Ашрафий, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров каби санъаткорлар эндигина пайдо бўлган опера театрининг илк қалдирғочлари эди. Улар талқинида қандай спектакллар саҳна юзини кўрди?

Жўраев: Истеъдодли ижрочи артистлар ва симфоник оркестрга танқислик сезилаётган бир даврда миллий репертуар яратиш ишига дадил киришилди. 1937 йили Москвада биринчи Ўзбек санъати ва адабиёти декадасида Т. Содиқов ва Р. Глиэр музикаси билан саҳнага қўйилган «Гулсара» ва Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин» музикали драмалари муваффақиятли намойиш қилинди. Бу спектакларнинг зўр эътибор қозонишида Гулсара ва Ширин образларини яратган Ҳалима Носирова, Гулсаранинг меҳрибон онаси Ойсара ҳамда Ёсуман кампир ролини ижро этган Лутфихоним Саримсоқованинг беназир истеъдод ва хизматлари чексиздир. Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров каби ёш талантлар ҳам санъат ихлосмандларини мафтун қилган эдилар.

Студиянинг ёш ижодий коллективи опера спектакларини саҳналаштиришнинг мураккаб спецификасини тўлиқ ўзлаштириб олиш учун самарали меҳнат қилди. Актёрлар ижроси ва томошабин қабул этиш учун осон бўлган қозоқ операси «Эртарғин» (Е. Брусиловский асари) ва озарбойжон операси «Наргиз» (М. Мағомаев асари) танлаб олинди. М. Ашрафий ва Т. Содиқов дирижёрлигидаги бу асарларнинг саҳна талқини оригинал ўзбек операларини яратишга қўшилган ўзига хос салмоқли ҳисса бўлди.

Ниҳоят, 1939 йил, 11 июнда республикамиз музика маданияти тарихида унутилмас воқеа рўй берди: М. Ашрафий ва С. Василенко ижодий ҳамкорлигининг маҳсули — биринчи ўзбек операси «Бўрон» кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди. Спектаклни режиссёр Э. Юнгвальд-Хилькевич саҳналаштирди, асосий партияларни эса К. Зокиров, Ҳ. Носирова, Қори Ёқубов, кейинчалик С. Қобулова, Ж. Низомхўжаев, М. Давидов, Э. Йўлдошев, Х. Кичинбоев ва бошқалар моҳирона ижро этдилар.

Бу премьера санасини ўзбек профессионал миллий операсининг яратилиш куни деб ҳисобласак бўлади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1939 йил, 17 июнь фармонига биноан Музикали ўзбек театри Давлат опера ва балет театрига айлантирилди.

Мухбир: Маълумки, балет — хореография санъатининг олий шакли. Шундай экан, Ўзбекистонда миллий балетнинг пайдо бўлиш жараёни қай тариқа кечгани журналхонларимизда қизиқиш уйғотиши табиий...

Жўраев: Республикада опера билан ёнма-ён балет санъати ҳам юксак ғоявий-бадиий савияда тараққий этди. Ўзбекистонда хореография соҳасида самарали иш олиб борган Ф. Лопухов, И. Аббатов, А. Томский, В. Губская, шунингдек, машҳур ўзбек артистлари Тамарахоним ва Мукаррама Турғунбоева ўзбек балет театрини яратиш ташаббускорлари бўлиб чиқдилар. 1933 йилдан балет спектаклини миллий асосда саҳналаштиришга дастлабки интилишлар бошланди. Композитор В. Рославец «Пахта» балетини яратди. Бироқ асар жанр талабларига етарлича жавоб бермагани ҳамда бу борада илк қадам бўлгани учун катта муваффақият қозонмади.


Театр балет труппаси ўз фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ классик хореография унсурларини миллий рақсга кўр-кўрона тадбиқ этиш йўлидан эмас, аксинча, жаҳон балет санъатининг бой меросига ижодий ёндашган ҳолда рақс усулларини миллий музика-хореография асосида ўзлаштириш йўлидан борди.

Бу борада олиб борилган ишлар 1940 йилга келиб дастлабки самарасини берди. Е. Брусиловский музикаси асосида яратилган «Гуландом» балети катта шуҳрат қозонди. Асар либреттосини Тамарахоним, Уйғун ва М. Янковский ҳамкорликда ёзган эдилар. Спектаклда жасур қиз Гуландом ролини Мукаррама Турғунбоева маромига етказиб ижро этганлиги асар бадиий қимматини янада юксалтирди. Театримиз саҳнасида қайта-қайта намойиш этилаётган, мамлакатимиз томошабинларининггина эмас, балки чет эл санъат шинавандаларининг ҳам олқишига сазовор бўлган «Орзу», «Кашмир афсонаси», «Лайли ва Мажнун», «Севги тумори», «Спартак», «Тановор», «Оқ қуш кўли», «Анна Каренина» сингари ажойиб балет асарларини ҳамда уларни ижод этган — СССР халқ артистлари Мухтор Ашрафий, Галия Измайлова, Бернора Қориева, Дилбар Абдураҳмонова, театрнинг етакчи артистлари — Виталий Васильев, Клара Юсупова, Гули Ҳамроева, Сўнмас Бурҳонов, Севилья Тангуриева каби истеъдодли санъаткорлар номини ҳамиша фахр билан тилга оламиз. Ҳар қандай санъатнинг тараққиёти



СССР халқ артистлари Ҳ. Носирова, М. Турғунбоева ва Ўзбекистон халқ артисти Н. Аҳмедова «Гулсара» операсида.


















Гулистон

1980



	ЯНВАРЬ					ФЕВРА			
Душанба		7	14	21	28		4	11	1
Сешанба	1	8	15	22	29		5	12	1
Чоршанба	2	9	16	23	30		6	13	2
Пайшанба	3	10	17	24	31		7	14	2
Жума	4	11	18	25		1	8	15	2
Шанба	5	12	19	26		2	9	16	2
Якшанба	6	13	20	27		3	10	17	2

	ИЮЛЬ					АВГУСТ			
Душанба		7	14	21	28		4	11	18
Сешанба	1	8	15	22	29		5	12	19
Чоршанба	2	9	16	23	30		6	13	20
Пайшанба	3	10	17	24	31		7	14	21
Жума	4	11	18	25		1	8	15	2
Шанба	5	12	19	26		2	9	16	2
Якшанба	6	13	20	27		3	10	17	2



...ь					
...8	25				
...9	26				
...0	27				
...1	28				
...2	29				
...3					
...4					

МАРТ					
	3	10	17	24	31
	4	11	18	25	
	5	12	19	26	
	6	13	20	27	
	7	14	21	28	
1	8	15	22	29	
2	9	16	23	30	

АПРЕЛЬ					
	7	14	21	28	
1	8	15	22	29	
2	9	16	23	30	
3	10	17	24		
4	11	18	25		
5	12	19	26		
6	13	20	27		

МАЙ					
	5	12	19	26	
	6	13	20	27	
	7	14	21	28	
1	8	15	22	29	
2	9	16	23	30	
3	10	17	24	31	
4	11	18	25		

ИЮНЬ					
	2	9	16	23	30
	3	10	17	24	
	4	11	18	25	
	5	12	19	26	
	6	13	20	27	
	7	14	21	28	
1	8	15	22	29	

...т					
...8	25				
...9	26				
...0	27				
...1	28				
...2	29				
...3	30				
...4	31				

СЕНТЯБРЬ					
1	8	15	22	29	
2	9	16	23	30	
3	10	17	24		
4	11	18	25		
5	12	19	26		
6	13	20	27		
7	14	21	28		

ОКТЯБРЬ					
	6	13	20	27	
	7	14	21	28	
1	8	15	22	29	
2	9	16	23	30	
3	10	17	24	31	
4	11	18	25		
5	12	19	26		

НОЯБРЬ					
	3	10	17	24	
	4	11	18	25	
	5	12	19	26	
	6	13	20	27	
	7	14	21	28	
1	8	15	22	29	
2	9	16	23	30	

ДЕКАБРЬ					
1	8	15	22	29	
2	9	16	23	30	
3	10	17	24	31	
4	11	18	25		
5	12	19	26		
6	13	20	27		
7	14	21	28		



«Суғд элининг қоплони» операсидан кўриниш.

тўпланган тажриба ва анъаналар билан бирга доимо янгиланиб, ўсиб-ўзгариб борувчи ижодий кучларнинг навқиронлигига, ёшларнинг турли изланишларига ҳам боғлиқ. Шу маънода, театримиз ёшлари юксак бадиий мақсадларни кўзлаб ижод қилаётганликлари, катта ютуқларга эришаётганликлари таҳсинга сазовор. Хусусан, истеъдодли вокалчи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қўрқмас Муҳиддинов, моҳир раққоса, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Д. Жабборова, М. Аҳмедова, С. Мусаева, Ф. Саъдуллаева, Р. Каримова, шунингдек, Ш. Турсунов, Ж. Нарзуллаев, А. Бозоров, И. Кистанов, М. Узоқов, Т. Ҳусанов, Т. Расулов сингари иқтидорли ёшлар билан коллективимиз ҳақли равишда фахрланади. Улар ижод ва меҳнатда, театр ижтимоий ҳаётида ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Бундай истеъдодли йигит-қизлар бор экан, театримизнинг, бинобарин, жаҳонда донг таратган ўзбек опера ва балет санъатининг янги, юксак чўққиларни забт этиши шак-шубҳасиздир.

М у х б и р: Фрунзе Содиқович, охирги, анъанавий савол: театр ижодий коллективининг режалари қандай?

Ж ў р а е в: Аввало, шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, коллективимиз театрнинг ярим асрлик юбилейини янги-янги саҳна асарлари билан қарши олди. К. Яшин, М. Ашрафий ва С. Василенко ҳамкорлигида вужудга келган биринчи профессионал ўзбек миллий операси «Бўрон» орадан қирқ йил ўтгач, қайтадан саҳнага қўйилиши катта воқеа бўлди. Асар муваффақиятини таъминлашда либретто автори, атоқли адиб К. Яшин, постановкачи режиссёр Ф. Сафаров, балетмейстер Г. Измайловнинг хизматлари айниқса катта. Бугунги кунда театримиз саҳнасида намойиш этилаётган А. Петровнинг «Оламнинг яралиши», Ж. Бизенинг «Кармен», П. Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал», «Оққуш кўли», С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» сингари томошабинларнинг севимли асарларига айланиб қолган спектакллар сафига «Бўрон»дек ғоявий-бадиий бақувват операнинг қўшилгани ғоят қувонарли ҳол. Доимий излаш-изланиш йўлидан бораётган коллективимизнинг ижодий режалари ниҳоятда ранг-баранг. Ҳозир А. Холминовнинг «Оптимистик трагедия», С. Прокофьевнинг «Ромео ва Жульетта», А. Ҳамроевнинг «Шайх Саньон» опера ва балетларини қўйишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етиб қолди. Томошабинларимиз тез орада Т. Минкуснинг «Дон Кихот» балетини, Р. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» спектаклининг янги саҳна вариантини, М. Ашрафийнинг «Дилором», «Севги тумори», «Муҳаббат ва шамшир» каби асарларининг янги постановкаларини томоша қилиш имконига эга бўладилар. Истеъдодли ёш композитор, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Улуғбек Мусаев халқимизнинг қаҳрамонлик тарихига бағишланган «Тўмарис» балети устида иш олиб бормоқда. Тез кунларда бу асар ҳам юксак дидли серзавқ томошабинларимизга тақдим қилинади. Театр коллективининг доимо диққат назарида бўлиб келган жаҳон ва рус классик опера-балет санъатининг ноёб дурдоналарини саҳналаштириш иши ҳам давом эттирилади.

Қисқача айтганда, ярим асрлик ижодий изланиш ва зафарлар йўлини шараф билан босиб ўтган театр коллективи замондошларимизга манзур бўладиган ғоявий-бадиий баркамол асарлар яратиш учун бундан кейин ҳам бор билим, истеъдод ва маҳоратларини аямай меҳнат қилаверадилар.



СССР халқ артисти С. Қобулова ва Ўзбекистон халқ артисти С. Ярашев «Лайли ва Мажнун» операсида.

А. ЭРГАШЕВ фотоси

Қутлаймиз!

СЕРМАҲСУЛ ИЖОДКОР

50-йилларнинг бошида ўзбек совет кино санъатига бир гуруҳ ёш, истеъдодли ижодкорлар кириб келди. Ўтмиш ва бугунги кун воқелигига тийрак кўз билан қараши, йирик ҳаётий полотнолар яратишга мойиллиги жиҳатидан улар орасида Латиф Файзиев алоҳида ажралиб турарди.

Бутуниттифоқ Кинематография институтининг режиссёрлик факультетида ўқиб юрган кезларидаёқ «Учинчи зарба» ва «Тарас Шевченко» фильмларида актёр сифатида қатнашган ёш санъаткор ижодий фаолиятини «Ўзбекфильм» киностудиясида бошлаб, А. Гинзбург билан ҳамкорликда 1953 йили «Бой ила хизматчи» бадиий фильмини яратди.

Ҳамзанинг катта ижтимоий мазмунга эга бу машҳур асари режиссёр ижодининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Улкан ижтимоий проблемалар тадқиқига қизиқиш унинг тарихий ва замонавий мавзуларга бағишланган бошқа фильмларида ҳам яққол сезила бошлади. У 1954 йили В. Басов билан биргаликда суратга олган «Амирликнинг емирилиши» ҳамда Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида экранлаштирилган фильмларида Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини барқарор этиш учун кураш манзараларини кенг кўламда, эпик йўсинда тасвирлашга интилди.

Латиф Файзиев «Ленин йўлланмаси билан» (1957) тарихий-инқилобий фильмида ўзбек киносида биринчи ўлароқ улуғ доҳиймиз сиймосини экранда гавдалантиришга муваффақ бўлди. Асарда тараннум этилган Совет Ўзбекистони янада гуллаб-яшнаши йўлида жонажон Коммунистик партиямизнинг беқиёс ғамхўрлиги ва халқлар дўстлиги мавзулари санъаткор ижодининг бош йўналишига айланди. Бу мавзу унинг «Бўронда туғилганлар», «Ватан фарзандлари» ҳамда В. И. Ленининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган конкурсда мукофотга сазовор бўлган «Барҳаёт саҳифалар» фильмларида айниқса теран акс этди.

Санъаткор бугунги куннинг муҳим масалаларига мурожаат қилиб, «Иккинчи баҳор» ва «Синчалак» фильмларини яратди. У «Кўҳна қалъа афсонаси», «Жонланган миниатюралар» сингари дастлабки ўзбек телевизион фильм-балетларининг ҳам авторидир.

Латиф Файзиевнинг буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг драматик ҳаёти, фожиали тақдиридан ҳикоя қилувчи «Улуғбек юлдузи» (1964) фильми айниқса шуҳрат қозонди. Асар Бутуниттифоқ кинофестивалининг иккинчи мукофоти ва Ўрта Осиё республикалари кинофестивалининг биринчи мукофотига сазовор бўлиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган кино ва театр санъати асарлари конкурсида тақдирланди.

Мазкур фильм ижодкорларидан бири, улкан адиб Мақсуд Шайхзода Латиф Файзиевнинг санъаткорлик фазилатларини таърифлаб, бундай деган эди: «Шуни эътироф этиш керакки, «Улуғбек юлдузи» фильмининг пайдо бўлишида Латиф Файзиевнинг ташаббускорлик роли жуда катта. Латиф Файзиев севиб ишлади, завқ билан меҳнат қилди ва бу катта мавзуни ўринлатишнинг уддасидан чиқди. Унинг ўрганишга муҳаббати, ишдаги жиддийлиги, интизомлилиги фильмни суратга олишда ҳаммамизга дилхушлик бахш этувчи омил бўлиб турди».

Етук кинорежиссёр «Тожикфильм» киностудиясида ҳам фаолият кўрсатиб, Ҳиндистонда инқилобий ҳаракатнинг вужудга келиши, доҳиймиз Ленин ҳузурига йўл олган ҳинд тараққийпарварларининг тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи «Ганг дарёси узра тонг» бадиий фильмини яратди.

Латиф Файзиев шу кунларда ҳинд истонлик ҳамкасабалари билан ҳамкорликда суратга олинган икки сериядан иборат, рангли «Али Бобо ва қирқ қароқчи» бадиий фильми устидаги ишларини якунлаш арафасида. Бу асар санъаткорнинг интернационализм ғояларига, халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстликни тараннум этишга чуқур эътиқодининг ёрқин ифодасидир.

Латиф Файзиев қизғин ижодий фаолият билан бирга катта жамоатчилик ишларини ҳам бажармоқда. У республика Кинематографчилар союзининг илк ташкилотчиларидан, секретарларидан биридир.

Биз кўп сонли журналхонларимиз номидан забардаст кино арбоби, Ўзбекистон халқ артисти Латиф Файзиевни санъаткорлик фаолияти айни барқ урган 50 ёши билан табриклаб, унга катта ижодий парвозлар тилаймиз.

Ўзбекистон халқ артисти Л. Файзиев «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильмини суратга олиш пайтида.



Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигига

АФШОНА—







Булар — Афшонадаги Ойбек номли 4-ўрта мактабнинг аълочи ўқувчилари: Ҳодиева Фароғат, Носирова Мавлуда, Нуруллаев Мансур, Яхшиев Алишер, Бобоев Муҳиддин. Келажакда улар Ибн Синодек буюк алломалар бўлиб етишсалар ажаб эмас.

Буюк юртдошимиз Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллиги тантаналарига саноқли ойлар қолди. Жаҳон фани ва маданияти тараққиётига ғоят улкан ҳисса қўшган бухоролик қомусий тафаккур соҳибининг юбилейига ЮНЕСКОнинг қарорига биноан жаҳондаги турли мамлакатларда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. «Донишмандлар султони», «Табиблар шоҳи», «Шайхурраис», «Устод»... Қадимий Шарқ қўлёзмаларида Абу Али ибн Синонинг ҳайратомуз истеъдоди ва фаолияти хусусида бундай таърифларни кўплаб учратиш мумкин. Аммо уларнинг бирортаси ҳам улуғ зотнинг фавқулодда юксак заковати ва мураккаб ҳаётини тўла ифода этолмайди, чунки унинг ақл бовар этмас ижоди, истеъдоди, «зулмат ичра нур» бўлиб кечган машаққатли турмуши ҳар қандай таърифу тавсифдан кўра кенг ва терандир.

Башарият тақдири йўлида, одамзод иқболи ва истиқболи йўлида, эзгулик тантанаси учун буюк заҳмат чеккан бу фидойи тараққийпарварни жаҳон аҳли бугун сидқидилдан муборакбод этмоқда. Ана шундай шукуҳли дамларда, ўзининг ва юртининг шаъну шавкатини осмон қадар юксалтирган бу улуғ зотга ватандош бўлишдек шараф насиб этганини ўйласангиз дилингиз ҳақли равишда ифтихор ҳисларига тўлиб-тошади. Алломанинг киндик қони тўкилган, мурғак қалбидаги орзуларни аллалаб ўстирган юртни зиёрат қилиш нияти бир қаламкаш сифатида кўпдан бери ҳаёлимни безовта этиб келарди-ю, лекин ҳанузгача, кундалик ташвишларга ўралашиб, қулай фурсат тополмас эдим. Ниҳоят, бир баҳона сабаб бўлиб, бу мақсад амалга ошди: кекса адибларимиздан Миркарим Осим Абу Али ибн Синонинг болалик йилларини тасвирловчи тарихий ҳикоя ёзиб, редакциямизга тақдим этди. Редколлегия ҳикояни тасдиқлагач, унга расм чиздириш учун Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ҳузурига бордим. Рассом таклифни мамнуният билан қабул этди, чунки бу икки кекса санъаткор узоқ йиллардан буён ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

Эртасига Чингиз ака редакцияга кириб келди.

— Ҳикоя менга маъқул бўлди,— деди рассом.— Ҳатто ўзимча бир неча қоралама нусхалар ҳам чизиб қўйдим.— У шундай дея қўлидаги қоғозларни менга тутқазди.— Лекин ҳали алломанинг сиймоси хаёлимда тўла жонлангани йўқ. Нимадир етишмаётгандек. Назаримда, Ибн Синонинг ёшлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун у туғилган юртга бориб келсак, яхши бўларди...

Бухорода бизга Ўзбекистон Ёзувчилар союзи область бўлимининг масъул секретари, шоир Тошпўлат Аҳмедов ҳамроҳ бўлди. Жазирама иссиққа қарамай чошгоҳ пайти Афшонага жўнадик.

Афшона! Минг йиллик мозий ортида хаёлий товланган мовий диёр!

«Отам асли балхлик эди,— деб ёзади Ибн Сино таржимаи ҳолида.— Нуҳ ибн Мансур замонида Бухорога кўчиб келади ва унинг даврида Бухоро атрофидаги Хурмайсан деган жойда (ҳозирги Ромитан — Х. С.) маъмурий ишларга бошчилик қилади. Унинг яқинида Афшона деган бир қишлоқ ҳам бор. Отам онам билан турмуш қуриб, ўша қишлоқда туриб қолади. Мен ўша ерда туғилганман».

Тошпўлат Аҳмедов Абу Али ибн Сино юбилейи муносабати билан Бухорода амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида йўл бўйи мароқ билан сўзлаб борди.

— Айниқса, Афшонада ишлар зўр,— деди у тўлқинланиб.— Ҳали борганда кўрасизлар — Афшона — бир афсона...

Шоир муболаға қилмаган экан: чиндан ҳам Афшонада катта тўйга катта тайёргарлик олиб борилмоқда. Бухородан йигирма беш километр нарида жойлашган бу қишлоқ Ибн Сино номидаги сертармоқ хўжаликнинг илғор бригадаларидан бири ҳисобланади. Колхозда бундай бригадалардан 17 та. Хўжаликка кўп йиллардан буён кекса пахтакор Мавлон Жумаев раҳбарлик қилиб келмоқда. У ишнинг кўзини биладиган одамларга хос ишонч ва салмоқ билан лўндагина қилиб деди:

— 2 минг 115 гектар экин майдонимиз бор, бир ярим минг гектарида пахта етиштирилади. Қолгани сабзавот, полиз... Бу йил гектарига 45 центнердан, жами 7 минг тонна пахта топширишни ният қилганмиз. Варахшада янги ер очганмиз, 500 гектар... Пахтамиз ёмон эмас...

— Умуман, Варахша массивини ўзлаштириш катта суръатлар билан бормоқда,— дея суҳбатга аралашди Пешку район партия комитетининг секретари Абдурасул Иномов.— Районимиз бўйича 55 минг тонна пахта етиштирилади, ҳосилнинг 12 минг тоннасини янги массивдан ундириб оламиз. Синоликлар ўзлаштираётган ерлар насос орқали Амир Темур захкашидан суғорилади. Яқин йилларда область миқёсида Варахшада 50 минг гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик тасарруфига киритилади, 40 минг аҳоли яшайдиган 13 шаҳар ва посёлка барпо этилади.

Варахша... Улкан қадимий маданият, ҳайратомуз тарих ўлкаси... Бунда ўсган ҳар бир гиёҳнинг илдизи олис мозий қатламларидан озиқланиб, сув ичади. Бугун эса у инсоннинг азму қарори, шижоати билан харитадаги ўтмиш ёдгорлигидан ризқ рўзимиз манбаига, чаманзор воҳага айланмоқда.

Мен райком секретари дабдабасиз тилга олган улуғвор рақамларни ўйлаб кетдим. Улар замиридаги меҳнат ва машаққат салмоғини, миқёснинг кенглигини чамалаб, Чингиз ака ҳам ҳайратга тушган эди.

— Бу ишларнинг барчаси улуғ фидойиликни талаб этади,— деди у ўйчан оҳангда.— Ана шу фидойиликни бор гўзаллиги ва мураккаблиги билан акс эттириш тасвирий санъатнинг ҳам, адабиётнинг ҳам бугунги кундаги бош вазифаси бўлиши керак.

Шунда хаёлимга ярқ этиб бир ҳақиқат келди: афшоналиклардаги бу шижоат, меҳнатга бу қадар садоқат, лафзи ҳалоллик ўша улуғ бобокалонимиз Абу Али ибн Синодан мерос эмасмикан? Чунки йигирма беш ёшида мутаассиб кучлар тазйиқи туфайли ватанни тарк этишга мажбур бўлган, дарбадарликда саргардон кун кечирган, аммо бирор лаҳза мутолаадан, ижод ва жўшқин фаолиятдан тинмаган улуғ алломанинг заҳматкашлиги, 250 асардан иборат илмий мероси нене авлодларни ҳали-ҳануз тонг қолдиради!

Ўтмишдаги буюк зотларнинг, исёнкор қалби «замонга сиғмаган» алломаларнинг қисмати нақадар мураккаб: даврон уларнинг бошига гоҳ шуҳрат тожини қўндирган, гоҳ эса бўйинларини дор сиртмоғи билан чирмаган, гоҳ ардоқлаб кўкка кўтарган бўлса, гоҳ таҳқирлаб тириклайин ерга тиққан. Лоақал Ибн Синонинг тақдирини эсга олайлик: «Табиблар шоҳи», лекин бечора бир ватангадо; одамзод жисмидаги барча дардларга даво топган, лекин жамият танасидаги иллатлар қаршисида ожиз қолган! Характерли яна бир қиёс: 1483 йил, Европада китоб нашр қилиш энди кашф этилган кезлар. Венецияда Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари босилиб чиқади. Бу инсоният тарихидаги дастлабки босма китоблардан бири бўлган. Ваҳоланки, ўз даврида Бағдод халифасининг буйруғига кўра алломанинг китоблари

Эски Афшона ҳам тарих мулки бўлиб қолди.



Афшона қурилиш штабининг бошлиғи Эдуард Зокиров.



Ҳамдам Абдуллаев участка бошлиғи



Инженер Султон Носиров янги Афшонани қуришда етакчилик қилмоқда.



БИР АФСОНА

шаҳар майдонларида гулханга ташланган. «Табиблар шоҳи»нинг ватани Бухоро XX асрга 15 ўринли касалхона, 1 врач ва 3 тиб ҳамшираси билан кириб келган эди.

— Бугунги кунда областимизда 3 минг врач, 10 минг махсус ўрта маълумотли медицина ходимлари хизмат қилмоқда,— деди биз билан суҳбатда район касалхонасининг врачи Акбар Худойбердиев.— Афшонада 400 ўринли янги касалхона биноси ҳадемай фойдаланишга топширилади. Шифохонада 75 ўринли болалар бўлими ҳам бўлади.

Чингиз ака афшоналик медицина ходимлари — болалар врачи Шарофат Худоева, ҳамширалардан Олима Обидова ва Муслима Ҳакимованинг портретини алоҳида диққат ва завқ билан чизаркан, «Булар Ибн Синонинг ворислари», дея таъкидлади.

Биз Афшонадаги қурилиш штабининг хоналаридан бирида ишладик. 140 хонадонга мўлжаллаб бунёд этилаётган янги қишлоқ қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бухоро область колхоз қурилиши трести Афшона қишлоғи учун 5 минг 760 квадрат метр турар жой, 400 ўринли клуб, 90 ўринли болалар боғчаси, 320 ўринли мактаб биноси қурмоқда. Уч сменада ташкил этилган иш суръати, қурилиш миқёси ҳақиқатан таҳсинга лойиқ. Қишлоқда алломанинг юбилейигача миллий меъморлик ва наққошлик анъаналари асосида Ибн Сино мемориал музейи, «Афшона» кафеси ҳам қад кўтаради.

Қурилиш штаби, чиндан ҳам, жанговар штабни эслатади: телефонлар бир зум тинмайди, тортишувлар, баҳслар авжида... Штаб бошлиғи, область ижроия комитети капитал қурилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари Эдуард Зокиров рўпарасида ўтирган баланд бўйли одамга уқтиради:

— Хавотир олманг, деяпман-ку! Бугун 15 августми? Сентябргача мактабни битириб берамиз.

Маълум бўлишича, бу киши қишлоқдаги Ойбек номли 4-ўрта мактаб директори Жаббор Қурбонов экан. Чингиз ака мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларидан бир гуруҳининг портретларини чизгач, уни ҳам курсига таклиф этди. Директор сийрак сочларини сийпалаганча курсига ўтираркан:

— Домла, илтимос, сочни қалинроқ қилиб чизасиз-да,— деди кулимсираб.— Сочларим нақ тўсдай эди, мактаб қурилиши важидан тортишаверіб тўкилиб кетди!

Кулишдик. Бироқ кечқурун Жаббор Қурбонов директорлик қилаётган мактабни бориб кўрганимизда ташвишлари бежиз эмас эканлигини сездик: мактаб бир оз эски, ноқулай бинода жойлашган бўлса ҳамки, озодалиги, ўқув кабинетлари, кўргазмали қуролларнинг батартиблиги таълим-тарбия ишининг юқори савияда ташкил этилганидан, энг муҳими, уларнинг қўл учида эмас, аксинча, зўр иштиёқ ва ҳавас билан қилинганидан далолат берар эди.

Чингиз ака кечки салқин тушгач, эски қишлоқдаги ҳовлилардан бирининг расмини чизиш истагини билдирди.

— Бу жойлар ҳам ғанимат, тарих мулки бўлиб қолди,— деди рассом.

Сўнг янги қишлоқни яна айланиб чиқди. Қишлоқ энг замонавий архитектура ютуқлари асосида ўзбек деҳқони турмушининг барча жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қурилмоқда. Уйларнинг ташқи нақшин безаклари ғоятда гўзал ва айни пайтда бир-бирини мутлақо такрорламайди. Ҳар бир уй пештоқига Ибн Сино рубоийлари ўйиб ёзилади.

— Қурилиш ўтган йил март ойида бошланган эди,— деди Зокиров.— Янги Афшонани барпо этиш учун 17 миллион сўм ажратилган. Ҳали қилинадиган ишлар кўп. Энг муҳими — буюк алломa юбилейини муносиб кутиб олиш.

Кечаси алламаҳалгача қишлоқ меҳмонхонаси олдидаги боғни айланиб юрдик. Сукунат. Осмон тўла юлдуз. Сутдек ойдин ёғдусига чўмган қишлоқ маст уйқуда. Фақат олисда чигирткалар безовта чириллайди, боғлар оҳиста шовиллайди. Қайси бир қия очиқ деразадан алла эшитилади. Алла... Бундай пайтда одамнинг беихтиёр хаёли қочади, кўнгил ёруғ, нурли туйғулардан энтикади. Ким билсин, балки бундан минг йил бурун худди шу жойда, худди шундай фусункор бир кечада гўдак Ҳусайн — бўлажак Абу Али ибн Синонинг бешиги тепасида мушфиқ она Ситорабону ҳам дунёдаги барча оналар сингари алла айтгандир? Балки қишлоқнинг эртакдек узун, тангу тор кўчаларида тийрак кўзларида тафаккур ёлқини чақнаган Ҳусайн завқ-шавққа тўлиб, югуриб ўйнагандир? Балки осмонни тўлдириб чарақлаган юлдузлар сеҳри, оламнинг сирли тилсимоти унинг мурғак қалбига илк бор худди шу ерда ғулув солгандир?

Аллома юртидан қайтар эканмиз, таассуротларимиз ғоят ҳаяжонли, чексиз эди. Кекса халқ бахшиси, 85 яшар Раҳмат ота Юнусов билан бўлган учрашув бизни айниқса тўлқинлантириб юборди.

— Мен фашистга қирон келтирган ғалабамизнинг 30 йиллигига бағишлаб бир достон айтиб эдим,— дейди нуроний мўйсафид ўйланиб.— Энди ўлмасам, Ибн Синонинг тўйига бир достон айтаман!

Биз истеъдодли халқ устаси, кўп йиллардан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келаётган Салим Шукруллаев ишларини томоша қилдик. Уста ҳам улуғ алломадан руҳ олиб, унинг ўлмас сиймосини яратиш учун тинимсиз изланмоқда. Чингиз Аҳмаров устанинг асарларини кўздан кечириб, қимматли маслаҳатлар берди.

...Ана, аллома юртининг боғ-роғлари, яшил пахтазорлар ортда қолди. Олдинда эса навқирон Ҳусайн — бўлажак донишмандлар султони Абу Али ибн Синонинг орзуларига қанот берган кўҳна Бухоро!


Бухорода ҳам юбилейга тайёргарлик қизғин, қаерга борманг, ким билан сўзлашманг, кўтаринки бир руҳ ва ички ифтихор туйғусини сезасиз. Садриддин Айний номли область театри биноси олдидаги афиша тез кунда «Ибн Сино» деган янги спектакль намойиш қилинишидан хабар беради. Бу асар атоқли грузин кинорежиссёри Л. Салдадзенинг «Кайҳон буржи» драмаси асосида тайёрланмоқда. Шаҳарнинг ўн икки қаватли муҳташам «Интурист» меҳмонхонасида жаҳоннинг турли жойларидан келган сайёҳлар, олимлар, ёзувчилар, давлат ва маданият арбоблари тилида фақат шу сўзлар: «Афшона!», «Авиценна!»

Бугун Афшонада бўлган киши минг йиллик кўҳна тарих кўзгусига айланган, яшариш ва навқиронликни бошдан кечираётган бу қадимий қишлоқда аҳли жаҳоннинг ҳайрат ва ҳавас тўла нигоҳини яққол ҳис этади.


Афшонада бугун чин арафа, у катта тўйнинг катта ташвиши, орзу-ҳаваси билан яшамоқда. Ҳадемай у барча дўстларни улуғ фарзанди, аллома Ибн Синонинг қутлуғ тўйига — нуроний ақл ва буюк қалб эзгу орзуларининг тантанасига чорлайди.

Хайриддин СУЛТОНОВ

Бухоро — Тошкент



Медицина ҳамшираси Муслима Ҳакимованинг хизматидан афшоналиклар ҳамиша мамнун.



Врач Акбар Худойбердиев ҳамқишлоқлари саломатлиги йўлида билим ва тажрибасини аямай меҳнат қилмоқда.



Ёш шифокор Шарофат Худоева болалар саломатлигининг жонкуяр посбони.


Қаҳрамон она Тошбиби Тошова давримизга муносиб фарзандлар вояга етказган.

Афшона қишлоғининг фаол аёлларидан пенсионер Саодат Каримова.

Саксон беш яшар Абди бобо Каримов қишлоқнинг мўътабар отахонларидан.

Расмларни Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз АҲМАРОВ чизган

Бухоролик таъмирчи ишчи — Акрам Эргашев миллий нақшин безаклар устаси.




Илғор ишчи Ашраф Ниёзов янги қишлоқни бунёд этишда жонбозлик кўрсатиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.




Тажрибали педагог Жаббор Қурбонов мактаб ўқув-тарбия ишларини юксак савияда ташкил этишга кўп йиллардан буён етакчилик қилиб келмоқда.



Янги Афшона.





Ойбекнинг туғилганига 75 йил тўлди

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

«КЎЗЛАРДА НУР, СОЧДА ГАВҲАР...»

ОЙБЕК қарийб бутун ҳаёти давомида шеър ёзди. У ўн уч ёшида қалам тебрата бошлаганини ўз таржимаи ҳолида қайд этган. Шеърий илҳом унга эллик йил ёр бўлди. Илк мисралар фаслидан эллик йил ўтгач, у «Оқшом келди илҳом...» деган рамзий сатрга нуқта қўйди:

Оқшом келди илҳом, қўлда гул жонон,
Кўзларда нур, сочда гавҳар, ҳаяжон...
Мен ёлғиздим тунда, сокин ҳужрада,
Қуюлди шеър, май — келди бир жаҳон...

Чинакам ҳайёмона рубоий!

Мен замондошим, устозим, дўстим Ойбек ёзган анчагина йирик насрий, шеърий, илмий асарлар яратилиш жараёнининг гувоҳи бўлдим. Чунончи, «Қутлуғ қон», «Навоий» романлари қачон, қандай шароитда, қандай ўтли илҳом ва шиддат билан ёзилганини батафсил ҳикоя қилиб беришим мумкин. Бундан деярли йигирма йил аввал «Литературная газета»да «Ойбек мактаби» сарлавҳали мақоламда «Болалик» қиссасини баҳоли қудрат таҳлил қилганман. Ойбек достонларининг ҳар бири ҳақида унинг ҳамсуҳбат дўстлари қаторида мен ҳам эсдаликларимни қоғозга туширишим мумкин. Лекин мен бу мақолада устоз баракали умрининг кейинги йилларини эсламоқчиман, сўнгги романи «Улуғ йўл» билан сўнгги шеърларига алоқадор фикрларимни баён этмоқчиман.

Устоз Ойбек узоқ ва оғир беморликни бошидан кечиргани кўпчиликка маълум. Асаб хасталиги оқибатида, катта минбарларда шеър ўқиш, нутқ сўзлаш каби шоир ва арбоб учун жуда зарур имкониятдан маҳрум бўлиб қолган эди.

Унинг туғилганига 60 йил тўлиши олдидан Ўзбекистон Ёзувчилар союзида (ҳозирги Хадича Сулаймонова кўчасида) ўтказилган мушоира ҳамон ёдимда. Ойбек мушоирага ҳозирлик кўриб, тўпламидан анчагина шеърларни белгилаб келган эди.

Мушоира бошланишидан бир неча дақиқа аввал у менинг ёнимга келиб, китобини берди ва:

— Ўқинг!— деб илтимос қилди.

Ғафур Ғулом, Уйғун, Зулфия, Шайхзода, Миртемир навбатма-навбат минбарга чиқиб, шеърхонлик қилаётганларида мен Ойбек тўпламини варақлаб, у ўз қўли билан белгилаган шеърларни кўздан кечира бошладим.

Шоир танлаган биринчи шеър — «Наъматак...»

Ҳа, у бу шеърини жуда севар, Николай Тихоновнинг рус тилига қилган таржимасидан ҳам жуда мамнун эди!

Шоир мушоира аҳлига асосан лирик шеърларини, бинобарин, турли йилларда ёзилган ишқий, фалсафий шеърларини ўқиб беришимни хоҳлабди. Чунончи, деярли ўттиз йил аввал, яъни 1937 йилда ёзган қуйидаги саккизлигини танлабди:

Майли, сув ич, қаттиқ нон кемир,
Лекин, ёнсин қалбингда олов.
Фалсафанинг аччиғин симир,
Фароғат, тин бўлсин сенга ёв.

Тошга ҳам, рангга ҳам, сўзга ҳам
Ҳаёт нури билан бер жило.
Нашъа эмас, ҳатто сенда ғам
Қалбга солсин ҳаётдан зиё.

Яна оғир уруш даврида, 1942 йилда ёзган мана бу шеърини ўқиб эшиттиришимни илтимос қилди:

Ёр кетди, кўзим булоғи қолди,
Сийнамда тирик фироқи қолди.
Ишқ хотираси каби сочимнинг
Ёшликда кўпайган оқи қолди...

Ҳар лаҳза дилу хаёл паришон.
Бир хўрсинишимда дардлар уммон.
Юлдуз каби тунда ярқирар жон.
Тундек сочи иштиёқи қолди...

Ойбек шеъриятининг теран мазмуни, қуйма маъноси, равон шакли китобхонни ҳам, тингловчини ҳам беихтиёр сеҳрлаб қўяди. Унинг ўзига хос рангин тили, сержило ташбеҳлар силсиласи туғма истеъдодидан, етук маҳоратидан далолат бериб турибди. У сўзни танлай билади, тилни бойитиш борасида тинимсиз ишлайди.

Бой халқ тилидан фойдаланмаган, адабий тилга сайқал бериш устида ишламаган, умуман, асарининг тили қашшоқ, рангсиз, қуруқ баъзи ёзувчилардан Ойбекнинг ранжиганини, афсусланиб гапирганини кўп марта кўрганман: «Тил устида ишлаш керак!», деб, у ёшларга ҳамиша таълим бериб келган.

Мушоирага қайтайлик. Ҳар бир шоир биттадан, баъзилар иккитадан шеър ўқиди. Ойбек эса, ўндан ортиқ шеърини ўқиб беришимни илтимос қилган эди.

Мен минбарга чиқиб, аввал «Наъматак»ни, кейин уруш вақтида ёзилган «Раиса» сарлавҳали, ҳиссиётга тўла жўшқин балладани ўқидим. Зални тўлдириб ўтирган шеърият мухлислари устод Ойбек ва унинг шеърияти шарафига гулдурос қарсак чалдилар. Бундан руҳланиб, шоир рубоийларини ўқий бошладим. Айниқса, бир рубоий ҳамон юрагимда жаранглаб туради:

Ёшлик бир ғунчадир, йўлдоши — севги,
Юракда ёлқини сақланса мангу,
Вафо дерлар буни! Азизроқ не бор?
Қарилик ҳам ойдин, ишқимиз мангу...

«Қарилик ҳам ойдин...» Сўзларга, иборага, ташбеҳга эътибор қилинг. Файласуф шоир, сўз санъаткори — Ойбеккина шундай ёзиши мумкин эди.

«Қисқача таржимаи ҳолим» номли мақоласида: «Биз ҳаммамиз ўз ижодимизни ўзбек адабиётида кўп асрлик традицияга эга бўлган поэзиядан бошладик,— деб ёзади Ойбек.— Революцияга қадар прозаик асарлар деярли йўқ эди. Революция поэзия жанрини ҳам ўзгартириб юборди. Совет шоирлари қадимги «аруз» вазнига камроқ мурожаат этиб, ажойиб ёзувчимиз, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода ва баъзи шоирлар томонидан поэзиянинг ҳамма жанрларида тажрибадан ўтказилган фольклордаги халқ қўшиқлари ва эпоснинг «бармоқ» вазнида ёза бошладилар. Мен ҳам бармоқ вазнида ёза бошладим».

Албатта, бу ерда гап фақат вазн тўғрисида бораётгани йўқ. Шоир умуман янги шеърият ҳақида, унинг ижтимоий моҳияти ва шаклу шамойили хусусида фикр юритмоқда.

Ойбек поэзияси Ҳамза ва Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом ва Уйғун, Шайхзода ва Зулфия, Усмон Носир ва Миртемирлар поэзияси билан бирга тошқинли шеърий оқим бўлиб мавжланди ва кўп миллатли совет социалистик поэзиямиз уммонига улкан дарё бўлиб қўшилди.

Биз, Ойбекнинг ҳамқаламлари, эндиликда унинг ёрқин ижодий сиймосини тасвирлар эканмиз, «Улуғ йўл» романининг нашр этилишига доир эсдаликларимни қўшиб кетмоғим зарур.

Адиб тарихий-инқилобий мавзуларда бир қанча йирик шеърий ва насрий асарлар ёзди. «Уч», «Қутлуғ қон», «Болалик», «Улуғ йўл» шулар жумласидан. «Қутлуғ қон» бу мавзудаги асарларнинг энг баркамолидир.

«Қутлуғ қон» романини ёзиш учун материал йиғиб ўтирмадим,— деб таъкидлайди ёзувчининг ўзи.— Роман учун материал кўнгилдан, хотирамдан қуйилиб келаверди, шу тарзда қисқа фурсатда —1938 йил ёзида уни ёзиб тамомладим».

Бу ва бошқа инқилобий мавзуда ёзилган асарларида тасвирланган воқеаларга адибнинг ўзи болалик чоғларида шоҳид бўлган, шу сабабдан ҳам у юқоридаги фикрни айтишга тўла ҳақлидир.

Мен 1965 йили «Шарқ юлдузи» журналига муҳаррирлик қила бошладим. Ўша йили Ойбек билан бир неча марта суҳбатлашиб, «Улуғ йўл» романини асосан ёзиб тамомлаганини, бироқ яна бир оз ишлаш нияти борлигини билиб олдим. Мен унинг уйида ҳам, Олимлар шаҳарчасидаги боғида ҳам кўп дафъа суҳбатлашдим, муаллифни асарни оққа кўчиришга, кейин журналда эълон қилишга рағбатлантирдим. Адибнинг рафиқаси, машҳур олима Зарифа опа менинг ёнимни олиб, Ойбек акага далда берди, мададкор бўлди. Натижада, «Улуғ йўл» оққа кўчирилди, аввал журналда эълон қилиниб, кейинчалик алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Мен Ойбек асарларини қайта-қайта ўқийман. «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Қизлар» достонлари, «Қуёш қораймас», «Олтин водийдан шабадалар» романлари, «Нур қидириб...» қиссаси, «Торобий» драматик достони, сўнгги шеърлари ва умуман унинг ярим асрлик салмоқли ижоди... Ҳар бир асари адабиётимизда воқеа бўлганлиги билан, адабиётимизда Ойбек мактаби борлиги билан, янгидан-янги ижодий авлодлар бу ибратли мактабда сабоқ олаётганлари билан фахрланаман.

Ойбекка яқин бўлганимдан, у билан ҳамкорлик қилганимдан, унинг кунига яраганимдан ғурурим чексиз. Тошкентда ҳам, Москвада ҳам шоирнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали юбилей кечаларида шонли ленинчи Коммунистик партиямизга, жонажон Совет ҳукуматимизга, қаҳрамон халқимизга ташаккурномаларини унинг номидан ўқиб эшиттириш шарафи менга насиб этди. Мен устозим ва дўстим ишончини ҳеч қачон унутмайман, унинг нурли сиймосини кўзим қарогида умрбод сақлайман.

Ойбек 63 ёшида вафот этди. У дафн этилган аламли кун дилимни поралади, ўша аччиқ жудолик онида, унинг қабри тепасида телба бир аҳволда видолашув сўзларини ўртаниб айтар эканман, кўп савдолар кечган бошимда қолган қора сочларим оқариб кетди...

Аммо, халқимизда «Даҳога ўлим йўқ!», деган доно ҳикмат бор. Ойбекнинг ўзи ҳам: «Кўзларда нур, сочда гавҳар...», деб тасалли бериб турибди.

Ойбек ҳақидаги шу қисқа хотирамни унинг қуйидаги мисралари билан тугатсам, ўринли бўлар деб ўйлайман:

Кўксимни эзар ҳажрида кўксимдаги туйғу,
Тепамда қуяр куйини булбул яна шўх, шан.
Гуллар қадаҳин кечки шамол аста тўкаркан,
Ёдимга тушар сен каби дилбар, гўзал орзу.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофоти лауреати

ЁРУҒЛИК ҚАСИДАСИ

ТЎПАРАМДА осмон қуласа тутиб қолгудек салобатли бир тоғ. Чўққиларида қор кумушланади, домонасида мангу ям-яшил гилам ёйилган ва бу яшиллик ҳамиша баҳор гулбўзноч мисоли кўнгилга завқ-шавқ бахш этади. Улуғвор қоялар ҳам бор бу тоғда, ўқ ўтмас даралар ҳам. Ундан олис-олислар аниқ кўзга ташланади.

Улкан ўзбек совет ёзувчиси, ҳассос шоир ва бақувват фикрли олим Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекни мен ана шу тоққа ўхшатгим келади. Ойбек шундай салобатли тоғки, чўққиларидан Ўзбекистон манзаралари, унинг олис ўтмиши, бугуни, эртаси яққол кўриниб туради.

I

СЎҲБАТЛАРДАН бирида мунаққид дўстим: «Ойбек ижодида эмоционаллик зўр!», деган ҳақли гапни айтди. Дарҳақиқат, Ойбек ҳаяжонли туйғулар, пўртанали ҳислар қуюлиб келади. Туйғуларнинг, ҳаяжоннинг зўрлигидан шеър қоғозга тушади. Аксарият шеърларга қайта қалам урилмайди. Тўғирофи, бунга ҳожат қолмайди. Агар қалам урилса, балки шеър силлиқ, равон бўлар, аммо туйғуларнинг, ҳаяжоннинг тароватига путур етиши мумкин. Шеърда ҳаяжоннинг, туйғуларнинг сохталашувини Ойбек ҳеч ёқтирмас эди. Мана бу, қофиялари унча тўлиқ бўлмаган, лекин туйғу тошиб турган шеърни кўринг:

Шамол, бир эртак ўқи
Ўзганда тоғ устидан.
Ичиб булоқ бошидан,
Шамол, бир эртак ўқи!
Арчалар шохидан туш!
Кўк ипакда қил жилва,
Сочларимда ғивирла,
Кел, қалбимга шивирла,
Арчалар шохидан туш!
Тоғлар рўёсини айт,
Юлдуз саломини айт,
Шивирла ҳаёт сасин,
Севги дуосини айт!

Кўзни қамаштириб ётган борлиқ, ажойиб бир палла, тун чоғи арчаларнинг шохида ўйнаб учаётган шамол шоирнинг сочларида ғивирлаб, унинг севги дуосини қалбига шивирламоқда парвона! Шивирламоқчи бўлгани нима? Эртак! У тенгсиз, монандсиз бир севгики, эртак деса бўлар, балки ундан ортиқроқ!

«Қорахат» шеъри асли марсия, бироқ у курашчан гражданлик поэзиясининг юксак намунаси:

Бехосдан узилган шода дур каби,
Тўкилди умиднинг рангли барглари.
Осилди бир онда қўллар мадорсиз,
Ер қочди, қорайди қуёш зарлари...

Шеър шу тўрт сатрдан иборат. Шода дурнинг бехосдан узилиши — черикни боғлаб турган бир аскарнинг узилиши. Умиднинг рангли барглари тўкилиши ҳам юз берган йўқотишни билдиради. Ҳозирча шеърда борлиқ бор, инсон йўқ. Учинчи — «Осилди бир онда қўллар мадорсиз» сатридан шеърга инсон кириб келади. У — аёл. «Қорахат»ни олган қўллар мадорсиз осилди... Фарёд йўқ ташқарида, фарёд унсиз ичга урмоқда! Шеърдаги бутун фожиа тўртинчи сатрда:

Ер қочди, қорайди қуёш зарлари...

Ёрини жангга жўнатиб, «қорахат» олган шўрлик аёлнинг мадорсиз қўллари осилиб тушганда «қорахат» ерга тушади, бу аламли, изтиробли зил-замбил хатни кўтаролмай ер ҳам қочади, уни кўриб, ҳеч қачон қорайгандек, қуёш зарлари ҳам қорайди! Шеърни ўқиган китобхон ҳаёлидан «Урушга лаънат!» деган фикр бир умр кетмайди. Мана, курашчан гражданлик поэзияси!

«Гуллар...» деб бошланадиган шеърида шоир туйғуларининг мавжи, мўллиги, қалб туғёни яққол сезилади. Ошиқ-маъшуқлар ёш, шўх ҳисларни куйга солиб, бахмал йўлларда кезадилар, олмазорларда ётиб дам оладилар... Хуллас, дунёда ҳозир роҳат, фароғат кезмоқда, коинотда масъуд дамлар ҳукмрон... Шоирнинг юраги завқ-шавққа тўлиб кетади-да, туйғулар учини чувалаштириб қўйишдан чўчиб, шеърни лўнда сўзлар билан хотималашга ошиқади:

Гуллар, майсалар, бижилдоқ қушлар,
Ярашади кезиш, севиш, қучишлар...

«Наъматак шеърида эса, ёруғлик тушиб турса, тошда ҳам гул унади, деган энг оддий ва умрбоқий ҳақиқат исботланади. Ана шунинг учун ҳам «Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди» бўлган наъматак ўзининг бунёдкори — «Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!».

Мавжи, ҳаяжони тубида кўпчиб турган шеърлардан яна бири «Йиғи келмайди сира...», деб бошланади. Кишини ногаҳон алам, ғам, ҳайҳотдай мусибат босиб келганда тилига ҳеч қандай калима уринмай қолади, чунки ҳар қандай калима ҳам бу мусибатни ифода этиб беролмайди. Идрок буни сезади, ҳаракатнинг бефойдалигини англаб, карахтликка ўтади-қўяди. Бундай ҳолларда фақат йиғи ёрдамга келиши мумкин, йиғи кўнгилни бўшатади-да! Шеърнинг қаҳрамони шундай мусибатдаки, ҳатто кўзига йиғи ҳам келмайди! Шоир ана шу мунгли ҳолатни келтириб чиқарган сабабларни баён қилиб ўтирмайди, шеърни юксак туйғунинг юксак пардасидан бошлайди, яъни ҳаяжоннинг, туйғунинг қаймоғини беради.

Йиғи келмайди сира...
Ғазабдан қақраган кўз.
Бу йўлларнинг яхидек
Лабимда қотибди сўз.
Қошлар, киприклар қиров —
Юраман ҳушсиз, ҳайрон.
Қорним оч, эсга келмас
Халтамдаги ғиштдек нон.
Куйган уйларда увлар
Қиш қуюни бетиним.
Танҳо кезаман. Йиғлар
Юрагимда Ватаним.

Фожиани кўриб турган кўз ғазабдан қақраб кетган, йиғи қаёқда! Ҳеч бўлмаса қаҳрамон бақириб юборар эди бу изтиробга чидай олмай, бироқ сўз унинг лабларида йўллар яхидек қотган!.. Наҳот, лирик қаҳрамоннинг юраги шу қадар карахт бўлса? Наҳот, шунча фожиани, вайрон бўлган юртни кўриб кўзига ёш олмаса? Лекин кутилмаганда:

Танҳо кезаман. Йиғлар
Юрагимда Ватаним...—

каби ҳар бир сўзи замбаракнинг ўқидек залворли сатрлар, дилларни ишғол эта оладиган даҳшатли образ пайдо бўлади. Лирик қаҳрамон кўзига ёш келмаслигининг сабаби бор экан, лабларида сўзнинг қотиши ҳам бежиз эмас... Унинг юрагида Ватани йиғламоқда, бутун бир Ватан!

Бу шеърни илк бор ўқиганимда бутун вужудимга титроқ тушиб, кўзларимда ёш сезган эдим...

II

ЧИНГИЗ Айтматовнинг «Жамила» повести француз тилида босилиб чиқиши муносабати билан Луи Арагон «Юманите» газетасида ёзган мақоласида асарнинг паст-баландига тўхталиб ўтгач, француз адабиётида ишқ тунларини тасвирлашда энг уста сўз санъаткори саналган адибга мурожаат этиб: «Эй Альфред де Мюссе! Севги-муҳаббат кечаларининг ажойиб тасвирини мана бу ёш қирғиз адибининг асарида кўргил!», деган эди. Ўзбек совет шеъриятида ишқ-муҳаббатнинг сирларга тўла тўлин кечаларини тасвирлаб беришда Ойбекдан ўтадиган шоир йўқ, деб биламан. У бундай оқшомларни, тунларни тасвирлаганда узун тафсилотларга берилмайди. Ёр билан бирга кечган сирли оқшомлар, истиғноли кечалар, кўнгилни орзиқтирувчи соғинч оғушида ўтган тунлар, гоҳ эса, мутлақо ёрдан умид узилган ҳолатлардаги танҳолик кечалари шеърдан шеърга ўтиб, тароват уфуради. Баъзи шеърларда бир қараганда ёр образи ҳам йўқ, шеърнинг ўзи ҳам муҳаббат кечаларига бағишланмаган. Лекин бу бир қараганда шундай туюлади, холос. Шеър оҳанги бу ерда ҳал қилувчи омилдир:

Қуёш секин бекинди
Қаршимдаги тоғларда.
Борлиқнинг кўзи тинди,
Елғиздим шу чоқларда.
Сўнгра кўкни ёритиб,
Чиқди сариқ бир чечак.
Оқшом кўнглин овутиб,
Аллаларди шаршарак.

Бу ерда шоир «борлиқнинг кўзи тинган»лигини айтиб, «ёлғиз эдим», деб тан олмоқда. Охирги мисралардаги «оқшом кўнглин овутиб аллаларди шаршарак» сўзлари шоирнинг шу чоқда овунчоғи йўқлигини, унинг танҳолигини таъкидламоқда. «Кўриниш» шеърида ҳам танҳолик бор. Ипак тасмадай узун йўлнинг икки ёни оғочлар, уларда эса тилсиз япроқлар мудраб ётибди:

Баъзан у ёқ-бу ёқдан
Бир қиз кулиши учар,
Титраб бўшлиқда бир он
Сокин кечани қучар.
Япроқлар орасидан
Сўнгра ой мўралайди,
Ҳаёт нашъаси билан
Шунда юрак ўйнайди.

Борлиқдаги сокинлик ва танҳоликни аҳён-аҳёнда жаранглаб турган бир қиз кулгуси титратиб турибди. Тириклик белгиси бўлган шу кулгу — садо сабаб, ой ҳам япроқлар орасидан қизиқсиниб мўралайди, шоир юраги ҳам ҳаёт нашъасига тўлади.

«Кеча сирлари» шеърида ҳам сукунат авж пардада тутиб олинган. Бунда ҳам танҳолик бор. Бироқ мана бу шеърда ишлатилган: «сирлар» «кўчалар», «йўллар», «чироқлар», «кўклар», «юлдузлар», «боқишлар», «нурлар», «шеърлар», «дунёлар» каби сўзларнинг кўпликда келиши беҳуда эмаслигини сезасиз. Гўё шоирнинг туйғулари зарра-зарра бўлиб борлиқ жисмларига таралиб кетгандек. У танҳо эмас, йўқ!

Кеча... Деразамдан қарасам секин,
Ҳар нарса ухлайди, кўчалар жимжит...
Йўлларга қуяди сарғиш ва майин
Нурини чироқлар... ҳар ёқда милт-милт.
Кўкларда юлдузлар ҳадсиз, ҳисобсиз



1946 йили атоқли ўзбек адиби Ойбек «Навоий» романи учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганида «Правда Востока» газетасидан ёш журналист сифатида менга шундай топшириқ беришди:

— Ёзувчининг уйига бориб, мукофот билан табрикланг, суҳбатлашинг ва агар рози бўлса портретини чизиб келинг.

Мен бу масъулиятли ва шарафли вазифани бажонидил бажаришга киришдим. Ёзувчининг ҳовлисига кириб борганимда юксак мукофотни нишонлаш учун тайёргарлик кўришаётган экан, қўлқўлга тегмасди. Аммо зийрак ва меҳрибон инсон — Ойбек ҳар қалай мен билан суҳбатлашишга, суратини ишлашимга фурсат топди.

Портрет тайёр бўлгач, уни маннуният билан кўздан кечириб, тагига имзо қўйиб берди.

Мана, орадан қарийб ўттиз тўрт йил ўтди. Менда сақланаётган ана шу нодир суратга боқарканман, кўз олдимда ҳамон Ойбекнинг барҳаёт сиймоси намоён бўлади.

Лев БЕЛОВ,
СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси

Кулишар... Кўзимда яшнар учқуни,
Олтин боқишлар-ла шу онда ёлғиз
Ечилиб кетади кўнглим тугуни.
Ипак нурларига боғланиб қолиб,
Абадий шеърларга бирдан толаман.
Қўлимга суюкли созимни олиб,
Чексиз дунёларнинг куйин чаламан

Шеърни нур қасидаси десак янглишмасмиз. Чироқлар йўлларга сарғиш ва майин нурини қуяди, кўкдаги юлдузлар кулишади, улар тўккан ипак нурларга боғланиб қолган шоир эса, абадий шеърлар ҳақида ўйга толади, қўлига «суюкли созини олиб, чексиз дунёларнинг куйини чалиш»га тушади! Умуман, танҳолик ва сукунатда кезмоқ мотиви Ойбек шеърларида кўп учрайди. Хаёл кемасида сира чарчамай жимгина тунларни кезишни хуш кўради шоир. «Шоирлар севади шундай ҳаётни!», деб уқтиради сўнгра.

Бир кулса узоқдан хаёллар гули,
Яшнайди шоирнинг шу тентак кўнгли! —

деган эди шоир бир шеърида. Хаёллар эса борлиқ ухлаган чоғларда, коинот сукунатга чўмган дамларда тиниқлашиб, ёз сувларидай шарқираб, баҳор шабадасидай гуркираб келади. Бундай дақиқаларда шоирнинг «тентак кўнгли»дан нималар кечмайди! У қулликларни йиқиб ташлаган Шарқ қизининг йўлига чечаклардан олқиш сепмоқчи! У «кўкламнинг гул бўсасига тўймоқчи!», «Инқилобий бўрон, қасирға билан кирди бу ном асрга!», деб Ленин ҳақида куйлайди! «Она тилини ёзга етказган» улуғ Алишер довруғини достон этади! «Яратилди бир шоҳ асар, гўзал бир достон, ўқи ва сев! Бунинг исми ёш Ўзбекистон!», деб ватандошини бу шоҳ асарни ўқиб, дилга мустаҳкам жо этишга ундайди!.. «Кўк, ой, юлдуз, япроқлар — улфати» бўлган шоир «Шу чексиз коинотни бир ўпгани» мангуликка ёндашиб боришни қўлидаги суюкли созидан тилайди!

III

Дилни бил! Ҳаммадан дил жуда керак!»— шоирнинг ёшликдан ҳаммаҳалласи Раҳим сипургичининг бу гапи Ойбекнинг умр бўйи ёдидан чиқмади. У халқ дилини билишга мудом ошиқди. Халқнинг дилини билиш, ўзича кашф этиш учун тарихга мурожаат қилди. Шеърнинг оҳанглари қисқалик қилдими, кўлами торроқ эдими, ҳар қалай, бу гал шоир қалами прозага қараб бурилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом «Литературная газета» да чиққан бир мақоласини «Ойбек мактаби» деб атаган эди. Шоирнинг шеърияти прозаси учун мактаб бўлди. Поэмаларидаги образлар романларига кўчиб ўтди, энди улар ўзларининг иккинчи умрларини яшамоқдалар. «Ўч» поэмасидаги Холхўжа «Қутлуғ қон»даги Йўлчининг ўзи бўлмаса ҳам, иниси. Лаъли — Гулнор, Кўкнори чол — Ёрмат, Ҳошим — Мирзакаримбой, бир-бирларига ўхшаш образлар, улар бир ялакат мағиздай, бир данак ичига жо бўлади. «Дилбар — давр қизи» поэмасидаги кўлам, эпик нуқталар, турмушнинг ички-чикирларигача илғай олиш хусусиятларидаёқ шоир Ойбекда улкан ёзувчи яшириниб ётганини зоҳир этган эди.

Биз ёшларнинг энг эзгу ўй ва хотираларимизда улкан сўз санъаткорлари билан фахрланиш туйғуси яшайди. Улар халқнинг севикли ва фидокор ўғилларидир. Уларнинг наинки асарларидан, балки юриш-туришидан, ишларидан, ҳар сўзидан буюклик аломатларини қидирамиз. Улар ўзидан кечиб, сиҳат-саломатлигини ўйламай, фароғат қидирмай буюк ишларга жасорат билан бел боғладилар. Алишер Навоийнинг умри ва ижоди жасорат эмасми? Пушкин-чи? Унинг суронларга тўла умри ҳар қандай мақтовлардан юқори турмайдими? Француз адиби Бальзак-чи? Дарвоқе, Бальзак: «Ёзувчига кўп ҳолларда қазноқ билан нондан бошқа нарса керакмас», деб ёзган эди «Ёзувчилар ҳақида» номли мақоласида. Ойбек ҳам таржимаи ҳолида ёзади: «Ўз халқимнинг тақдири ҳақида ўйлаб юриб, менда янгидан-янги темалар туғилди. Болалигимданоқ асарларини севиб ўқиганим ўзбек халқининг улуғ классик шоири Алишер Навоий ҳақида асар ёзишни кўпдан бери орзу қилар эдим. Улуғ инсонпарвар образи Ўрта аср туни қоронғилигини ёритувчи ёруғ машъал каби менинг хаёлимни эгаллаб олди. Мен аввал «Навоий» поэмасини ёздим... Ниҳоят, «Навоий» романини ёзишга тутиндим. Романни уруш йили, қиш фаслида, совуқ хонада, жинчироқнинг титроқ хира шуъласида ёзганман...»

Бугунги куннинг қадрини билмоқ, тўлалигича салобатини англамоқ учун ўтмишни яхши тушуниб етмоқ зарур, деган ҳақ гапни ўзбек совет адабиётида илк бор ўз дилига солган ёзувчи Ойбек эди. Тафаккур жасорати доим тотли мевалар беради. Халқнинг бадиий тарихини яратиш борасида ёзувчи катта жасорат кўрсатди. Биринчидан, роман ёзила бошлаган даврда XV аср ўзбек ҳаётининг турли томонлари илмий тарихда тўла акс этмаган, ўзининг тўғри ва аниқ баҳосини олиб улгурмаган эди. Бу — шу давр ҳақида асар ёзаётган ёзувчи олдига ошиқча вазифалар қўярди. Айтиш керакки, роман XV аср тўғрисидаги тасаввурни тиниқлаштиришда кейин катта аҳамият касб этди, тарихчиларга кўмак берди. Иккинчидан, шундай бир мураккаб даврни, мураккаб даврнинг фарзанди бўлган Алишер Навоий — шоир ва олим, давлат арбоби образини тасвирлар экан, ёзувчининг енгил йўлдан бормаганини айтиш лозим. Кўп романларда жиддий вазифаси бўлмаган, китобхонни қизиқтириб туришгагина хизмат қиладиган сюжетлар — фожиали тугайдиган муҳаббат можаролари, турли-туман саргузаштлар учрайди. «Навоий» романида эса, бош қаҳрамон образи билан боғлиқ бундай можаролар йўқ. Юқорида айтганимиздек, Ойбек ижодидаги эмоционаллик унинг романларида ҳам катта мавқе тутади. Хусусан, «Навоий» романида бу муҳим омил бўлди. Ёзувчининг эмоционаллиги, бутун роман давомида жўшиб турган ҳаяжон романни жипслаштириб туради, яхлит, эсда қоладиган сюжет йўқлиги ҳам билинмайди, уни китобхон қайта-қайта ўқийди, ҳар ўқиганда янги асарни ўқигандек бўлаверади.

«Навоий» романи — ўз халқини севган, халқининг дилини билишга ошиққан фидойи ўғилнинг кўҳна ва навқирон Ватанига чин юракдан айтган шукронасидир. Уни ўқиш — кўзга қувват, уқиш — дилга мадад.

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия «Қуёшли қалам» достонида:

«Ойбек ишлаяпти! — дейди асрлар!» —

деб башорат қилади. Ойбек ишламоқда! У бир лаҳза тинган эмас! Ёзувчининг ҳиммати улуғ Навоийни пўлат болға тутган темирчи Жўра билан, янги жамият қурмоқчи бўлган йўлчилар билан замондош қилди. Ойбекнинг ўз халқига, ҳаётга, дунёга ишқи улкан эди, ҳеч жойга сиғмасди. Ўзи: «Мунча ишқим қайга сиғади? Ҳаммаси ҳам руҳим ичида», деган эди бир шеърида Ёзувчининг руҳи — унинг асарлари. Унинг асарларида поёнсиз бир ишқ-муҳаббат, меҳр гупириб ётибди, бу ҳаётсеварлик ва инсонсеварлик туйғуси, дарҳақиқат, жаҳоний миқёс касб этгандир.

САХИЙ ҚАЛБ

Улуғ Ватан урушидан кейинги йиллар. Ойбек — Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гуманитар фанлар бўлимининг бошлиғи. Депутатлик, редакторлик ишлари. Ҳаётининг қарийб ҳар бир дақиқаси ўлчоғли.

Ойбек ака рафиқаси билан машинада кетаётган экан. Зарифа опа бир пайт қараса — Ойбек ака кўйлагини тескари кийиб олганмиш.

— Ия, ҳали шу аҳволда Союзга бориб, мажлис ўтказдингизми?

Ойбек ака рафиқасининг саволини эшитса ҳам парво қилмайди.

— Қўяверинг, ҳечқиси йўқ.

Сўнг эрталаб шошганини, ишлар тиқилинч, вақт зиқ бўлганини айтади. Ёшлигини, вақти бемалол бўлган кезларини эслайди. Бошланганча, чала қолган «Студентлар» романини хотирлайди.

— Ўша пайтда вақтим кўп эди-ю, лекин роман ёзишга етарли билимим, тажрибам йўқ эди. Энди билим ҳам, тажриба ҳам бор. Кетма-кет роман ҳам, достон ҳам ёзишим мумкин. Лекин вақт йўқ...

* * *

Қирқинчи йилларнинг охири. Ойбек ака рафиқаси Зарифа опа билан Москвага бориб, марказий меҳмонхоналардан бирига тушган, уч-тўрт кундан кейин эса, ёзувчиларнинг Подмосковьедаги Ижод уйига бориб ишлашни мўлжаллаган эди. Адиб меҳмонхонада ўтирар экан, ўша йилларда анча танилган бир таржимон уни йўқлаб келиб қолади. Ҳол-аҳвол сўрашгач, таржимон муддаога кўчиб, Ойбек акадан қарз сўрайди. Домла рафиқасига мурожаат этиб: «Ортиқча пулингиз бўлса, бериб юбора қолинг», деб илтимос қилади. Зарифа опа меҳмоннинг ҳожатини чиқаргач, таржимон тез орада қарзини узажагини айтиб, сахий мезбонлар билан хайрлашади.

Меҳмон хонадан чиқиши билан Ойбек ака қаҳ-қаҳ отиб кулади.

— Ҳа, нима бўлди? Нега куляпсиз?— деб қизиқсинади Зарифа опа.

— Бермайди!..

— Ким? Нимани?

— Ҳалиги... қарзини...— деганча ҳамон қаҳ-қаҳ отади Ойбек ака.

— Ундай бўлса, нега қарз бердингиз?

— Мени кўп алдаган, сизни ҳам бир алдасин, дедим.

Ойбек қаҳқаҳаси узоқ давом этади.

* * *

1966 йилнинг кузи. Зилзиладан шикастланган шаҳар қайта тикланмоқда. Ким янги, кўп қаватли уйга кўчиш, ким участка қуриб битказиш тараддудида.

Ер олиб, уй қура бошлаган шаҳарликлардан бири янги уйнинг деворларини кўтариб қўйган-у, устини ёпишга қўли калталик қилган. Ҳадемай ёғингарчилик бошланиши кутилгани сабабли у томни ёпиб олиш чораларини қидиради. Лекин... ўзингда йўқ — оламда йўқ! Таниш-билишларнинг бошида ҳам шу савдо. Қор-ёмғир бошланса, болаларнинг ҳоли не кечади?

Ҳалиги киши ўйлаб ўйига етолмай, қариндош-уруғлари эшигини қоқиб юра-юра, Ишчилар шаҳарчасидаги Ойбек ака ҳовлисининг ёнидан чиқади. Сўнг минг хил хаёл билан ҳовлига киради. Адиб ёлғиз ўзи ишлаб ўтирган экан. Меҳмон салом-аликдан кейин дардини айтади.

Ойбек ака нотаниш кишининг гапларини эшитиб, «Манави уйга киринг. Фалон томонда жавон бор. Жавоннинг фалон тавақасини очсангиз, пул турибди. Олиб чиқинг», дейди.

Меҳмон пулни олиб чиққач, Ойбек ака санаб ҳам ўтирмай, уни меҳмоннинг қўлига тутқазади.

Ўша одам тез орада уйнинг устини ёпиб, болалари билан янги уйга кўчиб киради. Сўнг керакли миқдордаги сармояни жамғариб, роса бир йил деганда яна Ойбек аканинг ҳузурига келади.

— Раҳмат, Ойбек ака. Менга ҳам, фарзандларимга ҳам оталик қилдингиз. Яхшилигингизни асло унутмаймиз. Асло кам бўлманг, барака топинг,— дейди у.

— Йўқ, йўқ,— дейди Ойбек ака ранжиб.— Олмайман. Бу пулни мен сизга чин кўнглимдан берганман. Уйингизга жиҳоз, жиянларга кийим-бош олинг.

Бир йилдан сўнг, устод Ойбек оламдан ўтгач, ўша хонадонга ҳам чуқур мотам чўкади.

Наим КАРИМОВ

Муҳаммад СОЛИҲ

ХЕМИНГУЭЙ БИЛАН СУҲБАТ

Америкалик ёзувчи Синклер Льюис 1930 йили Нобель мукофотига сазовор бўлганида Швеция академияси минбаридан ўз халқи адабиётининг келажаги ҳақида умид билан сўзлаган, ёш ёзувчилар қаторида Эрнест Миллер Хемингуэй номини ҳам фахр билан тилга олган эди.

Ўша пайтда Хемингуэй ўттиз бир ёшда бўлиб, атиги илк ҳикоялар тўплами ва «Қуёш чиқар...» романини нашр эттирган, Канада газетасининг мухбири сифатида Европа бўйлаб кўп сафар қилган, сиёсий воқеаларни теран таҳлил эта оладиган киши, Италия фронтининг ёш ветерани, 1922 йилги Туркия — Греция урушининг гувоҳи ҳам эди. «Қуёш чиқар...» романи ҳақида ноширга ёзган хатида биз ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган одамни кўрамиз: «Мен шу заминни севаман, унинг мафтуниман, аммо ўз авлодимни ҳам, унинг ҳою ҳавасларини ҳам бир чақага олмайман... Бу китоб қуруқ ва аччиқ сатира бўлиб қолмаслиги керак, у шундай бир фожиа бўлсинки, токи асар ниҳоясида Замин мангу қаҳрамонга айлансин».

Роман урушнинг тирик қурбонлари — фронтдан қайтиб, ҳаётини ичкилик, айш-ишратга сарф қилишга маҳкум одамлар —«маҳв бўлган авлод» вакиллари ҳақида. Улар ажойиб одамлар эди. Уларни уруш маҳв этди. Тасаввурга муҳрланган даҳшатли манзараларни улар шароб билан ювмоқчи, ишрат билан сидириб ташламоқчи бўлдилар. Лекин ёзувчи бу уринишларнинг беҳудалигини, урушни унга қарши фаол курашиш билангина енгиш кераклигини таъкидлайди.

Уруш мавзуи Хемингуэй ижодининг барча босқичларида муҳим ўрин тутади. Унинг 1929 йилда нашр этилган «Алвидо, қурол!», испан республикачиларига бағишланган «Бонг кимни йўқлайди», вафотидан кейин эълон қилинган «Океандаги оролар» китобида ҳам уруш мавзуи қаламга олинган.

Ўз умри давомида у кўп урушларни кўрди ва ана шу ҳаётни тасвирлади.

Бир вақтлар Хемингуэй ўзи ҳақида ёзилган китобдан норози бўлиб, унинг муаллифи — ёш адабиётшунос Филип Янг ва асарни қабул қилган нашриётни судга бермоқчи бўлган, улардан «шахсий ҳаётига аралашмаслик»ни талаб этган эди. Лекин муаллифнинг тинимсиз илтимослари тинкасига теккани учун талабидан воз кечди.

Ваҳоланки, «шахсий ҳаётига аралашмаслик»ни ёзувчи фақат ўзгалардан талаб қиларди. Ўзидан эмас. Ўз ҳаётига эса унинг ўзидан кўра кўпроқ аралашган, тафтиш қилган, тинимсиз тафтиш қилган бошқа бирор кимса бўлмади.

У дунё ишларига ўз ҳаёти орқали аралашди, дунёни ўзига хос буюк бир инсоний муҳаббат билан севди. У олтмиш икки йил умрини «кун-бакун тўқиди», бу ажойиб кашта ниҳоясига етмай, воқеаларнинг дафъатан-лиги ва тақдирнинг фавқулодда маккорлиги туфайли узилиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

Ҳақиқий ёзувчининг ўнг-сўлга қараб, эҳтиёт билан қадам босишга фурсати бўлмайди. У ўз вазифасини адо этадию дунёдан ўтади. Агар сиз оддий истеъдод эгаси бўлсангиз, узоқроқ яшашингиз керак, негаки тузукроқ бирор нарса ёзиш учун вақт даркор. Қобилиятсиз ёзувчилар эса абадий яшамаса бўлмайди...

Бу киноялы сўзлар 1918 йили Италия-Австрия фронти қирғинларидан омон чиққан, 1937 йилги Мадрид жангларидан кейин, 1954 йили юз берган ҳаво ҳалокатида ҳам тирик қолган ва 1961 йил июль ойининг сокин тонгларидан бирида ўзини отиб қўйган ёзувчининг фикрларидир.

Хемингуэйнинг ҳаёти унинг романларида акс этгани ҳақида жуда кўп гапирадилар. Ёзувчини шахсан билганлар у ҳақда ўнлаб эсдалик китоблар нашр эттирдилар, билмаганлар эса ундан ҳам кўп ёздилар. Хемингуэй ҳикояларини ўқиган китобхон унинг янги романини ахтарадиган бўлди, ўқимаганлар ёзувчининг Африками ёки бирор оролда тушган суратини уйларига осиб қўйишга одатландилар.

Хемингуэй — машҳур. Хемингуэй — идеал.

Бу — китобхонлар орасидагина эмас, ёзувчилар муҳитида ҳам такрорланди.

Намунага ўч ёшлар «Алвидо, қурол!» ва «Килиманжаро қорлари»нинг ҳар бир сатрини ютоқиб ўқидилар, янги наср нафасини сезиб, ўзлари билган ва билмаган ҳолда тақлид қила бошладилар. Лекин Хемингуэйга ўхшашдан кўра, ўхшашга интилиш ҳисси кучли бўлганиданми, уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетди, аксарияти эса ўз вақтида бундан воз кечиб тўғри қилди.

«Хемингуэй тирик бўлганида тақлидчиларига мана бундай маслаҳат берар эди», деб фол очиб ўтирмайлик. Чунки у маслаҳат беришни ёмон кўрарди.

Ниҳоят, Хемингуэй мухлислари ва тақлидчилари ўртасидаги шов-шувлар анча босилгандек бўлди. Энди ашаддий китобхон ҳам ўзи бир пайтлар сиғинган бу ёзувчининг «янги» асарини ўқиб, дўстиникига суюнчилаб бормайди. Ҳамон китоб ўқишга вақт тополмай юрган, улуғ шахслар портретининг мухлиси, ўз навбатида, бошқа бир ёзувчининг суратини топиб олади. Чунончи, колумбиялик адиб Габриэль Гарсиа Маркеснинг журналистлар билан тушган суратини.

Бу ҳол машҳур француз шоири Аполлинернинг маъюс бир шеърини эсга солади:

Қирғоқда
Сокин чайқалади бўм-бўш қайиқлар.
Энди
На бозор кунлари, на душанбада
На бирорта рассом
Ва на Мопассан
Кўкракдор, бефаҳм хонимчаларни
Айлантириб юрар бу қайиқларда.
О, бўм-бўш қайиқлар,
Юрагим орзиқиб кетади менинг
Сокин чайқалсангиз агар
Қирғоқда.

Бизнинг ҳам юрагимиз орзиқади, Эрнест! Лекин ҳувиллаб қолган қайиқларни кўриб эмас, китобхонларингиз камайиб қолгани учун, Сизга ачинганимиздан ҳам эмас — кўз олдимизда ажойиб ёзувчининг Янги тақдири қайта туғилаётганидан. Номига «кўз югуртиришлар», номига ўқишлар тугаб, чинакам Мутолаа бошланаётганидан.

Бу урушнинг дастлабки ва кейинги кунларига ўхшамайдими? Бир неча ҳужум ва мудофаалардан сўнг жангчиларнинг сараси саракка, пучаги пучакка ажралади. Сизнинг таъбирингиз билан айтсак, «ботирлар ботирлигича қолади, романтиклар ҳушёр тортади, қўрқоқлар эса, ярадорлар билан уйга қайтадилар».

Бундан бир неча йил илгари ажойиб таржимонимиз Иброҳим Ғафуров Эрнест Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол!» романини ўзбекчага ўгириб эзгу иш қилди.


Мен бир ўзбек китобхони сифатида роман қаҳрамонларини севиб қолдим. Бу тушуниб олиш маҳол бўлган одамларни тушунишдан кўра ҳузурбахш машғулот йўқдек туюлди менга.

«Алвидо, қурол!» сингари асарлар, ақалли, ўз отангизни таниб олишга ёрдам беради. Ахир, оталаримизнинг жуда кўпчилиги урушда қатнашган-ку...

— Мен ёшлигимда театрни жуда севардим, аммо урушдан қайтганимдан сўнг узоқ вақт саҳнани кўришга юрагим бетламади,— деб қолди ўша «маҳв бўлган авлод» вакилларидан бири.

У ёғини айтмади.

Мен ҳам, бу суҳбатга муносиб тингловчи бўлиш истагиданми, сабабини суриштирмадим.



Э. Хемингуэй денгизда.

Суҳбатдошинг, ақалли, уруш иштирокчиси ёки испан республикачиларининг мададкори — интербригада аъзоси бўлса, сен унга ортиқча савол бериб ўтирмайсан.

Сўзларини охирига етказмай, кутилмаганда тўхтаб қолади. Узилган жумлани сўз билан эмас — мулойим, ҳомий табассум билан хотималайди. Бу одамлар ўзларининг камгапликларидан уялгандек, бу қусур учун узр сўрагандек, сенга шу қадар меҳрибон, вазмин тикиладиларки, дош беролмай, ерга қарайсан.

«Сўрама,— дейди улар гўё,— суриштирма. Бари бир тушунмайсан. Тушунганингда ҳам айтмасдим. Ҳеч қачон. Фақат шу ҳаётни қадрлай олсанг, бас. Бунинг учун урушга бориб, ўн марта ярадор бўлиш шарт эмас. Бунинг учун инсонга меҳр бўлса, бас. Тасаввуримда эса жаҳондаги кучлар аллақачон иккига бўлинган. Бу — уруш ва тинчлик. Қолганлари — шунинг атрофидаги мулоҳазалар...

Сени тушунаман. Албатта, фронтда олинган суратларга қараш завқли. Аммо белидаги камар тўқасини ялтиратиб, автоматни бўйнига осганча, объективга боқиш учун, боққанда ҳам тик боқиш учун бу ёш аскар жуда кўп қуролдош дўстларидан жудо бўлган, ўзи эса ажалга минг бор чап берган.

Ажал таҳдид солиб турганда олинган суратда акс этган ҳаёт икки бор гўзалроқ кўринади.

Шу сабабдан ҳам бундай суратларга қараш завқли.

Лекин оналаримизга сурат эмас, ўзимиз керакмиз. Ҳайкал эмас, мангу оловлар ҳам эмас, тириклигимиз ардоқли.

Бу орден, медаллар қайси хизматлар учун берилганини сўрамоқчисан, шекилли? Яхшиси, сўрама. Жангчига қайси хизмати учун орден берадилар? Қаҳрамонга қандай жасорати учун ҳайкал қўядилар? Ўлгани учунми? Ўлдиргани учунми? Билиб қўй, ҳеч ким, ҳеч қачон «Фалонча одамни йўқ қилдим», деб мақтанолмайди.

Бурч — бошқа гап.

Бурч — бизнинг кичик бебахтлигимиздан улуғроқдир.

Биз урушга қаҳрамон бўлиш учун борган эмасмиз.

Биз душманни яксон қилишимиз кераклигини, ўзимиз ҳалок бўлишимиз мумкинлигини билардик...

Балки уруш дегани баъзиларга ғоя шаклида кўринар. Уруш — биологик ҳодиса, деб жар солаётганлар озми? Лекин одам — қуруқ ғоя эмас.

Фронт саҳна эмас, унда ёғоч пичоқлар бўлмайди...»

Мен бу маънони китобдан эмас, қаршимда ўтирган камгап одам табассумидан, нигоҳидан уқдим. Хемингуэй қаҳрамонларининг айтмаган сўзлари менга ана шундай эшитилади.

Қирқ бешинчи йил Эльбада учрашган ўзбек ва америкалик жангчининг бир-биридан ҳеч фарқи йўқ. Улар бир-бирига эгизакдек ўхшаш, улардан бири Шарқдан, иккинчиси Ғарбдан шу дарё бўйигача оғир, узоқ йўлни босиб ўтди. Бу масофа уларнинг қиёфасига шиддатвор сайқал берди.

Мабодо, улар бугун учрашгудек бўлсалар, бир-бирларини сўзсиз, имо-ишорасиз тушунардилар, бир-бирларига меҳр билан, аммо ғоят вазмин тикилардилар...

«Алвидо, қурол!»

Бу китобни ўқиётиб, нимадир халал бераётганини сезасан. Уни бемалол ўқиш қийин. Ундан олган лаззатга ҳам қандайдир аччиқ, одамни маст қилувчи бир гиёҳ хуруж бўлгандек... Ўқиётиб, руҳингда тонг шафағи янглиғ сирли ранглар пайдо бўлаётганини сезасан...

Шунга қарамай, мутолаа давомида ўша «нимадир» сенга халал бериб тураверади. Буни, дастлаб, романнинг услубига йўясан, яна бир неча варақни шу тариқа паришонликда ўқийсан, кейин — фавқулодда сатрлар замирида яшириниб, сени кузатаётган Вазмин нигоҳга дуч келасан. Шундан сўнг китобни ўқиб тугаллагунча ўша таъқибдан қочиб қутулолмайсан.

Ҳатто турмуш ишкир-чикирларига ўралашиб қолган пайтларингда ҳам бу нигоҳ сени холи қўймайди, ишга шўнғиб кетиб, унутганингда ҳам шуурингда милтиллаб тураверади.

Энди қутулдим, деб юрганингда бир куни кўчадами, трамвайдами, яна унга дуч келасан.

Бу нигоҳ эгалари кўкракларига нишон тақиб юрмайдилар.

Уларни қарашларидан танийсан. Бу қараш қанчалик вазмин бўлмасин, бу меҳр қанчалик шафқатсиз бўлмасин, унга дош бериш керак.

Улар қурол билан аллақачон видолашган бўлсалар-да, милтиқ қайиши ҳамон елкаларини ачиштириб туради.

1937 йили Америка ёзувчиларининг Иккинчи конгрессида Эрнест Хемингуэй минбардан шундай деган эди:

«...Мен яхши ва ҳаққоний асарлар ёзиш нақадар қийинлигини, мабодо, улар ёзилгудек бўлса, авторни, шубҳасиз, шунга лойиқ мукофот кутиб турганини айтган эдим. Лекин уруш даврида — биз уруш даврида яшамоқдамиз — истасак-истамасак, мукофотлар муддати сал чўзилади... Уруш ҳақида бор гапни ёзиш қалтис... Ҳақиқат излаб Испанияга жўнаган бирорта ҳам америкалик ёзувчини билмайман. Бироқ Линкольн номидаги батальон жангчиларининг кўпини биламан. Аммо улар ёзувчи эмас. Улар мактуб ёзадилар, холос...

Испанияга жуда кўп инглиз, жуда кўп немис ва голланд ёзувчилари бордилар. Одам ҳақиқат излаб фронтга бораркан, ҳақиқат ўрнига ўлимга дуч келиш эҳтимоли бор. Лекин фронтга ўн киши кетиб, иккитаси омон қайтса, улар олиб келган ҳақиқат — биз тарих деб юрган сохта нарсалардан йироқ — чинакам ҳақиқат бўлади. Бунақа ҳақиқатни излаб, ҳаётни хавф остида қолдириш лозиммикан — бу ёзувчиларнинг ўзига ҳавола».

Бу нутқ фашизм авжига чиққан замонда, Испанияда — Франко, Германияда — Гитлер, Италияда — Муссолини каби иблисларнинг ғайри инсоний ғоялари вабодек тарқалаётган пайтда янгради.

Бу нутқ жабрдийда заминимиз ўз бахтини, ўз омадини яна бир карра чиғириқдан ўтказаётган пайтда, ўша замин истиқболи учун муқаррар ўлимга кетаётиб, «Мен қайтаман, кут!», дея хотинига жилмайган камтарин, жасур одамлар ҳарбий эшелонга чиқаётган ғулғулали кунларда янгради.

Бу нутқ баъзи ёзувчилар «Илҳом парисига дубулға ярашмайди», деб қўрқоқ қалбларига таскин бераётган пайтда, баъзилари ўзини «халқ отаси» эълон қилиб, шеърият мажлисларида «шон-шуҳрат минбари»дан сўзлаётганда, эллик ёки олтмиш ёшларини бехатар бурчакларда нишонлаётган бир пайтда янгради.

Бу нутқ ҳозир ҳам янграмоқда.

ДЎСТЛИК МАСОФА БИЛМАС



Болгария Халқ Республикаси билан Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ўртасидаги дўстона муносабатлар илдизи олис тарих қатламларига бориб туташади, аммо том маънодаги қардошлик алоқалари бизнинг замонамиздагина чинакам камол топди. Айниқса, бир неча йиллардан буён ўзаро социалистик мусобақалашаётган Тошкент области ва Хасково округи, Андижон области ва Ямбол округи меҳнаткашлари ўртасидаги иқтисодий-маданий ҳамкорлик диққатга сазовор. Ўзбекистондаги йирик саноат объектлари қурилишида болгар дўстларимиз зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўз навбатида республикамизнинг интернационал бурчга содиқ қишлоқ хўжалиги ва саноатининг илғор мутахассислари Болгария халқ хўжалиги турли тармоқларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Халқларимиз ҳамкорлиги, хусусан, фан ва маданият, адабиёт ва санъат соҳаларида йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг болгар диёрига бағишланган ажойиб шеърлари, Жуманиёз Жабборовнинг сафар таассуротлари акс этган туркум очерклари, Ўлмас Умарбековнинг қисса ва ҳикоялари адабиётларимиз ўртасидаги алоқалар ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Болгар адиблари ҳам қадимий ўзбек юрти, унинг кўҳна ва навқирон маданияти, мўъжизакор санъати, заҳматкаш пахтакорларининг улуғвор меҳнатидан ҳайратланиб, ўз ҳаяжон ва таассуротларини самимият билан ифодалашга интилмоқдалар.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ва Болгария Дмитровчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетлари ҳамкорлигида рус ва болгар тилларида, йилига олти марта чиқариладиган «Дружба» («Дўстлик») адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий безакли журналининг 1979 йил, 5-сони болгар ва ўзбек халқлари дўстлигига бағишлангани диққатга сазовор адабий ҳодисадир.

Журнал Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг «Болгария» шеъри билан очилади. Бу ажойиб асарда қадимий ва гўзал болгар ўлкасига қизғин муҳаббат тараннум этилади. ЎзКП Тошкент область комитетининг секретари, Совет-болгар дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг раиси А. Хўжаевнинг «Республика одим отмоқда» сарлавҳали мақоласида Ўзбекистон меҳнаткашлари эришаётган улкан зафарлар ҳикоя қилиб берилган.

Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти Малик Қаюмовнинг журнал мухбири билан қилган суҳбатида ўзбек киносанъаткорларининг сермазмун ижоди ҳақида сўз боради. Филология фанлари доктори Лазиз Қаюмовнинг «Мавзуга садоқат» адабий-биографик мақоласи атоқли адиб Шароф Рашидовнинг ижод йўлига бағишланган. Журналист Н. Кондакованинг қўқонлик истеъдодли кулол Шарафиддин Юсупов ҳақидаги очеркида ўзбек йигитининг отамерос касбга муҳаббати ва қадимий санъатни ривожлантириш учун олиб бораётган изланишлари бадиий акс эттирилган.

Журналда ўзбекистонлик шоир ва ёзувчилар ижодига кенг ўрин берилган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари — Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Омон Матжон, Улмамбет Хўжаназаров, истеъдодли ёш шоирлар — Собит Мадалиев, Абдулла Шер, Сулаймон Раҳмон, Садриддин Салимовнинг ижодларидан намуналар берилган. Журналхонлар ўзбек насрининг умидли вакиллари Эркин Аъзамовнинг «Кўк эшик» ва Исфандиёрнинг «Съёмкада» каби ҳикояларини ҳам қизиқиш билан ўқийдилар.

Ўзбек тасвирий санъатининг турли жанрларида ижод этаётган Жавлон Умарбеков, Саъдулла Абдуллаев, Марат Содиқов, Баҳодир Жалолов, Эркин Охунов, Мақсуд Тўхтаев каби ёш рассомлар асарларидан берилган намуналар ҳам журнал саҳифаларининг бадиий савиясини оширишга хизмат қилган.

Журналда ўзбекистонлик адиблар билан бирга ёш болгар ижодкорларининг асарлари ҳам босилган. Х. Калчевнинг «Почта қутиси», «Огоҳлантириш» ҳикоялари, В. Петкова, П. Андасаров, В. Власов, А. Руденко каби шоирларнинг шеърлари мавзу доирасининг кенглиги, юксак бадиий қуввати билан эътиборни тортади. Таниқли адиб Йордан Милевнинг Ўрта Осиё бўйлаб қилган сафар таассуротлари ихчам шаклда ифодаланган «Ҳақиқат лаҳзалари» деган бадиий лавҳалари қизиқиш билан ўқилади. Журналист И. Нежиннинг «Яйдоқ чўлнинг оппоқ кузи» очеркида Жиззах областидаги «Ўзбекистон» совхозининг директори, СССР Олий Советининг депутати Инобат Охунованинг пахтакорлик фаолияти, меҳнатдан бахт топган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Бир туркум материаллар эса Хасково — Тошкент, Ямбол — Андижон областлари меҳнаткашларининг қардошлик алоқаларига бағишланган.

Журналда босилган ранг-баранг суратларда республикамиз ҳаётининг турли соҳалари, бахтиёр болалик ва ёшлик манзаралари, бағри кенг, заҳматкаш халқимиз турмушининг ўзига хос лавҳалари ифодаланган.

«Дружба» журнали редакциясининг бу хайрли ташаббуси халқларимиз ўртасидаги интернационал дўстлик муносабатлари ривожига қўшилган муҳим ҳиссадир.

Рустам ҒАНИЕВ

Нодир саҳифаларни варақлаганда

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,
Беруний мукофоти лауреати

ЭТЮДЛАР

Шифобахш табассум

Шарқ классик шоирлари ёрнинг қадду қоматини, ҳусну жамолини нималарга ўхшатмаганлар! Бироқ вақт ўтиши билан маҳбубанинг юзини қуёшга, ойга, киприкларини ханжарга, қоматини сарвга нисбат бериш сийқалашган. Ана шундан кейин иқтидорли шоирлар янги ташбеҳлар кашф этишга уринганлар. Улар назаридан диний китоблар ҳам четда қолмаган. Бадиий адабиётда ҳатто ёрнинг юзини мусҳаф — қуръонга ўхшатиш ҳам учрайди. Лутфий маъшуқанинг ёқимли табассумини Абу Али ибн Синонинг «Ал-қонун» ва «Аш-шифо» китобларига қиёслайди:

Дардимға қилур чора табассум била лаълинг;
Исо қани ўрганса бу «Қонун»у «Шифо»ни!

Бу ўринда, ёр табассуми ҳам «Қонун» ва «Шифо» асарларидек шифобахш деб таъкидланади. Диний ақидага кўра, нафаси жон бахш этувчи Масиҳо — Исонинг мана шу «шифо воситаси»ни ўрганишини орзу қилади.

Аҳмоққа жавоб

Бутун ўрта асрлар мобайнида ва ундан кейинги даврларда ҳам зулму жаҳолатни қоралаш, унга қарши кураш илғор фикрли шоирларнинг бош вазифаси бўлган.

Мавлоно Лутфий XV аср Хуросон шароитида нодон шайх ва зоҳидлар билан кўп тўқнаш келган, охир-оқибатда уларнинг жоҳиллигига тўла иқрор бўлиб, шундай деган:

Ишқдин манъ этса зоҳид, бўлмағил машғул ҳеч,—
Ким эрур аҳмоқ жавоби, Лутфий, хомуш айламак.

Улуғ рус шоири А. С. Пушкин ҳам машҳур «Ҳайкал» шеърида ўз давридаги жоҳил амалдорларни ана шундай фош этган эди:

Тангри ҳукмидан чиқма, эй илҳомим париси,
Ранжида хотир бўлма, тожу гулчамбардан кеч,
Лоқайд қабул эта бер мадҳу туҳмат барисин,
Аҳмоқ билан эса ўчакишма ҳеч.

«Омма ғавғоси»

Отойи бир ғазалининг мақтаъида ёзади:

Отойи, хослик даъво қилурсен. Яхшилар сиррин —
Кўнгулда сақлаким: асру ёмондур ом ғавғоси!

Улкан ижтимоий маъно ифодаланган бу байтдаги «ом ғавғоси» ибораси «халқ қўзғолони», «омманинг бош кўтариши» маъносини билдиради. Маълумки, Отойи яшаб ижод этган даврда темурий ҳукмдорларнинг, феодал амалдорларнинг зулмига қарши бир неча бор халқ қўзғолонлари бўлиб ўтган. Улардан энг йириклари — Шоҳрух даврида сарбадорларнинг қайтадан бош кўтариб темурийларга қарши чиқиши, XV аср ўрталарида Шустара, Жазоир томонлардаги Мушъоший қўзғолонлари ҳамда 1469 йили Ҳиротда Навоий тинчитган халқ ғалаёнидир. Отойи бундай ҳаракатлардан яхши хабардор бўлган, халқ кучига ишонган. Шу сабабдан у юқорида эсланган ғазалида ўзига мурожаат қилиб: сен амалдорларга яқинлашмоқчисан, бу билан уларнинг халқ оммасига кўрсатаётган зулмларига ҳам шерик бўласан-ку! Тушунган одамлар эса биладиларки, омманинг золимларга қарши исёни беомон; улар сени ҳам аямайдилар! Камбағалчиликда бўлса ҳам тинчгина, бир чеккада шеърингни ёзиб юравер, деган фикрни айтади.

«Жоми жам» нима?

Одатда, «Жоми Жам» ёки «Жоми Жамшид» ибораси Шарқ лирикасида кўпроқ қадаҳ маъносида келади. Улуғ Алишер Навоий эса «Фарҳод ва Ширин» достонида унга буюк бир ижтимоий маъно юклаган.

Фарҳод Юнон мамлакатида бир неча аскари билан Суқрот ҳаким ётган ғорни қидириб кетаркан, тоғ оралиғида адашиб қолади. Шунда йўлни аниқлаб олиш учун у жоми Жамни келтиришни буюради. Жомни муҳайё қиладилар. Унда бутун дунёнинг акси жилва қилади. Фарҳод етти иқлимда жойлашган мамлакатларни бир-биридан фарқлаб («Жудо қилди яко-як етти иқлим»), замонавий фан тили билан айтганда, координатларини аниқлаб, ундан Фарҳод Юнон ўлкасини топади. Ўлкадаги ўзлари турган тоғни кўриб, ундаги ғорларни бирма-бир кўздан ўтказиб чиқади, Суқрот ҳаким оромгоҳи қаердалигини аниқлайди. Шундан сўнг Фарҳод ва ҳамроҳлари жомни машъал қилиб, қоронғи кечани кундуздек ёритиб, ўша томон йўл оладилар ҳамда Суқрот ҳакимни топадилар. Мана, ўша воқеа тасвирланган парчанинг бир қисми:

Анга қилғоч назар, истаб кушойиш,
Жаҳон тимсолиға топти намойиш.
Қаён боққач, қилиб равшан назарлиқ,
Бир иқлим этти зоҳир жилвагарлиқ.
Бурун офоқ мулкин қилди тақлим,
Жудо қилди якко-як етти иқлим.
Мамолик жилвасидин кўзни ёпти,
Ки Юнон мулкин ул жом ичра топти.

Демак, бунда «Жоми Жамшид»— ер юзининг табиий глобус-харитасидир. Унинг ихтиро этилиши Эроннинг афсонавий подшоси Жамшидга нисбат берилади. X—XII асрларда Ўрта Осиёда Беруний глобус яратганини, Маҳмуд Кошғарий ўз асарида дунё харитасини келтирганини эсласак, Навоийнинг жоми Жам ҳақидаги фантастик тасаввури асло тасодифий эмас!

Бир ғазал изидан...

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида қундузлик мавлоно Қабулий деган шоир ҳақида маълумот бериб, унинг Хуросонга илм олиш учун келгани, лекин табиатида ғалати бир паришонлик, лавандлик борлиги туфайли орзу-истаклари яхши амалга ошмаганини айтади: «Мавлоно Қабулий Қундуздан Хуросонға келганда боиси таҳсилни зоҳир қилди. Чун думоғида бирор нима паришонлиғ бор ва таврида лавандлиғ, ул муддаоси яхши муяссар бўлмас».

Шундан кейин Навоий Қабулий ижодидан намуна сифатида унинг мазкур хусусиятларини, айниқса, паришонлигини ёрқин акс эттирган бир ғазалнинг матлаъини мисол тариқасида келтирадики, бу байтда юмор ҳам йўқ эмас:

«Бу матлаъ анингдур, ўз ҳасби ҳоли воқе бўлубтур ҳам деса бўлурким:

Хона, эй оқил, чӣ кор ояд мани девонаро,
Чун намедонам мани девона роҳи хонаро.

Байтнинг мазмуни: «Эй ақлли одам, мен девонага уйнинг нима кераги бор, чунки мен — девона у уйга қайси йўлдан боришни ҳам билмайман».

Мана шу матлаъни қайта-қайта ўқиб, қани энди шу ғазал топилса, дердим. Йиллар ўтиши билан, орзуим ушалди. Ленинободлик ҳамкасбим, филология фанлари доктори Эргашали Шодиев Навоий даврида яшаган машҳур адабиётшунос олим Фахрий Ҳиротий томонидан ёзилган «Радойиф ул-ашъор» («Шеърларнинг радифлари») деган тазкиранинг мукаммал қўлёзма нусхасини топди. (Дарҳақиқат, «Мажолис ун-нафоис»нинг форс тилига биринчи таржимасини ҳам Фахрий Ҳиротий амалга оширган.) «Радойиф ул-ашъор»дан маълум бўлишича, ғазал беш байтдан иборат экан. Кейинги байтлар матлаъни мазмунан янада тўлдиради. Мана, ғазалнинг тўлиқ нусхаси:

Хона, эй оқил, чи кор ояд мани девонаро,
Чун намедонам мани девона роҳи хонаро.
Нест бахтам, чунки роҳ ёбам ба қасри зарнигор,
Муғтанам бояд шумурдан гўшаи майхонаро.
Хоҳ чонон дар ғами ман, хоҳ мустағни зи ман,
Шодийи чонон ҳазин донам ғами чононаро.
Шамъе агар дар хилвати хос, агар дар базми ғайр
Чораи навбад ба ғайр аз сўхтан парвонаро.
Чойи он дорад Қабули к-аз чаҳон беҳуд равам,
Гар фитад бар ман нигоҳ он наргиси мастонаро.

Мазмуни: «Эй ақлли одам, мен девонага уйнинг нима кераги бор, чунки мен — девона у уйга қайси йўлдан боришни ҳам билмайман. Мен ўзимни олтин қасрга кирганда ҳам бахтли деб билмайман; нечунки, майхона бурчагини ғанимат билганим афзалроқ. Хоҳ жонон менинг тўғримда қайғурсин, хоҳ қайғурмасин, жононнинг шодлигини ҳам унинг менга ачиниши деб тушунаман. Шам хоҳ хосларнинг хилватида бўлсин, хоҳ бошқа жойда, унинг иши барибир парвонани куйдиришдан бошқа нарса эмас. Иш шу даражага етдики, мен — Қабулий, агар юзимга ул мастона наргиснинг нигоҳи тушаркан, бу дунёдан бехуд кетганим бўлсин».

Абулғози — фольклоршунос

Хева хонларидан Абулғози Баҳодирхон (XVII аср) ўз даврининг фозил кишиси эди. Унинг тарих фани соҳасидаги билимларини кўрсатувчи «Шажараи тарокима» ҳамда «Шажараи турк» асарлари ғоят қимматли факт ва материалларга бой. Ўз асарларида тарихни ҳоким синф нуқтаи назаридан ёритган бўлса-да, унинг туркий халқлар тарихига, Хоразм тарихига оид маълумотлари муҳим аҳамиятга моликдир. Бу икки асар ўзбек тили ва адабиёти масалаларини ўрганиш, тадқиқ этишда ҳам бой манба ҳисобланади. Халқ оғзаки ижоди билан яхши таниш бўлган муаллиф мазкур асарларида бир қанча афсона ва ривоятларни келтиради.

«Шажараи тарокима»ни ўқирканман, бундаги Солур Қазон исмли алпни мадҳ этган Қўрқут ота термалари диққатимни тортди. Гап шундаки, ўтмишда туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи фольклорини махсус ёзиб олишга жуда кам эътибор берилган. Фақат Маҳмуд Кошғарийгина бу иш билан изчил шуғулланган. Абулғози Баҳодирхон ҳам қуйидаги каби тўртликларни халқдан қандай эшитган бўлса, худди шундай қоғозга кўчирган. Жумладан, «Шажараи тарокима»да ўқиймиз:

«Қўрқут отанинг Солур Қазон Олпни мақтаб айтган тортими бу турур:

Қозғурт тоғдин ўнгир тошни юғорлотди.
Солур Қазон ўтру бориб қарбоб тутди.
Ит бажана кўруб они, эси кетди.
Олплар, беклар, кўран борму Қазон киби?

Бир қозонға қирқ бир отнинг этин солди;
Ул қозонни сўл илики бирлан олди.
Соғ илики бирлан элга улоштурди.
Олплар, беклар, кўран борму Қазон киби?
Кўк осмондин иниб келди тинли йилон,
Ҳар одамни ютор эрди кўрган замон.
Солур Қазон бошин кесди бермай омон,
Олплар, беклар, кўран борму Қазон киби?..

Унутилмас сиймолар

Наби РАҲИМОВ,
СССР халқ артисти

ИНСОНИЙЛИК САНЪАТИ

Ўзбекистон халқ артисти Шариф Қаюмов ўзбек маданиятининг улкан намояндалари — Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Музаффар Муҳаммедов, Аброр Ҳидоятов сингари атоқли ижодкорлар билан бирга янги типдаги социалистик миллий театр санъатига асос солган фидойи санъаткорлардан эди. Бухоролик қашшоқ этикдўзнинг ўғли Шариф Қаюмов Улуғ Октябрь шарофати туфайли нодир истеъдодини қадимий маданиятимизни янада юксалтиришдек, эзгу ишга бағишлаш имконига эга бўлди, ҳалол хизматлари, машаққатли меҳнати учун халқнинг чинакам ҳурматини қозонди. У Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида актёр ва режиссёр сифатида маҳорат кўрсатиб, бир қанча унутилмас образлар, ёрқин спектаклар яратди. Н. Гоголнинг «Ревизор» комедиясидаги енгилтак, фирибгар Хлестаков, В. Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясидаги олижаноб Горацио, Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» трагедиясидаги жўшқин Фердинанд, А. Ржежевский ва М. Кацнинг «Олеко Дундич» спектаклидаги жасур саркарда К. Ворошилов, Ж. Мольернинг «Скапеннинг найранглари» комедиясидаги уддабурро Скапен, К. Яшиннинг «Икки коммунист» асаридаги маккор халқ душмани Пўлат, К. Яшин ва А. Умарийнинг «Ҳамза» драмасидаги ниқобланган буржуа миллатчиси Назирий... Бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган бу образлар Шариф Қаюмов талқинида бетакрор инсоний характерлар сифатида гавдаланиш билан бирга, санъаткор ижодий миқёсининг кенглигини ҳам кўрсатади. Шариф Қаюмов Етим Бобожонов билан ҳамкорликда Н. Погодиннинг «Милтиқли киши», «Кремль соати» драмаларини постановка қилиб, саҳнамиз ленинномасига муносиб ҳисса қўшди.

Санъаткор кўплаб истеъдодли шогирдлар тарбиялаб вояга етказди, уларнинг ижодий камолотини ҳамиша қувонч ва ғурур билан кузатиб борди. Қуйида атоқли актёр, СССР халқ артисти Наби Раҳимовнинг устоз санъаткор ҳақидаги хотиралари билан танишасиз.

Ётук актёр ва режиссёр Шариф Қаюмов менга санъат алифбосини танитган устозларимдан бири эди. У билан биринчи марта бундан эллик йил муқаддам кузак пайтида Самарқандда учрашган эдим. Ўшанда театримиз асосчилари — Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов, Лутфулла Назруллаев, Саъдихон Таъбибуллаев ва Шариф Қаюмов Уйғур оға бошчилигида Москвадаги Е. Вахтангов номли театр қошида ташкил этилган Ўзбек студиясини тугатиб, республикамиз пойтахтига қайтиб келган эдилар. Театр составини янги ижодий кучлар билан бойитиш керак эди. Шу сабабли театр маъмурияти актёрликка қабул эълон қилди. Бу пайтда мен Қўқон ҳаваскорлар театрида бир қанча роллар ижро этган, санъат оламига эндигина қадам қўйган ёш йигит эдим. Кутилмаганда Ўзбекистон халқ артисти Миршоҳид Мироқилов мени Самарқандга чақириб, театр имтиҳонларида қатнашишимни таклиф қилди. Бугунгидек ёдимда: имтиҳондан ўтгач, театр залида ҳаяжон билан ҳакамлар ҳукмини кутиб турардим. Шунда ўрта бўйли, хушбичим бир киши ёнимга яқинлашиб: «Кимсиз? Қаердансиз? Нима қилиб турибсиз?», дея суриштира кетди. Мен кимлигимни айтдим. «Ҳа, демак, қайси труппага қабул қилинганингизни ҳали билмас экансиз-да?— деди у. Сўнг бир оз ўйланиб:— Шу ерда қимирламай туринг», дея ичкарига кириб кетди. Мен ҳамон гарангсиб турардим, аллаким юзимга енгилгина шапатилаганда чўчиб тушдим. Рўпарамда бояги киши кулимсираб турарди. «Суюнчини чўзаверинг, асосий труппага қабул қилинибсиз», деди у. Кейин билсам, бу киши Шариф Қаюмов экан.



Ана шу илк учрашувдаги самимият мени Шариф ака билан ниҳоятда иноқлаштириб қўйди. Кейинчалик мен у кишидан жуда кўп нарса ўргандим: актёрлик маҳоратию саҳна нутқидан тортиб кундалик юриш-туришда ҳам, ўқиш-изланишда ҳам у киши менга устозлик қилди. Театрга янги келган пайтларимда рус тилини яхши билмасдим. Шариф ака менга жаҳон ва рус адибларининг буюк асарлари ҳақида завқ билан сўзлаб берар, бўш вақтларимизда эринмай рус тилини ўргатар эди.

30-йиллардан бошлаб бизнинг ижодий ҳамкорлигимиз янада кучайди. Кўпгина спектаклларда партнёр бўлиб ишладик. Шариф ака саҳна қонуниятларини чуқур биладиган, партнёрининг ижросига руҳ ва қувват бағишлайдиган беназир актёр эди. Комил Яшиннинг «Икки коммунист» спектаклида у яратган хоин Пўлат роли театримиз тарихидаги унутилмас образлардан бири эди. Шариф ака асардан асарга, образдан образга бутунлай ўзгариб, ўсиб борадиган санъаткор эди. Бир ижро этган роли иккинчисига сира ўхшамасди. Кейинчалик у мени «Маликаи Турандот» спектаклида ўзи ўйнаган Труффальдино ролига тайёрлади. Бу образ устида ишлар эканмиз, мен актёрлик санъатининг жуда нозик сирларидан хабардор бўлдим. Бу спектакль кейинчалик яна қайтадан саҳнага қў-

Табиат — дўстимиз

БОҒ АФЗАЛМИ Ё ЎРМОН?

Масалани ана шу тарзда кескин қўйиш ғалатироқ туюлади. Лекин ўрмончилар билан суҳбатлашганимизда ўрмонни боққа нисбатан писанд қилмай қўйган хўжалик раҳбарлари борлиги маълум бўлди. Қашқадарёдаги бир ўрмончи қирқ йилчалик меҳнат фаолияти даврида 200 гектардан иборат мевазор боғ барпо қилибди. Бу яхши, албатта. Бироқ у ўрмон масаласига келганда совуққина: «Баҳарнав, ўрмонни ҳам кенгайтириб борямиз», деб қўя қолди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Баъзи район раҳбарлари фақат боғ-роғлар майдонини кенгайтиришни талаб қилиб, бутун ўрмон хўжалиги ишига шунга қараб баҳо берадилар. Улар: «Арча, бута, ёввойи мевали дарахтлар, камҳосилли навлардан иборат ўрмондан қанча фойда чиқарди? Боғу токзорлар бошқа гап», деб бирёқлама ўйласалар керак.

Яқинда Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Мирзаевнинг «Правда» газетаси саҳифасида босилган мақоласи ёдингиздадир. Унда мана бундай сатрлар бор: «Тоғ асали. Тоғ гиёҳлари. Тоғ мевалари. Буларнинг ҳаммаси қадим-қадимдан доривор, шифобахш деб астойдил қадрланган. Тоғ эҳсонларини қўлга киритиш учун одамлар чағир сўқмоқлар оша кўз тинадиган тик қияликларгача чиқиб борганлар».

Дарҳақиқат, тоғ ўрмонида шундай ўзига хос неъматлар борки, улар бошқа ҳеч ердан топилмайди. Бинобарин, боғни ўрмонга, ўрмонни боққа қарши қўймаслик керак. Ўрмонларни шифобахш неъматлари учунгина ҳам ардоқлашга арзийди. Бу беминнат яшил бойликни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун асраш ҳамда кўпайтириш эзгу бурчимиздир.

Тоғ ўрмони, бундан ташқари, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилади, водийдаги канал ва сув ҳавзаларини лойқа босиб қолишидан сақлайди. Чунончи, арчани олиб кўринг. Ўзининг кенг томир ёйган бақувват илдизлари билан тошларни исканжасида тутиб туради, уларнинг сел ва кўчкилардан қулашига йўл қўймайди. Агар ўрмон «иши»нинг йиллик иқтисодий фойдасини ҳисоблаб чиқиб, уни бир асрга зарб қилсангиз борми! Электр ҳисоблаш машинасигина бу вазифанинг уддасидан чиқиши мумкин.

Арча ёмғирни ўзига чорлайди, деган гап бор халқда. Бу ҳақиқатдан йироқ эмас. Шамол тоғ устидаги булутларни ҳайдайди, булутлар арчанинг қуюқ шохларига ёпирилади, ёмғирга айланмаган тақдирда ҳам булутлар арча шохларида шудринг шаклида қолиб кетади.

Ёмғир ҳам, шудринг ҳам ерга тушади. Ўрмон намликнинг тез буғланиб кетишига йўл қўймайди; намликни ўзига сингдириб, сўнгра фильтрлайди, биллурдек шаффоф, муздек чашмаларга етказиб беради. Чашмалар эса дарёларга бориб қўшилади. Маълумки, бу жиҳатлардан, боғ ўрмон ўрнини босолмайди. Ўрмон жамики тирик мавжудотни, жумладан, боғларни ҳам сув билан таъминлашга ёрдам беради. Хуллас, тоғ ўрмони табиатнинг ноёб мўъжизасидир, ўлкамизнинг обикор деҳқончилиги учун у — бебаҳо дурдона.

КПСС XXV съездида қилган докладида Л. И. Брежнев табиат муҳофазаси фақат саноат олдида турган муаммо бўлибгина қолмай, балки ҳар бир деҳқон ва чорвадор зиммасига тушадиган вазифа эканини таъкидлаган эди. Бу ғоят ўринли талаб республикамизнинг, айниқса, атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи мутасадди ташкилотларига бевосита тааллуқлидир.

Республикамизнинг асосий табиий бойликларидан бири — сув. Обиҳаётни қўриқлашнинг табиий механизми ичида ўрмон бош омилдир. Агар ўрмон ва қишлоқ хўжалигининг узвий алоқасини эмблема тимсолида ифодаласак, ўшанда тўқ яшил арча шохи ва мовий лента билан ўралган оппоқ кордек пахта чаноғидан бир гулдаста ташкил топган бўлар эди. Бундай эмблеманинг теран мазмунида ўрмон — сув — пахта ётади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги тоғлари

йилди. Менга шаҳзода Қалаф роли топширилди. Вазифа жуда мураккаб эди. Чунки бу ролни халқимизнинг улуғ актёри Аброр Ҳидоятов зўр маҳорат билан ижро этган, бинобарин, томошабин хотирасида ҳам ана шу образ сақланиб қолган эди. Шариф Қаюмов шунда менга яна ёрдамга келди. Унинг жонкуярлик билан айтган фикр-мулоҳазалари, қимматли маслаҳатлари руҳимни кўтарди, журъатимга журъат қўшди.

Юқорида айтиб ўтганимдек, Шариф ака билан партнёр бўлиб ишлаш чинакам ҳузур эди. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида мен Хлестаковни ўйнардим, у киши эса «хизматкорим» Осип ролини ижро этарди. Шариф ака Осипнинг табиатига хос бўлган соддалик, халқона донишмандлик ва енгилтак хўжайинига нисбатан оқил, тадбиркорлик хусусиятларини шундай маромига етказиб ижро этардики, мен ҳам томошабинлар сингари беихтиёр завқланиб кетардим. Шу ўринда улуғ рус адиби Гоголнинг ажойиб комедиялари ўзбек томошабинларининг севимли асарларига айланиб қолганида Шариф Қаюмовнинг хизматлари катта эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Санъаткорнинг режиссёрлик фаолияти ҳам айнан Гоголь асарлари талқинидан бошланган эди. 1935 йили Шариф ака «Уйланиш» комедиясини саҳнага қўйди. Бу асар театримиз саҳнасида аввал ҳам ўйналган эди. Бироқ у формалистик руҳда талқин этиларди. Режиссёрлар спектаклга ўзларича турли «чапани» ҳаракатлар киритишар, қисқаси, асарни бутунлай «ўзбекчалаштириш»га интилишар эди. Масалан, комедиядаги персонажлардан Подколесинга — Аравабосганов, Яичницага — Куймоков деган номлар берилган эди. Шариф Қаюмов асарга буткул бошқача нуқтаи назардан ёндашди, чор Россиясидаги ижтимоий тузум иллатлари, ҳукмрон синфлар калтабинлиги ва жоҳиллиги устидан чиқарилган ҳажвий ҳукм каби ўткир бу асар моҳиятини теран идрок этиб, комедиянинг ҳақиқий сатирик руҳини тиклади. Гоголь асарларининг республикамиз театрлари саҳнасида ҳали-ҳануз зўр муваффақият қозониб келаётганлиги Шариф аканинг режиссёрлик принциплари батамом тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Ёшларнинг чинакам дўсти ва мураббийси бўлишдек улкан санъаткорларга хос фазилат Ш. Қаюмовнинг табиий одати эди. Бугунги кунда эл-юрт назарига тушиб, самарали ижод қилаётган кўпгина санъаткорларимиз Шариф аканинг тажрибаларидан, ёрдам ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлганлар. «Санъатга берилдингми — санъат юрагингда яшасин, сен санъатда яша!»— бу Шариф Қаюмов қайта-қайта такрорлайдиган ҳикматлардан бири эди. Мен эллик йилдан ортиқ вақт мобайнида санъат соҳасида баҳоли қудрат хизмат қилиб келаман. Эллик йилдан буён бирор муаммони ечишда қийналсам, изланишлар чоғида толиқсам, Шариф акадан ҳамиша кўмак сўрардим, ундан доно маслаҳатлар, дўстона ёрдам олардим. Ҳозир ҳам шундай. Мен у кишининг инсонийлигини, ҳақиқатнинг кўзига ҳамиша тик қарай билишини, соддадиллигини беҳад қадрлардим. Ижодкор сифатида эса унинг санъатга садоқати, ҳалоллиги менга ҳамиша ўрнак. Эсимда, умрининг сўнгги кунларида Шариф ака оғир хасталикка чалинган эди. Лекин шунга қарамай у ўзига хос ўжар бир қатъият билан саҳнани тарк этмади. Вужудидаги изтиробни сездирмай навбатдаги ролини зўр матонат ва маҳорат билан ижро этган устоз оқшом хайрлашиб уйига кетди. Икки кундан кейин эса унинг сержавқ, беором юраги уришдан тўхтади... Биз, Шариф Қаюмовни узоқ йиллардан бери билган ҳамкасблари ҳам, ёш санъаткорлар ҳам шу куни у баъзан такрорлаб қўядиган «Ҳақиқий актёр саҳнада ўлади», деган ҳикматнинг маъносини уққандек эдик.

Ўзининг камтар, камсуқум табиати, ёрқин истеъдоди ва меҳри дарё қалби билан бизга инсонийлик санъатидан сабоқ берган Шариф Қаюмов ҳаёт бўлганида бу йил етмиш беш ёшга тўларди. Ҳақиқий санъатнинг умри боқий бўлади. Ҳақиқий санъаткорнинг иккинчи умри эса минглаб миннатдор кўнгилларда давом этади.

нималар эҳсон эта олади? Аввал тоғлар хусусида икки оғиз сўз. Республикамизда улар улкан майдонни, яъни 6,6 миллион гектарни ишғол қилади. Шунча майдоннинг чорак қисмини Давлат ўрмон фонди эгаллаган. Лекин ана шу фондниг атиги 100 минг гектардан кўпроғи, хусусан, ўрмон ва ўрмон иҳоталаридир. Хуллас, бизда ўрмонлар ҳали анча кам. Шундан келиб чиқадиган вазифа қуйидагилардан иборат бўлиши керак: ўрмонларни кўз қорачиғидек сақлаш, бизгача нобуд қилинган ўрмон майдонларини тиклаш, янги иҳоталар яратиш ва бундан кейин яшил бойликнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик...

Ўзбекистон ўрмончилари ўз бурчларини шараф билан адо этишга уринмоқдалар. Улар тоғ ўрмонларининг кўрки ҳисобланган арчазорларни қайта тикламоқдалар, кенгайтирмоқдалар. Бунга ўрмоншунослик фани яхши ёрдам бермоқда. Ҳар йили 700—800 гектар майдонга арча кўчати етказиб берадиган икки минг гектарлик арчазор барпо этилди. Тоғларимиз бағрининг 20 минг гектар майдонини янги бодомзор ва ёнғоқзорлар қоплади. Ўрмон мелиоратив станциялари ва механизмлашган ўрмон хўжаликларининг кучи билан сўнгги ўн бир йилда тоғ ўнгирларининг 11 минг гектарига пушта олиниб, 8 минг гектарига иҳота кўчатлари ўтказилди. Бундан ташқари, шу муддат ичида республика колхоз ва совхозларида 22 минг гектарлик ўрмон минтақалари яратилди.

Ўрмон барпо қилиш узоққа чўзилгани учун ҳам оғир ва қимматга тушадиган ишдир. Арча бир неча юз йилда вояга етади, меҳнат ва маблағни эса эндигина ўтқазилган иҳота кўчатларига сарфлашга тўғри келади. Нафсиламрини айтганда, қулай тоғ ўнгирларида қалин тупроқ қатлами қарийб қолмаган. Бу ўнгирларни чағир тош, шағал ва қоялардан емирилган жинслар қоплаб ётади. Демак, ундай майдонларни яроқли ҳолга келтириш учун озмунча куч ва маблағ зарурми!

Лекин ўлкамизга вақти келиб қудратли Сибирь дарёлари оқади, ўшанда суғориш билан боғлиқ барча муаммолар ечилади, албатта. ЎзССР Ўрмон хўжалиги министри ўртоқ С. Тоиров бу ҳақда шундай дейди:

— Сибирнинг азим дарёлари биз томон оққанда пахта майдонлари кенгаяди. Шунингдек, сувга бўлган бошқа талаблар ҳам ошади, яъни сув муаммоси тамоман ҳал этилади. Демак, ўрмонларни сақлаш ва кўпайтириш фақат бугуннинг эмас, балки келгуси авлоднинг ҳам вазифасидир.

Ўрмончиларимиз, тоғ ўрмонларини кенгайтириш қанчалик оғир бўлмасин ва қимматга тушмасин, бу эзгу ишни давом эттираверадилар, янги-янги иҳота майдонларини яратаверадилар. Ўн биринчи беш йилликда ўрмончиларимиз республика ўрмон майдонини 20—30 минг гектарга кенгайтирадилар. Ўрмонлар дарёларимизнинг яшил посбони, ўз кўрки билан қалбимизга қувонч бағишлайди, дастурхонимизни тўкин қилади.

Н. АЛИЕВ

Спорт

ЗЎР ИМТИҲОН ОЛДИДАН

Сўнгги йилларда республикамизда жисмоний тарбиянинг оммавий ҳаракати авж олди, спортчилар маҳоратини ошириш йўлида анча ишлар қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати КПСС XXV съезди қарорларини изчил бажара бориб, бу масала билан чуқур, конкрет ва мунтазам шуғулланмоқдалар. Партия ташкилотлари, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ва хўжалик органларининг бундай диққат-эътибори ўз самарасини бермоқда. Ўтган йили республикамиз бўйича бир миллиондан зиёд ГТО нишондори, халқаро классдаги ўнларча спорт мастерлари ва юзлаб СССР спорт мастерлари етишиб чиқди. Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Европа ва СССР биринчилиги мусобақаларида куч синашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Шу кунда машқ-ўқув машғулотларига 700 дан кўпроқ спортчи жалб этилган. Улар орасида халқаро классдаги 50 спорт мастери ва 260 СССР спорт мастери бор. Мамлакатимиз терма командасига эллик нафар энг кучли спортчи номзод қилиб киритилган.

Ҳозир 127 стадион, 146 ҳовуз, 2240 спорт зали, 1239 мерганлик тири ва 32 минг комплекс спорт майдончаларининг мавжудлиги республикамизда физкультура-спортнинг моддий техника базаси ғоят мустаҳкамланганидан далолат беради. Кейинги бир неча йил мобайнида Қибрайда «Пахтакор» комплекс ўқув-машқ базаси, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент областларида ипподромлар, пойтахтимизда «Меҳнат резервлари» спорт саройининг биринчи навбати, Тўрақўрғон, Киров, Пахтачи, Қўрғонтепа районларида замонавий спорт комплекслари, Самарқанд Давлат университети, Андижон ва Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтларида замонавий спорт заллари, Термизда қайиқда сузиш базаси ва камон отиш майдони қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, янги беш йилликда Тошкент шаҳрида ёш пионерлар стадиони, қайиқда сузиш машқлари ўтказиладиган канал қуриш, қўшимча равишда олий ўқув юртлариаро спорт марказлари тузиш, «Меҳнат резервлари» спорт комплексининг иккинчи навбати қурилишини 1980 йилда тугаллаш вазифалари мўлжалланмоқда.

Колхозчилар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада авж олдиришда қишлоқ спорти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Андижон ва Фарғонада ҳамда бошқа бир қатор областларда қишлоқда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган катта ташкилотчилик тадбирлари амалга оширилмоқда.

Икки йил муқаддам Ўзбекистон XVIII спартакиадаси бўлиб ўтган эди. Бу СССР халқлари VII спартакиадасининг илк босқичи бўлди. Мусобақалар барча шаҳар, район ва областларда бўлиб ўтди. Армия спорт клубида сузиш бўйича Олимпия резерви маркази яратилиши муносабати билан сузувчиларнинг кўрсаткичлари бир қадар яхшиланди. Кейинги вақтда енгил атлетикачилар ва ёйдозларнинг кўрсаткичлари ҳам ўсди. Аммо республика командаларининг Совет Иттифоқи, Европа ва жаҳон чемпионатларида эришган ютуқларини якунласак, спортчиларнинг маҳорати секин ўсаётганини кўрамиз. Республикамиз гимнастикачилари СССР халқлари спартакиадасида кўзланган марраларни қўлга киритолмадилар. Ваҳоланки, гимнастикачилар яхшигина спорт базасига эга, «Ёшлик» манежи замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Талантли ёшларни излаб топиш ва саралаш ҳозир анча яхши йўлга қўйилди. Республика терма командаларига ўринбосарлар тайёрлаш вазифаси республика олий спорт маҳорати мактаблари зиммасига тушаётир. Уларнинг раҳбарлари шу кунларда тренерлар фаолиятини мунтазам кузатиб, ўқув-машқ жараёнини чуқур таҳлил қилмоқдалар; спортчилар билан ишлашнинг самарали илмий-методик усулларини изламоқдалар. Аммо бир қанча жойларда спортчиларга оталиқ қилишнинг муҳимлиги тўғри баҳоланмаётир. Оталиқ ташкилотлари спортчиларнинг меҳнат фаолияти, ўқиши, турмуши ва уларда юксак маънавий хислатларнинг шаклланиши билан кам қизиқадилар. Комсомол ташкилотлари спортчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш, терма командалар комсомол етакчиларининг ҳамда оталиқ ташкилотлари комсомол комитетларининг масъулиятини оширишлари ва уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб боришлари лозим.

Лекин жойларда бу масалалар ҳали суст ҳал қилинмоқда. Жумладан,

кейинги уч йил мобайнида Бухоро областининг Ромитан, Навоий ва Қизилтепа районлари командалари ҳатто ГТО комплекси, кўпкураш мусобақаларида иштирок этмаётирлар. Областда енгил атлетика, тирда отиш, акробатика ва бошқа олимпия турлари эътибордан четда қолиб келаётир. Хоразм, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент областлари, шунингдек, Қорақалпоғистон АССР коллективларида ҳам оммавий жисмоний тарбия ҳаракатини кенг йўлга қўйишга етарли эътибор берилмаётир, баъзи раҳбарлар бу ишни иккинчи даражали дея билиб, унинг ижтимоий аҳамиятини камситмоқдалар. Ваҳоланки, тарбиянинг бу жабҳасига раҳбарлик қилиш жуда муҳимдир.

Спортда асосий масъулият тренернинг зиммасига тушади. Спортчиларни жиддий мусобақаларга тайёрлаш, уларда юксак ахлоқий, маънавий хислатларни шакллантириш малакали тренернинг ғамхўрлиги, маҳорати ва сезгирлигига боғлиқ. Ўзбекистонда 2300 малакали тренер бор. Республика Физкультура ва спорт комитети тренер кадрларни саралаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш бўйича талай тадбирларни амалга ошираётир, уларнинг касб малакаларини ошириш ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан камол топиши учун барча шарт-шароитни яратаётир.

КПСС XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль ва Ноябрь пленумларида қишлоқда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга доир ғоят муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Қишлоқ хўжалигида юз бераётган кескин ўзгаришлар, қишлоқ ва шаҳарда турмуш маданиятининг юксалиши жисмоний тарбия ва спорт муассасалари олдига янги вазифалар қўймоқда. Бу ишга янада жиддийроқ ёндашиш ва эътибор бериш талаб этилади.

Дала шийпонларида ҳам жисмоний тарбия, соғломлаштириш тадбирларини уюштиришда спорт базаси алоҳида ўрин тутади. Партия ва совет органларининг ёрдами билан ҳамма жойда бу тўла кучга кирди, деб айта оламиз. Статистика республикадаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг чорак қисми жисмоний тарбия ва спортга жалб этилганини тасдиқлайди. Қишлоқларда айниқса спортнинг волейбол, футбол, кураш, енгил атлетика, баскетбол, гандбол, чавандозлик каби турларига қизиқиш тобора авж олиб бормоқда. Бу ҳолнинг ўзи оммавий спорт турларини танлашда янги уфқлар, янги имкониятлар очилаётганини кўрсатади. Бизнингча, спорт турлари базасини мустаҳкамлашга кўпроқ аҳамият бериш зарур. Биргина мисол. Эркин, классик кураш ва самбо бўйича 8500 қишлоқ ёшлари шуғулланади. Уларнинг ихтиёрига ихтисослаштирилган заллар бериб қўйилган. Шунингдек, яқин келгусида қадимий миллий чавгон ўйини ҳам оммалашиб кетиши турган гап. Ҳозирданоқ миллионларча мухлис орттирган бу ажойиб спорт тури энг оммавий футбол ўйини билан рақобат қилмоқда.

Ўтган йилги СССР халқларининг VII ёзги спартакиадаси 1980 йили Москвада ўтказиладиган XXII Олимпия ўйинлари олдидан Ўзбекистон спортчилари учун улкан синов бўлди. Бу спартакиада ўз кўлами жиҳатидан жаҳон Олимпия ўйинларига тенг келадиган катта спорт мусобақаси эди. Бунда 10 мингга яқин кучли совет спортчилари Москва, Ленинград, Киев, Минск ва Болтиқ бўйи республикаларининг энг яхши спорт базаларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Спартакиада Москва олимпиадасига бир йил қолганда уюштирилди ва мамлакатимизда жисмоний тарбия ҳамда спортни янада ривожлантирибгина қолмай, айни чокда олимпия номзодлари маҳоратини ҳам кўрикдан ўтказди.

Республика спортчилари спартакиадага катта тайёргарлик билан бордилар. Ўзбекистон спорт делегацияси финал мусобақаларида еттинчи ўринни эгалладилар ва 19 олтин, 7 кумуш, 25 бронза медаль олишга муваффақ бўлдилар. Айниқса, республика терма командасининг «Юксалиш» соврини билан тақдирланган келгусида спорт шоҳсупасининг юқори ўринларидан жой олишимизга умид туғдиради. Мана шу умумкоманда муваффақиятида Тошкент шаҳар, Тошкент, Бухоро, Андижон, Фарғона, Самарқанд областларининг спорт ташкилотлари вакиллари, Туркистон ҳарбий округи, «Меҳнат» «Буревестник», «Спартак» кўнгилли спорт жамиятлари клублари муносиб ҳисса қўшдилар. Мусобақага қатнашган 468 спортчи орасида айниқса, курашчилар К. Фатхуллин, А. Абдураҳмонов, чавандоз В. Дворянинов, ёйандоз Н. Бутузова, қиличбоз В. Пичора, велосипедчи Ш. Зуҳриддинов республикамиз спорт шуҳратини баланд кўтардилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Ўзбекистон ССР спортчиларининг СССР халқлари VII ёзги спартакиадасида қатнашиши якунлари ва 1980 йилги ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорда республикамизда оммавий физкультура ҳаракатини янада ривожлантириш, спортчилар маҳоратини ошириш, спортнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб берилди.

XXII Олимпия ўйинларининг очилишига саноқли ойлар қолмоқда. Умум фикрига кўра, мамлакатимиз пойтахти Москвада бўладиган ёзги Олимпия ўйинлари замонамизнинг энг улкан анъанавий спорт байрамига айланади. Ўйинлар мамлакатлар ҳамда халқларнинг ўзаро яқинлашуви, тинчлик ва ҳамкорлик воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон спортчилари Москва Олимпиадасининг 1251 медали учун ўтказиладиган баҳсларда бир неча медалларни қўлга киритиш ниятида қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўтган йилнинг кузида областлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон АССР терма командалари спортнинг ўттиз бир тури бўйича мусобақа ўтказдилар.

Бир неча марта жаҳон рекордчиси Н. Бутузова ва 1976 йилги Европа мутлақ чемпиони О. Рогова қатнашадиган ёйандоз қизлар командасидан, Ш. Зуҳриддинов бошчилигидаги шоссечи велосипедчилар, чавандозлар М. Исмоилов, В. Дворянинов, А. Аҳмедшин ва Н. Норкин, эркин курашчилар Э. Фатиков ва Х. Зангилов, классик курашчи К. Фатхуллин ҳамда бошқа етакчи спортчиларимиздан умидимиз катта.


Яқинда СССР халқларининг VII Спартакиадасида ўзбекистонлик спортчиларнинг эришган ютуқлари якунланди ва Олимпия ўйинларига масъулиятли имтиҳон олдидан тегишли ташкилот ва муассасаларга бораётган тайёргарлик бўйича зарур кўрсатмалар берилди. Мана шу спортчиларни пухта саралаш, спорт комитети ва жамиятлари раҳбарлари ҳамда жисмоний тарбия ходимларига кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш бўйича талабчанликни янада ошириш вазифалари юклатилди.

Шу кунларда олиб борилаётган қизғин тайёргарлик ўзбекистонлик спортчиларнинг янги ютуқлар сари дадил одимлаётганидан далолат беради.

М. ИБРОҲИМОВ,
ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети раиси

Тақриз

КАЙҲОН ЮЛДУЗИ



Улуғ тарихий шахсларнинг тақдири, фаолияти, кураши барча замонларда авлодларнинг диққат марказида бўлиб, ижод аҳлининг қалбини тўлқинлантириб турадиган бундай кишилар тафаккур ва ақлий қудратнинг мўъжизаларидир. Уларнинг мероси нақадар ардоқли, аҳамиятли бўлса, шахсий ҳаётлари ҳам шу қадар ибратли.

Ўн олти ёшидан эл орасида қўли енгил табиб, ақли расо ҳаким сифатида танилган, сўнгра илму адаб пешволарининг сардори — шайхурраис дея шарафланган Абу Али ибн Сино тириклигидаёқ афсонавий донишманд қиёфасида халқ зеҳнига ўрнашиб, кўпдан-кўп ҳикоят ва ривоятлар қаҳрамонига айланган эди. Унинг номи Саъдий ва Румий, Жомий ва Навоий, Данте ва Боккаччо асарларида тилга олинади. Зайниддин Восифий эса, «Бадое ул-вақое» китобининг катта бир бобини Ибн Синога бағишлайди.

Совет адиблари ҳам Ибн Сино ҳаётига бағишланган бир қанча асарлар яратдилар. Аллома таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан яна кўпгина асарлар майдонга келди. Грузиялик адиба Людмила Салдадзенинг «Кайҳон буржи (Ибн Сино)»[1] романи ана шу асарлар жумласидандир.

Л. Салдадзе кинорежиссёр ва сценарийнавис-драматург сифатида Иттифоқимизда маълум ва машҳурдир. Адиба деярли барча фильмларини Ўрта Осиёда суратга олган, уларда Шарқ халқларининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти акс эттирилган. Ибн Сино меросини чуқур ўрганиб, олим биографиясига оид янги тарихий маълумотларни тўплаш натижасида яратилган «Кайҳон буржи» романи адибанинг кўп йиллик илмий ва ижодий меҳнати маҳсулидир.

Автор асар жанрини «Диалогларда ёзилган роман» деб номлаган. Романда воқеалар қамрови кенг, шунга мувофиқ сюжет ҳам кўп тармоқли ва мураккабдир. Аммо авторнинг ўзи воқеалар ривожига деярли аралашмайди, атроф-муҳит ва қаҳрамонлар фаолиятининг батафсил эпик тасвиридан воз кечиб, бевосита нутқий муомалалар — диалог ва монологлар орқали характерларнинг моҳиятини очиш ва ғояларни сувратлантиришга ҳаракат қилади. Шу туфайли асар кўпроқ драмага (қисман киносценарийга) ўхшаб кетади.

Роман Бухоронинг қорахонийлар томонидан забт этилиши ва Ибн Синонинг ватанидан бош олиб кетишини тасвирлаш билан бошланади. Салдадзе улуғ мутафаккир бошига тушган кулфатларнинг ижтимоий сабабларини кўрсатишга интилиб, сомонийлар салтанатининг емирилиши, ички низоларнинг ҳалокатли оқибатлари, кўчманчи қабилаларнинг кетмакет босқинлари Бухоро ва Хоразм маданиятини барбод этгани ҳақида ёзади. Ибн Сино тақдири ўша давр илғор кишиларининг, илму маърифат аҳли тақдирининг тажассуми эди. Султон Маҳмуд сомонийлар давлатининг моддий бойликларини эгаллагач, бу музофотда барпо этилган юксак маънавий хазинани ҳам тасарруф қилиш, унинг намояндаларини саройига олиб кетиш пайига тушади. Маҳмуд Ғазнавий Ибн Синонинг асосий душмани эди, султоннинг одамлари олимни ҳамма ерда таъқиб этадилар.

Шу тариқа, улуғ олим умрининг кўп йилларини қувғинда ўтказишга, юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар кезишга мажбур бўлади. Аммо таслим бўлмайди. У ўз ғанимларини дадил фош этади, материалистик фалсафий қарашларни, гуманистик ғояларни тарғиб қилиб, шоҳу амирларни адолатга, фуқаропарварликка ундайди. Асарни ўқир эканмиз, ҳар қандай шароитда ҳам муҳтожлар ва беморларга ёрдам қўлини чўзган меҳрибон, сахий қалбли, айни вақтда, қийинчиликлардан сира қўрқмайдиган зўр иродали инсонни кўрамиз. Автор ҳар бир бобда Ибн Сино фаолиятининг муайян томонини тасвирлаб, шу йўл билан унинг характер хусусиятларини очишга ҳаракат қилган: уни гоҳ аҳли фузало даврасидаги илмий мунозараларда, гоҳ ҳунармандлар, балиқчилар, сўфийлар орасида, баъзан амир-аёнлар мажлисларидаги қизғин баҳсларда учратамиз.

Л. Салдадзе Ибн Синони ижтимоий-сиёсий курашлар оғушида, замона ҳодисаларининг фаол иштирокчиси тарзида кўрсатиш баробарида, асосий эътиборни унинг буюк кашфиётчи олим сифатидаги қиёфасини гавдалантиришга қаратган. Роман қаҳрамони замонасининг доно кишиси — қудратли Ақл соҳиби, ҳозиқ Табиб, кўзлаган мақсади сари шиддат билан интилувчи қайтмас Ирода, Истеъдод ва Зако тимсолидир. Унинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам кўп. Уни севадилар, унга сиғинадилар, ҳавас қиладилар; ундан ўрганадилар, асарларини ноёб хазинадек эъзозлаб асрайдилар; у билан фахрланадилар. Иккинчи томондан, ундан қўрқадилар, унга ҳасад қиладилар, жонига қасд этадилар. Булар орасида Маҳмуд одамлари ҳамда Журжон, Ҳамадон ва Нишопур ҳокимлари билан бирга оддий нодонлар — жаҳолат домига тушган қуйи табақа вакиллари ҳам бор. Шу зайлда «Кайҳон буржи»да даврнинг турли-туман зиддиятлари ойдинлашиб боради: бир томонда — улуғ алломаларни етиштирган юксак маданият, иккинчи томонда — саводсизлик,

[1] Людмила Салдадзе. Созвездие Ориона (Авиценна). Роман в диалогах. Изд-во «Искусство», Москва — 1978.

жоҳиллик, диний хурофот; бир томонда — дабдабали саройлару олтин карвонлари, иккинчи томонда — қашшоқлик, дарбадар гадойлар, қуллар, солиқчиларнинг қамчисидан майиб-мажруҳ бўлган деҳқонлар... Даврнинг шавкати ва алами, ақлий парвозию ситамли дардлари бир-бирига қўшилиб, бири-бирини инкор этиб яшайди. Буларнинг ҳаммаси Ибн Сино қалбидан ўтади, уни ташвишга солади. Улуғ табиб бу дардга ҳам даво топишга аҳд қилиб, подшолар ва фуқаро орасида ялпи муҳаббат («ишқи умумий») бўлиши керак, деган назарияни олдинга суради ва шу орқали ижтимоий зиддиятларни бартараф этмоқчи бўлади. «Акс ҳолда халқ қўзғолон кўтаришга ҳақли», дейди у. Лекин бу фикри учун олимни зиндонга ташлайдилар.

Л. Салдадзе асарида алломанинг залворли, енгувчан характери турли қирралари билан жило бериб туради, унинг мушкулотларни ҳал этиб, янги-янги илмий зафарлар сари интилиши киши қалбини ҳаяжонга солади. Ибн Сино барча билимлари, мўъжизавий ақлини инсонлар манфаати йўлига сарфлайди, амалиётдан бир нафас бўлсада тинмайди: даволайди, таълим беради, китоб ёзади. Ҳатто сафар давомида от устида юриб чала рисоласини тугатади — у ҳамма илмини авлодларга қолдириш учун шошилар, ҳар бир имкониятни ғанимат ҳисоблар эди.

Тарихий шахслар ҳақида асар ёзиш бир қарашда осондек туюлади: материал кўп, сюжет ва конфликт бор, ижобий ва салбий қаҳрамонлар аниқ. Бундан ташқари, Ибн Сино сингари кишиларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар «тартибга келтирилиб», баён қилиб чиқилса ҳам қизиқиш билан ўқиладиган китоб яратиш мумкин. Лекин бу чинакам бадиий асар эмас, тарихий шахс ҳақидаги беллетристик ахборот бўлади, холос. Ҳақиқий бадиий тарих яратиш учун эса, ўша мураккаб шахснинг ҳаёт йўли, ният ва орзуларининг моҳияти чуқур идрок этилиши, шу асосда унинг индивидуал характери гавдалантирилиши лозим. Ёзувчи қалами остида тарих «тилга кириб», жонли тасвирлар орқали ҳиссиёт ва кечинмалар, иш ва фаолият, муносабат ва муомалалар, нутқ ва фикрий «жанг»лар конкрет деталларда намоён бўлгандагина реал инсонларнинг ҳаётий образлари яратилади. Бу — адибдан алоҳида истеъдодни талаб қиладиган сермашаққат ишдир. «Кайҳон буржи» романида мазкур вазифа дуруст адо этилган. Адиба кўпчиликка маълум воқеаларни шундай қайта жонлантирганки, улар ҳам тарихий ҳақиқатга мувофиқ бўлиб тушган, ҳам китобхонни тўлқинлантирувчи тугал бадиий картиналарга айланган. Л. Салдадзе материалга ҳозирги замон кишисининг кўзи билан қараб, инсониятни ҳамиша ўйлантириб келган масалалар атрофида баҳс очади, буюк шахс билан жамият орасидаги муносабат, ақл мўъжизаларининг бунёдкорлик кучи ва айни пайтда, бу мўъжизанинг тубанлик, худбинлик қўлида қарам бўлиши, уқубат чекиши хусусида фикр юритади.

Ибн Сино шахсий бахтдан, ҳузурҳаловатдан бутунлай воз кечди. У ўзгаларнинг саодатини ўйлади, бошқаларга наф келтириш, кишиларни ҳам жисмоний, ҳам руҳий даволаб, эзгуликни барқарор қилиш ниятида яшади. Лекин фожеа шундаки, ҳаммага керакли энг ҳожатбарор одам энг кўп жафо чекди. «Фалак нодонларга бахт тизгинин берур, сенки дониш аҳлисан — шу гуноҳинг бас» (Ҳофиз). Улуғ олим ана шу ҳақиқатни яхши англар, бунинг учун одамлардан шикоятланмас эди. Бу ҳам инсон табиатидаги ноқислик аломати, деб ўйлайди у. Саховатли қалб эгаларига, улуғвор характерли кишиларга хос хислат бу. «Характер улуғворлиги бўлмаган жойда улуғ одам ҳам, улуғ санъаткор ҳам, қаҳрамонлик қилувчи улуғ эр ҳам бўлмайди» (Р. Роллан). Ибн Сино ҳақида асар ёзиш — ана шу олижаноб фазилатларни рўёбга чиқариш, ундаги қалб гўзаллиги, салоҳият ва руҳий кечинмаларни, сермазмун ҳаётнинг ички мунаввар қатламларини янада нурлантириш, тиниб-тинчимас қайноқ тафаккурнинг ҳайратомуз фаолиятини кўрсатиб бериш демакдир. Бунинг учун эса, ёзувчи шунга яраша адабий шакл, оҳанг, вазият, яъни буюклик зуҳур этадиган майдон яратмоғи лозим. «Кайҳон буржи» асарининг жанр тузилиши шунга мувофиқдир. Бунда саҳна имкониятига мўлжалланган тасвир — бир пайтнинг ўзида бир неча персонажнинг ҳаракат ва мулоқотларини кўрсатиш, шу орқали персонажларнинг ният ва режалари, дунёқарашларини очиб, уларнинг бош қаҳрамонга муносабатини аниқлаш усулидан яхши фойдаланилган. Бу усул тасвирда ихчамлик туғдирган.

Романнинг хотима эпизоди — ҳаёт билан хайрлашув саҳнаси жуда характерли: Ибн Сино туш кўради... Бухоро, унда Маҳбону — кекса она, серфарзанд, умрбоқий она. У — халқ, Фирдавсий, Форобий, Беруний, Ибн Синонинг, юзлаб донишмандлар, ҳакимларнинг онаси. У яна кўп фарзанд кўради, улар орасидан ўнлаб Ибн Сино етишиб чиқади, улар илм ва ҳақиқат учун курашаверадилар, эл-юртни шарафга буркайверадилар. «Бухоро осмонида Кайҳон — ақлу дониш юлдузи порлаб туриши муқаррар. Мен авлодларим руҳида, узлуксиз янгиланиб борувчи ҳаёт таркибида, китобларимда, ватаним ва халқим хотирасида яшайман,— дейди Ибн Сино.— Бухоро мени минг йилдан кейин яна кутиб олади, дунёвий тафаккури кенгайган, менинг тўғримдаги маънавий таассуротлари кучайган даврда ўлим чангалидан қутулиб, қучоғига кириб бораман».

Людмила Салдадзенинг асари эҳтиросли, серифода тилда ёзилган. У бамисоли бошдан-оёқ фикрлар, ҳиссиётлар курашини намойиш этувчи яхлит достондек ўқилади. Айниқса, Ибн Сино нутқи, монологлари ғоят ёрқин, бурро. Олимнинг ўткир мантиқи, ҳақиқатни ҳимоя қилувчи пурмаъно ҳикматлари қалбни ҳаяжонга солади. Адибанинг ўз қаҳрамонига муҳаббати чексиз — бу яққол сезилиб туради.

Роман тилида шарқона экзотикага ружу қилиш йўқ. Бунинг акси ўлароқ услубда «европалаштириш»га мойиллик бор. Ибн Сино нутқларида, персонажларнинг хатти-ҳаракати тасвирида буни сезиш мумкин. Ибн Сино Византия, Греция, Рим илму адабиётидан, Гомер, Эсхил, Софокл асарлари юзасидан мулоҳазалар юритади, юнонча ва лотинча иборалар билан гапиради. Тўғри, улуғ олим антик дунё маданиятини пухта билган — бунга шубҳа йўқ. Аммо бу меросни у арабийлашган манбалардан тасарруф этган, фанний истилоҳлар ва тушунчалар шунга мувофиқ бўлиши керак эди. Афтидан, колоритни бериш билан бирга қаҳрамонлар тасвирини китобхонлар дидига яқинлаштириш, уларнинг дарди ва ғояларини юрагимизга сингдириш мақсадида шундай йўл тутган. Хуллас, «Кайҳон буржи» улуғ аллома Ибн Синонинг бадиий образини яратиш йўлида қўлга киритилган янги ва жиддий ютуқлардан бўлиб, бизни қувонтирадиган туҳфадир. Ибн Сино ўз асарлари билан бутун инсониятга хизмат қилди, турли тилда сўзлашувчи халқларнинг миннатдор фарзандлари уни севиб улуғлар эканлар, бу ҳам улуғ юртдошимизнинг интернационал руҳига мосдир.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари кандидати

ШАХ МАТ

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

Янги ғалабалар

«Жаҳон чемпиони А. Карпов ўз унвонини иккинчи бор сақлаб қолганига ҳали бир йил ҳам тўлмай туриб, негадир тож талабгорлари аниқланди. Бу қандай бўлди? Ахир матчлар уч йилда бир ўтказиларди-ку?», деб таажжубланмоқдалар кўплаб шахмат мухлислари. Ўринли таажжуб.

Лекин ягона тож талабгори икки йилда аниқланиб, учинчи йили у тождор билан учрашади. Туркум мусобақалар нималардан иборатлигини айтиб ўтайлик. Булар: миллий федерациялар — мамлакатлар биринчилиги, 12 зонада ўтадиган турнирлар, зоналараро турнирлар, талабгорлар ўртасида чорак финал, ярим финал ва финал ўйинларидан иборатдир. Ана шуларнинг барчасида ғолиб чиққан ўйинчи Карпов билан учрашади.

Ўтган йили зоналараро турнирлар ўтказилди. Уларнинг биттаси Ригада ўтди. М. Таль — биринчи, Л. Полугаевский — иккинчи, З. Рибли ва А. Адорьян (Венгрия) учинчи ва тўртинчи ўринни эгалладилар. Таль билан Полугаевский тож талабгорлари чорак финалига йўлланма олдилар. Учинчи йўлланма учун венгриялик ёш гроссмейстерлар ўзаро 6 партиядан иборат қўшимча матч ўйнадилар ва Адорьян ғолиб чиқди.

Иккинчи зоналараро турнир Бразилияда ўтиб, жаҳон эксчемпиони Т. Петросян, ГФР вакили Р. Хюбнер ва венгриялик Л. Портиш ғалабаси билан тугади. Бу йил тўрт совет ва тўрт ажнабий забардаст гроссмейстер ўртасида мусобақалар бўлиб, келгуси йили Карпов билан матч ўйнайдиган ягона тож талабгори аниқланади.

Аёллар ўртасида ўтказилган зоналараро турнирларнинг натижалари янада қувончлидир. Айниқса, тбилисилик дугоналар — жаҳон вице-чемпиони Нана Александрия, 18 ёшли Нино Гуриели, 17 ёшли Нана Иосселианининг тож талабгорлигига кўтарилгани совет шахматчиларининг, аввало ёш ҳаваскорларнинг кўнглини хушнуд этди. Бу йил аёллар ўртасида жаҳон чемпиони тбилисилик Майя Чибурданидзенинг ҳам рақиби маълум бўлади.

Халқаро шахмат Федерацияси талабгорлар ўртасида қуръа ташлади. Шунга кўра М. Таль Л. Полугаевский билан, Т. Петросян В. Корчной билан, Б. Спасский Л. Портиш билан ва А. Адорьян Р. Хюбнер билан чорак финалда учрашадиган бўлдилар.

Зоналараро турнир тугагач, Голландиянинг Тилбург шаҳрида жаҳоннинг рейтинг — даражаси энг юқори гроссмейстерларидан ўн икки киши иштирокида улкан халқаро турнир ўтказилди. Булар орасида ҳам тождорнинг асосий фигура бўлганлиги турган гап. У 11 имкониятдан 7,5 очко олиб биринчи совринга сазовор бўлди. Львовлик ёш гроссмейстер О. Романишин ундан атиги ярим очко ортда қолиб иккинчи мукофотни олди ва Б. Спасский, Л. Портиш, Р. Хюбнер сингари донгдор гроссмейстерларни доғда қолдирди. Шу турнирдан битта партия келтирамиз. Ўзингиз таҳлил қилиб чиқинг.

А. Карпов — Б. Ларсен: 1. e4 c6 2. d4 d5 3. Kd2 de 4. K:e4 Kf6 5. Kg3 (Бу ерда кўпинча 5. K:f6+ ўйналади.) 5... g6 6. Kf3 Cg7 7. Ce2 0—0 8. 0—0 Фb6 9. b3 Cg4 10. Cb2 a5 11. a4 Kbd7 12. h3 C:f3 13. C:f3 Лad8 14. Фe2 Лfe8 15. Лfe1 Kf8 16. Фc4 Ke6 (Ўйиннинг шу ерига яхши эътибор беринг.) 17. Л:e6 fe 18. Ф:e6+ Крh8 19. Лe1 Фb4 20. h4 Фd6 21. Фh3 e6 22. h5 gh 23. Лe5 Лe7 24. Фh4 Лf8 25. K:h5 K:h5 26. Л:h5 Cf6 27. Фe4 Лd8 28. Л:a5 C:d4 29. Cc1 Лf7 30. Лh5 Cf6 31. Ce3 Cd4 32. Cg5 Лg8 33 Крf1 c5 34. Cc1 Фa6+ Крg1 b5 36. Cf4 ва 37. Ce5+ C:e5 38. Ф:e5+ Лgg7 39. Лg5 ав (Цейтнотда ўйнаётган қоралар навбатдаги зарбани пайқамай турибди.) 40. Фb8+ Ларсен таслим бўлди.

Устоз Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб Тошкентда ўтказилган саккизинчи анъанавий Бутуниттифоқ турнирида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан 16 шахматчи қатнашди. Шуларнинг 14 таси рейтинг — даражаси юқори бўлган СССР спорт мастерлари эди. Кураш жуда қизғин ўтиб, биринчи совринни СССР ёш спорт мастерлари чемпионатининг ғолиби олмаоталик Е. Владимировга тегди. Ўзбекистон экс-чемпиони тошкентлик Г. Аъзамов иккинчи ўринни эгаллади.

Республика шахмат клубининг очиқ чемпионатида Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган 180 шахматчи ўйнади. Биринчиликни тошкентлик мастерликка номзод С. Федяшин олди. Мана, у ўйнаган партиялардан бири:

С. Федяшин — Г. Войнов: 1. e4 e5 2. Kf3 Kc6 3. Cb5 Kge7 4. Kc3 d6 5. d4 Cd7 6. Cc4 h6 7. Ce3 g6 8. Фd2 Cg7 9. 0—0—0 Cg4 10. Ke2 a6 11. h3 C:f3 12. gfb5 13. Cb3 a5 14. a4 ва 15. C:a4 Крf8 16. f4 ed 17. K:d4 Фb8 18. c3 Фb7 19. e5! de 20. K:c6 K:c6 21. Фd5 Лb8 22. Лd2 Kd8 23. Лhd1 Ф:d5 24. Л:d5 Cf6 25. fe Ce7 26. Л:a5 Ke6 27. Cd7 Лd8 28. Лa7 Cc5 29. C:c5+ K:c5 30. Л:c7 ва оқлар тез орада ғалаба қозондилар.

Бу ўйинни ҳам ўзингиз таҳлил қилинг.

Чирик ёғочга

Тўлқин оққан ёққа қараб оқ,
Қалқиб-қалқиб қиларсан маза.
Пўклигинг ҳам эсингдан чиқиб,
Умрингдан шод бўларсан тоза.

Балиқмидинг, қанотинг толиб
Тўлқинларга қарши сузгали?
Фош этгилу ўзингни ўзинг
Тубанларга йўртиб кет, бали!..

ОЛҚОР
Тошкент

* * *

Кўз нуридай суйиб бағрига олган —
Осмон — юлдузларнинг онаси.
Тилла бешик каби балқиган ой ҳам
Тебраниб тинглайди алласин.

Тун бўйи самонинг қаро кўзига
Уйқу инмай, куйлаб, бедор ўтирди.

Юлдузлар ухлагач бешик юзига
Ҳарир тонгни ёпиб, ўрнидан турди...

Тонг — дарпарда. Парда ортида
Мудрамоқда митти юлдузлар...

Меҳринисо ОЙДИНОВА
Хатирчи

Наъмаътак

ФЕЛЬЕТОН МАШМАШАСИ

Очеркчига маза, лаҳча чўғдай факт ва рақамларни қўлга туширади-да, дарҳол ёзишга киришади. Унинг қаҳрамонлари автордан мамнун. Текширтекшир, шовқин-сурон йўқ. Ҳеч ким очеркчига қўлини пахса қилиб: «Эви билан-да, одамнинг шахсиятига тегибсиз, у-бу!», демайди.

Аммо фельетончининг аҳволига вой! У шўрлик беҳисоб таънаю дашномга қолади. Фельетон машмашаси ҳали у туғилиб улгурмасидан бошланади. Айрим дилини моғор босганлар уни мурғаклигидаёқ йўқотишга уринадилар. Машмашанинг иккинчи шиддатли даври фельетон чиққан фурсатдан бошланади. Фельетон қаҳрамони ва унинг ҳомийлари ўтказадиган ошкора, баъзан пинҳона зуғумни қўйиб туринг! Ҳатто шу фельетон туфайли умумий ишда фойда кўрадиган баъзи бошлиқлар ҳам муаллифга сиртдан хўмраяди: «Бу тирранча менинг соҳамни, менинг одамимни ёмон отлига чиқариб, нечук шохимни зирқиратади?!» Бундай бошлиқлар фельетоннинг ҳар жумласидан ғубор, ҳар сатридан нуқсон қидиради. Ўхшатиш, муболағалар унинг сочини тикка қилади. Кундуз куни прожектор ёқиб ахтаради: бирорта ушлайдиган жойи, қийшиқ тушган ҳарфи йўқмикан? Ҳеч қусур топилмаса, фельетон босилган саҳифани тирнаб, искаб кўради... Ниҳоят, ҳақиқат устун келади. Бошлиқ редакцияга фельетон фактлари тасдиқланди, деган мазмунда жавоб йўллашга мажбур бўлади. Шу билан машмаша барҳам топса кошкийди! Қоғоз, телефон ва «маразилло» ларни ишга солиб авторни зимдан «тартибга чақирмоқчи» бўлади. Фельетончига юзма-юз келса, мусибатли аза куни ҳам кулиб боқади. Орқасидан эса... икки кўзи ўқ бўлсаю фельетончининг юрагига санчилса! Аммо маълумки, фельетончи душман эмас, халқпарвар одам, фельетон ёзишдан муроди жамиятга наф келтириш.

Бу босилиб эл оғзига тушган, муаллифга «самимий олқиш»лар ёғдирилган фельетончи фаолиятидан бир чашна, холос. Бунақа газетада босилганини қўйинг, кўпинча ёруғ дунё юзини кўрмаган фельетон ҳам арининг уясига чўп суқиш билан баробар!..

...Барча оила аъзоларимиз билан жам бўлиб, чой устида чақчақлашиб ўтирардик. Телефон жиринглаб қолди. Трубкани олдим. Редакторимиз ўринбосари Каримжон ака ҳол-аҳвол сўрашгач, муддаога ўтди:

— Анави чойнакфурушнинг қўлга тушганидан хабарингиз борми?

— Ҳа, эшитдим.

— Эшитган бўлсангиз шуни дарров фельетон қилиб юбормайсизми?

Каримжон ака қалби тоза одам. Лекин сал қўрслиги, ҳовлиқмалиги бор — бунга ҳаммамиз кўникиб қолганмиз. Шундай бўлса-да, пича оғриндим.

— Каримжон ака,— дедим босиқкина,— биласиз, отпускадаман. Қолаверса ғишт қолипдан кўчган. Кул кечиб, кўмир кечиб, ўчган ёнғиннинг устидан сув сепиб юрсак, яхши бўлмас. Биласиз, мен «янги қўриқ очиб» ўрганганман...

— Хуллас; топшириқ — шу! Фельетон чиқариш керак, бошқа қилвирларга ибрат бўлсин...

Индамадим. Жимликни Каримжон ака ўзи бузди:

— Шундай қилинг, редакцияга тез етиб келинг, акаси!— Бу гал овози юмшоқроқ эшитилди.— Фактлар етарли. Шуни бир ёқли қилиб кетинг, отпускангизни чўзиб берамиз.

Ноилож «Хўп...», деганча трубкани жойига қўйдим. Авзойим бузилган эди.

— Тинчликми?— дея шошиб сўради келинингиз.

Икки оғиз гап билан воқеани тушунтирдим.

— Ҳм, шунақами?— Келинингиз авжига минди.— Ёз деса, дарров ёзинг! Бир боплаб шармандасини чиқаринг юлғич ўлгурни! Халойиқ раҳмат десин! Зора, тунука чойнак тутишдан қутулсак!

Тўрда ёнбошлаб ётган бувим сергакланиб ўрнидан турди. Ўнг қулоғи оғир эди, чап қулоғига қўлини қўйиб сўради:

— Ҳай, нима гап?

Келинингиз бақириб, имлаб тушунтира кетди. Бувим ҳам маъқул топгандай бошини лиқиллатди:

— Жуда аломат бўлади. Кўпчиликка фойда. Чойингни катта-катта ичгин-да, дарров ёзиб бер! Савоб ҳам керак одамга.

Тавба! Фельетон ёзиш шафтолининг пўстини арчишдек гапмикан буларга! Ҳужжатлари, ашёвий далиллар нақд бўлганда ҳам уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш, масаланинг моҳиятини таҳлил этиб кўриш, газетхоннинг зеҳнини қитиқлайдиган услуб топиш! Эҳ-ҳе!.. Қанча иш!

Истар-истамас йўлга отландим. Мотоциклни юргизишга чоғлаб турган эдим, келинингиз буйруқнамо савол ташлади:

— Эртага ўқиймизми?

— Ҳа,— дедим энсам қотиб,— ҳали пешинга яқин ўқийсиз!

Каримжон ака бетоқат бўлиб, кутиб ўтирган экан, редакцияга киришим биланоқ бир папка ҳужжатни қўлимга тутқазди:

— Иложи бўлса, шу сонга тайёрланг. Ичакни узадиган бўлсин. Айни обуна маҳали...

Талабни қаранг! Бир ғирром қаердандир улгуржи чойнак-пиёла олиб, икки-уч баравар қимматига пуллаётганда қўлга тушган бўлса, бунинг обунага нима дахли бор?

Ичимда кулиб қўйиб, кабинетимга кирдим. Кечгача папкадаги қоғозлар билан эринмай танишдим. Икки кун ички ишлар бўлимида, район матлубот жамиятида қаҳрамоним Етовқўзининг маҳалласида ивирсиб юрдим. Шу орада уйимга уч марта «делегация» келди. Етовқўзининг яқинлари бўлса керак, бир бор икки киши, иккинчи марта уч йигит ёпиғли қозон ёпиғли қолишини қаттиқ туриб илтимос қилишди. Бу иш бутунлай менинг ихтиёримда эмаслигини тушунтиргунча тинкам қуриди. Бувим билан келинингиз илтимосчилардан хабар топиб ваҳимага тушиб қолишди.

— Нима қиласан бировнинг дилини оғритиб? Дил озоридан худо безор, деганлар!..

— Шу фельетонсиз кунингиз ўтмай қолармиди? Нима қиласиз душман орттириб! Ахир, биттаси бўлмаса биттаси... Ёзмай қўяқолинг, адаси.

Учинчи куни эрталаб яна келинингиз уйғотди:

— Туринг, бир кампир чақиряпти.

— Қанақа кампир?— дея кўзимни зўрға очдим.

— Анови фельетон важидан келганга ўхшайди.

— Об-бо! Боши оғрияпти, деб юбор!

Шу пайт эшик қия очилиб, етмишларга борган кампир мўралади:

— Шу ердами фелтўнг болам? Тур, болам, тур! Гапимни айтаману кетаман. Абдирасилнинг машинасида келганман, кўчада кутиб турибди, иши шошилинч экан.— Кампир деворга суяниб ўтириб, юзига фотиҳа тортди.— Гап бундай, фелтўнг болам. Етовқўзи қўшним бўлади. Ҳозир терговда. Хотини йиғлайвериб хун бўлди. Одамнинг раҳми келади! Сен эл-юрт олдида шармисор қилсанг Етовқўзи нима деган одам бўлади?

Эр-хотин бу содда кампирнинг гапига кулиб қўйдик. Масалани узоқ тушунтирдим. Кампир хомуш ўрнидан қўзғалди.

— Феълинг чиндан ҳам тўнг экан, болам!— деди чиқиб кетаркан.

Фельетоннинг ёзилмай қолиши сира мумкин эмас эди. Ўқланган милтиқдек бўлиб редакцияга жўнадим.

Масала равшан, лекин чиройлироқ услуб топишим керак. Қўлни орқага қилиб олиб, тушгача кабинет полини қадамлаб юз хил бўлак ва доирага бўлдим. Ўнтача гугурт донасини тишлаб, ишдан чиқардим. Ниҳоят... учтўрт қоғоз ёзганда услубим кўзимга ғариб кўринди. Қоғозларни ғижимлаб саватга ташладим. Яна юриш, яна ўй! Хайрият, бу гал тезлашиб кетди. Севинганимдан ишга шўнғидим.

Эртасига тушга яқин фельетон битди! Каримжон ака уни завқ билан ўқиди.

— Индинги сонда чиқади,— деди юзида табассум яшнаб.— Бутун район кулади!

Аллақандай оғир юкдан халос бўлгандек уйга анча енгил тортиб кириб келдим.

«Бутун район кулади! Қаллобнинг қилмишидан ҳамма ғазабланади!»

Бироқ ноғора чўпни эртароқ кўтарган эканман! Индинги сон, ундан кейинги сон ҳам чиқди, аммо фельетондан дарак йўқ! Юрагим қисилиб телефонга ёпишдим.

— Энди ука, хафа бўлмайсиз,— деди Каримжон ака.— Фельетон қоладиган бўлди. Қариндош-уруғлари баъзи амалдорларга кўз ёши қилишибди. Бунинг устига, ҳал бўлган масала экан...

Каримжон ака яна нималар деганини билмайман, трубка қўлимдан тушиб кетди.

...Ҳали чойхона олдидан ўтаётиб, қувноқ бир даврага кўзим тушиб қолди. Тунов куни ҳовлимизга келган илтимосчилар сўрида керилишиб ўтиришар, улардан бири қўлини менга бигиз қилиб ниманидир уқтирар, гапи анча қизиқ бўлса керак, барча хандон отиб кулар эди!.. Алам ва хижолатдан довдираб уйга қандай етиб келганимни сезмай қолибман. Хайрият, эртароқ келганим, уни қаранг, редакторимизнинг ўзлари шахсан телефонда сўраётган эканлар!

— Ҳой, Маҳмуджон!— деди у киши менга.— Бекорчиликдан зерикмадингизми? Газетамиз маддоҳ бўлўб кетяпти. Ишонган фельетончимиз — сиз! Яхши бир фельетон жўнатинг, шу сонга берамиз. Ҳа, зудлик билан!..

Анвар МУҚИМОВ

Фарғона



ХАНДАЛАР

НИНА

— Вой, ҳозирги замоннинг қизлари-ей! Нинанинг нимага ишлатилишини ҳам билишмайди-я!— деди буви неварасини койиган бўлиб.

— Нега билмас эканмиз?! Нина уколга ишлатилади-да!— деб жавоб берди невара.

МАТЕМАТИКА ДАРСИДА

— А шаҳридан Б шаҳри томон йўл олган поезд сен чиқарган натижадагидек, уч соатда эмас, беш соатда етиб боради,— дея уқтирди ўқитувчи.

— Шундайку-я, лекин поездлар ҳамиша кечикиб келади-да!— деди ўқувчи.

ТАНАФФУСДА

Иброҳим синфдоши Камоладан сўради:

— Кеча она тили дарсидан кетиб қолган эдим, нима гаплар бўлди?

— «Оддий ва қўшма гаплар» бўлди.

С. ҒАФУРОВ



— «Янги йилдан, ўзингиз ташаббус кўрсатиб ишланг!», дейди, бу нима дегани?




— Эҳ-ҳ, бадан тарбия машғулоти намунча қисқа бўлмаса! Турмасингдан тамом бўлади!..



— Вой-бў-ў! Ишга кеч қоляпмиз-ку!



— Хайрият, вақтида етиб келдик.



КРОССВОРД

Энига: 1. Мирмуҳаммад Амин Бухорий асари. 7. Мева. 8. Томон. 9. Газлама. 10. Қуш. 12. Ўзбек совет архитектори. 17. Сунъий тола. 18. Ҳунарманд. 19. Масаллиқ. 20. Америка қитъасидаги ярим орол. 21. Ҳужжат варақаси. 23. Қадимги юнон эпоси. 25. Темирчилик қуроли. 26. Енгил автомобиль маркаси. 32. Техникада ишлатиладиган спирт. 34. Ойбек романининг қаҳрамони. 35. Ғўза меваси. 36. РСФСРдаги шаҳар. 37. Радиоактив элемент. 38. Ўқув юрти.

Бўйига: 1. Тиниш белги. 2. Ҳамроҳ. 3. Рус флоти саркардаси. 4. Миллий таом. 5. Аёл исми. 6. Рўзғор буюми. 9. Рус совет театри арбоби. 11. Қозоғистондаги шаҳар. 13. Хушбўй модда. 14. Ҳиндистондаги штат. 15. Ёғочдан олинадиган модда. 16. Қуёш. 22. Файласуф олим. 24. Шеърий вазн. 27. Идиш. 28. Шахмат устаси. 29. Бинокорлик материали. 30. Ҳамза шеъри. 31. Адабий жанр. 33. Дурадгорлик асбоби.

Тузувчи **Ф. ОРИПОВ**

Тошкент

Расмларни **А. ХОЛИҚОВ** чизган







— Нима қилай, мен буни кияйми бўлмаса?



Бошлиқ Боқи Беғамов.



— Ҳозир сизни хотиним билан таништираман.

12-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 7. «Гўрўғли». 8. Даромад. 9. Галаба. 12. Рапида. 13. Диорама. 14. Дўлана. 16. Космос. 18. «Чайка». 21. Ойна. 22. Наср. 23. Шолча. 24. Эрам. 25. Перо. 27. Адиба. 31. Кимоно. 34. Айлана. 36. Капалак. 37. Баббит. 38. Адоват. 39. Полтава. 40. Никотин.

Бўйига: 1. Бўтакўз. 2. Сўзана. 3. Эллада. 4. Варрак. 5. Компас. 6. Гандбол. 10. Мола. 11. Парк. 15. Нейтрон. 17. Оқсарой. 18. Чашма. 19. Йўлчи. 20. Анапа. 26. Пифагор. 28. Депо. 29. Балл. 30. Андалиб. 32. Орбита. 33. Октава. 34. Акация. 35. Леонов.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Бу йил Москвада ўтказиладиган XXII Олимпия ўйинларида совет спортчилари Ватанимиз шуҳратини янада юксак чўққиларга кўтарадилар. Суратда: республикамизнинг Олимпия ўйинларига муносиб тайёрланаётган спортчиларидан — ЎзССРнинг енгил атлетика бўйича ёшлар терма командасининг аъзолари **Анатолий Ким,** СССР спорт мастери **Елена Парфенова,** юқорига сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони **Марат Ҳабибуллаев** ва СССР спорт мастери **Валентина Нуриддинова.**

Тўртинчи бет: Тошкент область Калинин районидаги «Хасково» совхозининг селекционери **Уринбой Каримшоев.** (8-бетдаги «Қор қўйнида саратон» очеркини ўқинг.)

А. ЖДАНОВ фотолари

Бош редактор Асқад МУХТОР

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САИДУМАРОВ**

Корректор **Н. ЙЎЛДОШЕВА**

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари —33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари —33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими —33-36-02; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 20—11. Босишга рухсат этилди 24—12. Р —15141 Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 265096. Буюртма 2047. Нашр № А —97.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



1. Автопортрет.



2. Эртак.

5. Қуёшга талпиниб...
6. Кўзлар.
7. Баҳор ва рассом.
8. Оққушлар.
9. Орзу қанотлари.
10. Бинафша.
11. Шарқ оҳанглари.
12. Наъматак.

БЕБАҲО ФАЗИЛАТ

Биз тасвирда ёруғлик сари, тиниқ ранглар, нур сари интилмоғимиз шарт... аммо бу йўлда санъаткорнинг энг бебаҳо фазилати — қалб саховатини қандай асраб қолиш керак?

И. КРАМСКОЙ

Баъзан қаҳрамонингиз билан бир марта суҳбатлашгач, дарҳол қўлга қалам олиб, таассуротларингизни қоғозга осонгина тушира бошлайсиз. Аммо бу гал... Бир қарашда, ёвуз тақдир уни ҳаётдаги барча шодликлардан маҳрум этгандек туюлади. Аслида-чи?

Старцевлар оиласида дунёга келган тўнғич фарзанд ота-онанинг умид ва қувончи эди. Лекин бедаво дард мурғак гўдакнинг қисматига чанг солди: ардоқли фарзанд умр бўйи тўшакка михланиб қолди...

Беҳисоб муолажалар, ноёб дорилар ҳам наф келтирмади: Люба энди бир умр деразага термилган кўйи тонг ва шом, тун ва куннинг бир зайлда алмашувини жимгина кузатиб ётишга маҳкум...

Бироқ ўткир идроки ва теран қалби унга метин ирода бахш этди. Люба жисман ногирон бўлса-да, руҳан соғлом бўлиб ўсди, унёнинг бетакрор гўзалликларидан ҳайрат ва чексиз завқ туйғуси унинг қалбидаги матонат билан уйғунлашиб кетди.

Қизнинг ягона овунчоғи — меҳрибон онаси Валентина Ивановнанинг эртакларию суратли китобчалари эди. Мушфиқ она жигарбандига бор меҳрини бериб тарбиялади, кейинчалик ўқиш-ёзишни ўргатди. Она муҳаббати, саховат тўла қалб, сабр-чидам барча қийинчиликларни енгиб ўтди.

Люба фавқулодда тиришқоқлик ва иштиёқ билан билим олди. Унинг ҳайратомуз салоҳият эгаси эканлиги кўпчиликнинг назаридан четда қолди, чунки Люба ўз дардини намойиш қилиб, одамларда шафқат уйғотишга уринмагани сингари, дастлабки муваффақиятларини ҳам сир тутди. У музика, шеърият, астрономияга айниқса чексиз меҳр қўйган. Вивальди, Бетховен, Чайковский музикаси дилида юксак, сеҳрли туйғулар уйғотар, ҳаёт ва санъатга ишончу муҳаббатини оширар эди.

Люба мустақил равишда француз ва инглиз тилларини ўрганди. Бундан уч-тўрт йил муқаддам эса кўнглида расм чизишга ҳавас туғилиб, ўзича машқ қила бошлади. Дастлабки машқлар камчиликлардан холи эмас эди: уларда тақлид ва журъатсизлик сезилиб турарди. Аммо Люба машаққатли изланишларини сабот билан давом эттирди.

Самарқанд районининг Советобод посёлкасидаги Максим Горький номли кўчада жойлашган бу сокин хонадондан Люба санъатнинг сеҳрли оламига илк қадам ташлади. Тинимсиз машқлар, завқли машаққатлар аста-секин ўз самарасини бера бошлади. Любанинг қалами дадиллаша борди, тасвирдаги ёрқин, ҳаётбахш ранглар тиниқлашди, кўнгилнинг пинҳон орзуларидек нафис чизиқлар ўзгача бир жозиба ва шукуҳ касб этди.

Диққат қилиб қарасангиз, Любанинг барча асарларида теран бир самимият, кишини ҳаётга чорлайдиган, унинг кўнглига пок, мусаффо туйғулар бахш этадиган тиниқлик борлигини сезасиз. Бу ҳаётбахш завқ, сурур илдизлари Любанинг матонатли, шижоат ва эзгуликка тўла қалбидан озиқланади. Чунки у табиатан хушкўнгил, иродали, ажойиб инсон.

Ранг-баранг машқлари жамланган альбомни менга узатаркан, «Буларнинг орасида заифлари кўп», деб қўйди. Аммо бу сохта камтарлик эмас эди. Ҳар қандай изланувчан, беором, ҳақиқий ижодкор сингари, Люба ҳам ўз машқларидан ҳали қаноат ҳиссини туймаслиги табиий бир ҳол.

Бироқ Люба Старцеванинг асарларида энг муҳими — буюк рассом И. Крамской ғоят улуғлаган санъаткорнинг бебаҳо фазилати — қалб саховати барқ уриб турганлиги ғоят қувончлидир.

Мен Люба Старцеванинг асарларини таҳлил қилиш ниятида эмасман. Юракдаги ички бир эҳтиёждан туғилиб, Люба учун ҳаётий зарурат даражасига кўтарилган бу асарлар, назаримда, изоҳга муҳтож бўлмаса керак.

Самарқандлик рассом қиз машқ деб чизган асарларни қайта-қайта кўздан кечираман. Ижодкорнинг бутун борлиғи, маънавий бойлиги яққол акс этган ҳар бир асардаги табиий соддалик, серзавқ бўёқлар қаршисида узоқ ўйланиб қоламан. Беихтиёр Любанинг шу сўзлари ёдимга тушади: «Биласизми, сира вақт етишмайди». Бу мени ҳайратга солади. Ҳайрат баробарида замондошим бўлган бу ажойиб инсоннинг шижоатига, беқиёс қалб саховатига дилимда чинакам ҳавас уйғонади.

Райхат СОДИҚОВ

3. Инсон ва коинот.



4. Уильям Блейкнинг «Дардчил гул» шеъри асосида чизилган расм.





5



8

6



7



9



10



11



12





Баҳоси 30 тийин.
Индекс 75233